



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

# ДОРИЛФУНУН ФИДОЙИЛАРИ

*(Қисқача тарихий биографик маълумотнома)*

*Самарқанд давлат университети  
Илмий кенгашининг 2006 йил 28  
июндаги қарори билан нашрга  
таъсис этилган (11-баённома).*

Самарқанд – 2007

**Дорилфунун фидойилари.** Кисқача тарихий биографик маълумотнома. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2007. – 134 бет.

Мазкур маълумотнома ўзининг онгли ҳаётини Марказий Осиёнинг қадимий илму маърифат бешикларидан бири бўлган Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида ўтказган, унинг равнақиға, республикамиз илми ва кадрлар тайёрлаш ишиға ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган ёки бугунги кунда ҳам мустақиллик туфайли шакланган миллий ғоянинг халқимиз онгиға синдирилишида ва янги авлод тарбияси йўлида хормай-толмай хизмат қилаётган фидойи инсонларнинг ҳаёт йўллари ҳақида мухтасар ҳикоя қилинади.

Мазкур мажмуа 2001 ва 2004 йилларда нашр этилган «Барҳаёт сиймолар» ва «Дорилфунун фидойилари» китобларининг бевосита давоми ҳисобланади ва уларнинг нашри ҳақидад билдирилган фикр-мулоҳазалар таҳрир ҳайъати томонидан мамнуният билан қабул қилинади.

#### **Тақризчилар:**

З.Муқимов – *юридик фанлари доктори, профессор.*

И.Саидов – *тарих фанлари доктори, профессор.*

Масъул муҳаррир: Самарқанд давлат университети ректори, тарих фанлари доктори, проф. Т.Ш.Ширинов

Таҳрир ҳайъати: проф. М.Ж.Жўрақулов (раис),  
проф. М.Қ.Мухитдинов,  
проф. С.А.Каримов (масъул),  
проф. Х.Н.Нарзуллаев,  
доц. Х.А.Аминов.

## СЎЗ БОШИ

Мухтарам ўқувчи!

Қўлингиздаги китоб ўз тақдирларини университет ҳаёти билан мустақкам боғлаган, унинг тараққиёти ва ривожини учун ўзларининг баҳоли қудрат ҳиссаларини қўшган ҳамда шу олий даргоҳда узок йиллар хизмат қилган ва қилиб қилаётган фидойи инсонларнинг ҳаёти ва фаолиятини қисқача тарзда бўлса-да, ақс эттиришга бағишланган очерклар сериалининг учинчи мажмуи бўлиб ҳисобланади.

Мухтарам Юртбошимиз И.А.Каримов «Ўзбекистон ХХІ бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» (Тошкент: Ўзбекистон, 1997) асарида тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бораётганлигини, буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантиришга хизмат қилаётганлигини ҳамда ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланиб бораётганлигини, Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар қўп бўлганлигини таъкидлаб, «Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жойиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади», деган эдилар.

Дарҳақиқат, жонажон университетимиз ҳам улкан ва буюк мамлакатимизнинг ажралмас бир қисми, унда фаолият кўрсатган ва кўрсатаётган кишилар ҳам она халқимизнинг бир зарраси. Бу қутлуғ даргоҳнинг салкам 80 йиллик фаолиятида юртимизда халқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш ривожига, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат, бир сўз билан айтганда, миллий маънавиятимиз ва мафкурамизнинг шаклланишига кадрлар тайёрлаб бериш йўли орқали жуда катта ҳисса қўшганлиги ва қўшиб келаётганлигини бугун фахрланиш туйғуси билан айта оламиз. Бу улкан ишларнинг амалга оширилишида унда фаолият кўрсатган ва кўрсатаётган инсонларнинг хизматларини эътироф этиш ҳам ўзлимизни англаш йўлидаги адолатли саъй ҳаракатдир.

Университет фидойиларининг бир қисми бугун бизларнинг орамизда йўқ. Демакки, уларнинг ҳаёти ҳам, илмий-педагогик

фаолияти ҳам тарихга, тарихий хотирага айланди. Инсон учун азиз туйгулардан бири эса – хотира. Ўзбекистонда таълим тизимининг ривожини учун, миллий кадрлар тайёрлаш сифатини такомиллаштириш учун умрини бахшида этган устозлар номини ёд этмоқ, агар мумкин бўлса, уларнинг хотираларини абадийлаштирмоқ, биз билан бир сафда туриб университетда мавжуд анъаналарни собитқадамлик билан давом эттираётган ҳамкасбларимизнинг кадр-қимматини жойига қўймоқ ҳам фарз, ҳам қарз бўлиб ҳисобланади.

Шу маънода ушбу биографик очерклар юксак маънавий-маърифий қимматга эгадир. Уни ўқиган ёшларимиз инсоннинг қилган меҳнати ҳеч зое бўлмаслигини, илму маърифат йўлида чекилган заҳматлар изсиз йўқолиб кетмаслигини, устозлик ва мўраббийлик улуғ саодат эканлигини англаб етишларига ҳамда ўзларининг ҳаёт йўлларида маёқ қилиб олишларига аминман.

Китобда келтирилган ҳар бир инсоннинг ҳаёт йўли ва тақдири иккинчисиникига ўхшамайди, уларнинг илм-фан тараққиёти йўлида чеккан заҳматлари ҳам турлича. Аммо уларни бир нарса – она-Ватанга бўлган муҳаббат, илму маърифатга ва баркамол авлод тарбиясига бўлган садоқат бирлаштиради. Бу эса ғоятда муҳим маънавий-тарбиявий аҳамият касб этади.

Университет фидойиларининг ҳаёт йўллари кўсқа ва мазмунли тарзда баён этиб, унинг нашр ҳолатига келтирилишида университет Оқсоқоллар кенгашининг раиси тарих фанлари доктори, профессор Мавлон Жўрақулов ҳамда котиби филология фанлари доктори, профессор Суюн Каримовларнинг хизматларини алоҳида таъкидлашни истар эдим.

Юртимизда маънавий янгиланиш ва ислоҳотлар давом этаётган экан, унинг пойдеворига атиги битта ғишт қўйган инсоннинг кадри ҳам ҳамиша эл ардоғида бўлади. Хотира ва қадрият миллатимизнинг фахри бўлиб, ўзлигини ҳамиша ёдга солиб турувчи маънавий восита бўлиб қолаверади.

Самарқанд давлат университети  
ректори, тарих фанлари доктори,  
профессор Темир Ширинов

*Самарқанд шахри, 2006 йил 1 июль*

## I ҚИСМ

### АХМЕДЖОНОВ РУСТАМ АХМЕДЖОНОВИЧ (1946-2003)



Ахмеджонов Рустам Ахмеджонович 1946 йил 24 мартда Самарқанд вилояти Булунгур туманида хизматчи оиласида туғилган. 1963-1967 йилларда Самарқанд давлат университети физика факультетида таҳсил олган, кейин ўқишни Ленинград давлат университети физика факультетида давом эттириб, 1970 йилда ўқишни тамомлаган.

1971-1974 йилларда ўша ерда аспирантурада таҳсил олиб, 1974 йилда «Айрим бинар системаларда индуцирланган инфрақизил ютилиш спектрларини ўрганиш» мавзусида номзодлик, 1992 йилда «Сиқилган газлар ва эритмалар ютилиш спектрларидаги тақиқланган тебранма ўтишларни тадқиқ қилиш» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Р.Ахмеджонов иш фаолиятини 1970 йили СамДУ физика факультети «Спектрал таҳлил» ўқув лабораторияси мудирлигидан бошлаган. 1974-1975 йилларда кичик илмий ходим, 1976-1981 йилларда оптика кафедраси ассистенти, кейинчалик 1981-1984 йилларда кафедра катта ўқиғувчиси, 1984-1988 йилларда кафедра доценти, 1993-2003 йилларда оптика ва спектроскопия кафедраси профессори вазифаларида ишлади.

Р.Ахмеджонов ўқув-илмий ишларни жамоат ишлари билан уйғунлашган ҳолда олиб борди. У 1977-1980 йилларда жамоатчилик асосида физика факультети илмий ишлари бўйича декан ўринбосари сифатида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда ҳам жонбозлик кўрсатган.

СамДУ физика факультети қошидаги оптика ва лазерлар физикаси мутахассислиги бўйича докторлик илмий даражасини берувчи Ихтисослашган кенгаш илмий котиби, шунингдек, оптика мутахассислиги бўйича номзодлик илмий даражасини берувчи Ихтисослашган кенгашнинг аъзоси эди.

Р.Ахмеджонов мураббий ва педагог сифатида 30 йилдан зиёд вақт давомида физика факультети талабаларига «Оптика»,

«Суюқликлар физикаси», «Атом ва молекуляр спектроскопия» фанларидан ўзбек ва рус тилларида маърузалар ўқиди, амалий ва лаборатория машғулотларини олиб борди. Илмий тадқиқот ишларида фаол иштирок этди ва 100 дан ортиқ илмий мақола, ўқув ва услубий қўлланмалар яратди, уларнинг аксарияти нуфузли илмий журналларда нашр этилди. Унинг раҳбарлигида 4 нафар илмий ходим номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

*С.Х.Қурбониязов*

### **БЕГИЕВ БОҚИ** (1910-1994)



Бегиев Боқи 1910 йилда Самарқандда дехқон оиласида таваллуд топган. Шаҳардаги 10-сон ўрта мактабда таҳсил олган. Спорт бўйича курсни битириб, мактабларда ўқитувчилик қилган. 1931 йилда педагогика билим юртини тугатиб, хотин-қизлар педагогика техникумида ишлаган. 1939 йилда Тошкентдаги спорт педагогика билим даргоҳини битирганидан сўнг Самарқанд ўқитувчилар институтида фаолият кўрсата бошлаган. 1956 йилда ўқув юрти Самарқанд давлат университетига қўшилди ва у 1978 йилгача шу олий даргоҳда ишлади ҳамда бир неча йил кафедрани бошқарди.

Б.Бегиев жамоат ишларида фаол қатнашди. У 1957-1977 йилларда университет спорт клубига раҳбарлик қилди. Шаҳар ва вилоят спорт ташкилотлари ва уюшмаларига ёрдам бериб турди. Республика миқёсидаги мусобақаларда мунтазам иштирок этди. 1967 йили Самарқанд шаҳар кенгашига депутат этиб сайланган, «Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони соҳиби бўлган эди.

Б.Бегиев 1994 йилда ҳаётдан кўз юмди.

*Х.Аминов*

## ВАФОВЕВ АТО НИЁЗОВИЧ (1925-2003)



Вафоев Ато Ниёзович 1925 йилда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. Унинг меҳнат фаолияти 1942 йилда ўқитувчиликдан бошланди. 1948 йилда Самарқанд педагогика институтини битиргач, шу олий даргоҳда, 1959-1961 йиллари кооператив институтида, 1967-1992 йиллари эса Самарқанд давлат университетида ўқитувчи, доцент бўлиб ишлади.

А.Вафоев жуда кўп илмий мақолалар, ўқув қўлланмалари, услубий қўлланмалар ёзди. Мағбуот саҳифаларида мазмундор илмий-оммабоп мақолалари билан қатнашди. Илмий анжуманларда иштирок этди.

А.Вафоев ўзининг илмий-педагогик фаолиятини жамоат ишлари билан бирга солиб борди. 1943-1953 йилларда ўқитувчилар институти ёшларининг сардори, 1961-1963 йилларда Самарқанд кооператив институтининг, 1970-1972 йилларда эса Самарқанд давлат университети фирма кўмитаси котиби бўлиб ишлади. 1974-1985 йилларда собиқ Боғишамол туман «Билим» жамиятига бошчилик қилди.

А.Вафоев 1990-2002 йилларда «Нуроний» жамғармаси Боғишамол туман бўлими раиси вазифасида фаолият кўрсатди. Унинг хизматлари ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди. У туман ва шаҳар кенгашлари депутати сифатида ҳам фаолият кўрсатган.

А.Вафоев 2003 йилда ҳаётдан кўз юмди.

*Ҳ.Аминов*



## ВЯТКИН ВАСИЛИЙ ЛАВРЕНТЬЕВИЧ (1869-1932)



Вяткин Василий Лаврентьевич 1869 йил 18 августда Еттисув ўлкасида туғилган. Унинг бутун умри Самарқанд шаҳрида ўтди.

В.Вяткин 1874 йили Тошкент шаҳрида очилган ўқитувчилар семинариясига кирди ва уни 1894 йил тугатди. Унинг ўлкашуносликни ўрганишга бўлган қизиқиши шу йилларда шаклланди.

В.Вяткин 1894 йил семинарияни битиргандан кейин Самарқанд шаҳрига ишга юборилади, у шарқ тилларини билгани туфайли вилоят бошқармасига таржимон, кейинчалик котиб сифатида ишга қабул қилинади. Шу даврда В.Вяткинда Самарқанднинг қадимий тарихи ҳамда унинг кўплаб моддий маданий ёдгорликларга қизиқиш бошланади ва Самарқанд тарихини ўрганиш ҳамда шаҳар ва унинг атрофида жойлашган қадимий ёдгорликларни рўйхатга олиш, қадимий тарихий буюмларни топиш, шарқ кўлёмаларини, вақф ҳужжатларни ва бошқаларни териб, уларнинг устидан ишлаш юзасидан меҳнат қилди.

В.Вяткиннинг интилиши илмий ўлкашунослик билан боғлиқ бўлиб, дастлаб унинг фаолияти 1877 йили ташкил топган Самарқанд вилояти статистик кўмитаси билан боғланди. У шу кўмитанинг аъзоси сифатида ишлади ва кутубхоначи вазифасини бажариб турди.

1896 йил 26 июлда В.Вяткиннинг таклифи билан Самарқанд статистика кўмитасининг битта хонасида музей ташкил этилди. Ўн беш йилдан сўнг В.Вяткиннинг ташаббуси туфайли Самарқандда янги махсус музей биноси қурилди ва кейинчалик шу музейда директорлик қилди.

В.Вяткин қатор Европа тилларидан ташқари ўзбек, қозок, тожик, форс ва араб тилларини мукамал билгани учун таржимонлик ҳам қилди. 1890 - 1897 йилларда Самарқанднинг қадимий ёдгорликларига тегишли халқ афсоналарини тўплам қилди, "Бобурнома" даги "Султон Бобур Мирзо Самарқанд ва унинг атроф ҳудудларини тасвирлаган замонаси" рисоласини чоп эттирди. Абу Тохир Хўжанинг XIV аср 30-йилларида ёзилган "Самария" асарини рус тилига таржима қилиб, нашр

эттирди. 1906 йилда форс тилидан рус тилига Имом Абу-л-Фазл Муҳаммад Самарқандийнинг "Қандия" китобини нашр эттирди. Самарқанд вилоятининг тарихий топография ҳамда тарихий географияси ҳақида илмий мақолалар чиқарди. Шунингдек, 1923 йилда рус мактаблари учун "Ўзбек тили дарслиги" ва "Форс тили" дарслиklarини нашр эттирди.

В.Вяткиннинг энг йирик хизматларидан бири – бу Самарқанднинг қадимий ўзаги бўлмиш Афросиёб шаҳарчасини ўрганишидир. Ўрта ва Шарқий Осиё тарихини, археология, лингвистика ва этнологияни ўрганиш қўмитасининг топшириғига кўра В.Вяткин йирик олим В.В.Бартольд билан биргаликда 1904 йилдан бошлаб Афросиёб шаҳарчасида қазилма ишларини олиб бордилар.

1912 йилдаги қазилма ишлари натижасида Афросиёб шаҳарчасининг ғарбий қисмида "Навбахор" дарвозаси яқинида Х асрга оид кенг майдонли иморат қолдиқлари очилди. 1913 йилдаги қазилмалар чоғида эса Афросиёбда биринчи марта қадимги деворий расмлар топилди.

В.Вяткин Афросиёбда ўтказилган илмий тадқиқот ишларининг натижаларини "Афросиёб - кўҳна Самарқанд ўрни" деган асарида батафсил баён этган.

1903 йили В.Вяткин вилоят маъмуриятида Самарқанд ёдгорликларининг назоратчиси, 1917 йили Самарқанд вилояти бошқармасининг маслаҳатчиси этиб тайинланди. 1918 - 1919 йилларда Самарқанд вилоят комиссарининг ёрдамчиси вазифасини ҳам бажарди. У музейлар ва қадимий ёдгорликлар, санъат ва табиат обидаларини сақлаш қўмитаси, яъни аввал Туркомстарис, кейин Ўзкомстарис ва Самкомстарис аъзоси, маслаҳатчиси ҳам эди.

В.Вяткин томонидан Улуғбек расадхонасининг топилиши фан соҳасида катта воқеа бўлди. У археологик кузатишларини ўрта аср ёзма манбалари билан солиштиради ҳамда XVII аср ўрталаридаги ҳужжатларида Оби - Раҳмат ариғи ёнида "Талли-и-расад" (яъни "обсерватория тепалиги") ҳақида айтилганини назарга олиб, 1908 - 1909 йилларда XX асрнинг археологик кашфиёти ҳисобланган Улуғбек расадхонасининг харобасида қазилма ишларини олиб боради. Илмий тадқиқот натижасида бу ерда расадхонанинг асосий асбоби - секстант топилди. В.Вяткин Улуғбек расадхонасига бағишланган "Мирзо Улуғбек ва унинг Самарқанддаги обсерваторияси" номли асарини нашр эттиради.

В.Вяткинга фан соҳасидаги хизматлари учун 1923 йилда профессор унвони берилди. У 1928-1931 йилларда Ўзбекистон давлат педагогика академиясида (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида) профессорлик лавозимида ҳам ишлади. Шу даргоҳнинг "Ўрта Осиё халқлари тарихи" (ҳозирги "Ватан тарихи") кафедраси аъзоси сифатида талабаларга мазмунли ва мароқли дарс берди. Академиклар Я.Ф.Ғуломов, И.М.Мўминов, З.Ш.Ражабов ва бошқалар В.Вяткиннинг шогирдлари эдилар.

В.Вяткин 1932 йил 26 июнда вафот эди. Унинг қabri Улуғбек расадхонаси ёнига дафн этилган.

*Н.Х.Тошкенбоев*

### **ЗУЛФИҚОРОВ АЛИ ЮСУПОВИЧ** (1943-2006)



Зулфиқоров Али Юсупович 1943 йилнинг 2 февралда ҳозирги Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидаги Қўйтош шаҳарчасида туғилган. Шу ердаги ўрта мактабни тугатиб, 1962 йили Тошкент давлат педагогика институтининг физика-математика факультетига ўқишга кириб, уни 1967 йили тугатган ва 23-ўрта мактабда ўқитувчилик қилган. Кейинчалик туман ва вилоят ёшлар ташкилотларида масъул лавозимларда ишлаб, 1973 йили вилоят ижроия кўмитасида йўриқчи ва ташкилий бўлим мудири лавозимларида фаолият кўрсатган.

А.Зулфиқоров 1981 йили Ижтимоий фанлар академиясининг аспирантурасида ўқиди ва юридик фанлари номзоди илмий даражасини олди.

А.Зулфиқоров 1984-1989 йилларда туман, вилоят миқёсида масъул лавозимларда фаолият кўрсатди.

А.Зулфиқоров 1989 йилдан Самарқанд давлат педагогика институтида, 1992 йилдан умрининг охириги йилларигача СамДУ ҳуқуқшунослик факультетида катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, декан ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатди.

А.Зулфиқоров вилоят миқёсида катта жамоатчилик ишларининг улкан жонбози эди. Жумладан, университет инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази директори, вилоят сайлов комиссияси қотиби, мустақил депутатларни қўллаб-қувватлаш республика марказининг вилоят бўлими раиси, вилоят ҳокими ҳузуридаги имзога киритилаётган ҳужжатларнинг сифатини текшириш бўйича эксперт комиссиясининг жамоатчилик асосидаги раиси, Ишбилармонлар ва тadbиркорлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси вилоят Кенгашининг аъзоси ва маслаҳатчиси вазифаларида ҳам хизмат қилган.

А.Зулфиқоров 80 дан зиёд илмий иш муаллифи. «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг кадрлар билан ишлаш соҳасидаги фаолиятининг ҳуқуқий муаммолари» мавзусидаги докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда эди.

А.Зулфиқоровнинг хизматлари муносиб баҳоланган, «Меҳнатда ўрнатилган кўрсатгани учун» ва «Шавкатли меҳнати учун» медалларига сазовор бўлган.

А.Зулфиқоров 2006 йил март ойида вафот этди.

*З.Муқимов*

### **ИБАДУЛИН РАШИД** (1907-1989)



Ибадулин Рашид Абдурахмонович 1907 йилнинг 24 апрелида Тошкент шаҳрида ҳунарманд – соатсоз оиласида туғилди. 1915-1918 йиллар мобайнида маҳаллий рус мактабида, кейинчалик 1923 йилгача турк-татар таълими йўналишида ўқиди.

Р.Ибадулиннинг асосий иш фаолияти 1923 йилдан бошланди. Дастлабки йилларда оддий буёқчи, кичик милиция ходими, вино заводи ишчиси каби лавозимларда ишлади.

1930 йилда РАБФАК нинг кечки бўлимига ўқишга кирди ва уни 1933 йилда тугатди. 1933 йилда ЎЗДУга (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Самарканд давлат университети) кимё мутахассислиги бўйича ўқишга кирди ва уни 1938 йилда имтиёзли диплом билан тугатгач, шу олий даргоҳнинг органик кимё кафедраси аспирантурасига қабул қилинди.

Р.Ибадулин 1941 йилда ҳарбий хизматга чақирилди. Жангларда оғир яраланиб, 1943 йилда Самарқандга қайтиб келди. Даволаниш билан бир қаторда Самарқанд тиббиёт институтининг органик кимё кафедрасида ишлаб бошлади, 1943 йилда ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ)да номзодлик диссертациясини химоя қилди. 1944 йилда ЎЗДУнинг кимё кафедрасига ишга ўтказилди. 1966 йилгача шу ерда фаолиятини давом эттирди. 1947 йилда умумий кимё кафедраси бўйича доцент унвони берилди. 1949 йилдан 1956 йилгача биология ва тупроқшунослик факультетида декан ўринбосари лавозимида ишлади. 1956-1958 йилларда эса, биология ва география факультети декани сифатида фаолият кўрсатди.

1958 йилда биология факультети қошидаги умумий кимё кафедраси негизида университетда мустақил кимё факультети очилди. Бу факультетнинг очилишида Р.Ибадулиннинг хизматлари катта бўлди. Маълум муддат кимё факультети декани, 1958-1965 йилларда эса умумий кимё кафедраси мудири ва 1965 йилдан бошлаб шу кафедра доценти лавозимларида ишлади.

Р.Ибадулин талабаларга «Анорганик кимё», «Органик кимё» ва «Биологик кимё» каби фанлардан сабоқ берди. Унинг асосий илмий фаолияти органик кимё муаммоларини ечишга қаратилган эди. Бу соҳада кўплаб мақолалар чоп эттирди.

Р.Ибадулин 1966 йилнинг 7 сентябридан бошлаб, Самарқандда янги очилган Қурилиш ва меъморчилик институти қошидаги умумий кимё кафедрасига мудир этиб тайинланди. Шунингдек, декан лавозимида ҳам ишлади.

Р.Ибадулиннинг Улуғ Ватан уруши жангларидаги матонати ва малакали кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматлари муносиб тақдирланди. У бир қатор орден ва медаллар, фахрий ёрликлар ҳамда «Олий таълим аълочиси», «Маориф аълочиси» нишонлари соҳиби эди.

Р.Ибадулин 1989 йилда вафот этди.

*Ж.Х.Хўжаев*

## ИБРАГИМОВ ОЧИЛ

(1941-2001)



Ибрагимов Очил 1941 йил 15 майда Самарқанд вилояти Нуробод тумани Сазагон қишлоғида меҳнатқаш оиласида таваллуд топди.

О.Ибрагимов 1960-1964 йиллар мобайнида ҳарбий хизматни ўтаган. 1964 йил сентябрдан талабалик йиллари бошланган. Унинг талабалик йилларидаги улкан иши ўзи туғилиб ўсган Сазагон қишлоғи қадимги даврдан аждодларимиз яшаган ибтидоий манзилгоҳ бўлганлигини кашф этиш бўлди. Бу тадқиқот Ўзбекистон тарихини ўрганишда ютуқ сифатида 1966 йилда матбуот саҳифаларида «Сазагон – қадимги инсоният макони» номида эълон қилинди.

О.Ибрагимовни 1968 йили ЎзФА Тарих ва археология институтининг Самарқанд бўлимига ишга юборишди ва у кичик илмий ходим сифатида ишлай бошлади. 1971-1976 йилларда ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. У 1976 йилдан СамДУ археология кафедрасида ишлай бошлади. 1976 йили Москвадаги М.Мақлай номидаги Этнография институтига тадқиқотчи сифатида юборилди.

О.Ибрагимов этнография илми билан кизикди, мамлакатимиз жанубий минтақалари, хусусан, Қашқадарё, Сурхондарё воҳалари қишлоқ-овуллари кезиб чиқди, илмий сафарларда бўлиб, маҳаллий халқнинг урф-одатларини, моддий-маънавий маданиятини ўрганди. Тадқиқотлар натижаси ўлароқ, 1988 йилда ЎзФА Тарих институти қошидаги ихтисослашган илмий кенгашда «XIX аср охири – XX аср бошларида Ўзбекистон жанубий минтақалари аҳолиси турар жойлари тарихидан» мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилди.

О.Ибрагимов 1991 йилда доцентлик унвонини олди. У археология, этнография соҳасида қатор рисоалар, илмий мақолалар, ўқув қўлланмалари ёзиб, илмий изланишлар натижаларини ўқув жараёнига тадбиқ этди.

О.Ибрагимов талабаларга дарс бериш жараёнида Марказий Осиё халқларининг этник тарихи масалаларига ва бу соҳада фанда ҳамон мавжуд бўлган муаммоларга жиддий эътиборини

қаратди. Шунингдек, ҳар доим ўзбек халқи этногенезини ўрганиш билан машғул бўлиб, янги манбаларни таҳлил этди ва бу соҳадаги янгиликлар билан матбуотда, телевидениеда чиқишлар қилди, янгиликларни жамоатчиликка етказди. Этногенез фақат маҳаллий этнослар негизда шаклланган, деган фикрни илмий асослаб берди.

О.Ибрагимов 2001 йилда вафот этди.

*Р.Х.Ҳалимов*

## КАРИМОВ ҲАМИД

(1933-2005)



Каримов Ҳамид 1933 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўрта мактабни битиргандан кейин 1951 йилда Самарқанд давлат университети филология факультетига ўқишга қабул қилинган.

1956 йили университетни битиргандан кейин Паст-Дарғом туманидаги 13-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1958 йилдан Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида ижтимоий фанлардан дарс берган ва «Қишлоқ хўжалиги фани

учун» газетаси масъул муҳаррири вазифасида ишлаган.

Ҳ.Каримов 1962 йилда СамДУ фалсафа кафедраси аспирантурасига ўқишга қабул қилинган. 1965 йилда «Маиший эстетика ва унинг шахсни гармоник шакллантиришдаги роли» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаб, фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олган.

Ҳ.Каримов 1984 йилда «Меҳнат маданиятининг sanoatда шаклланиши ва ривожланиши ҳамда унинг ишчилар маънавий камолотидаги роли» мавзуида докторлик диссертациясини ёқлаб, 1986 йилда профессорлик лавозими берилди.

Ҳ.Каримов 300 га яқин илмий, илмий-оммабоп мақолалар, ўқув-қўлланмалари, монография ва рисоалар муаллифи. Ҳаммуаллифликда ёзилган «Меҳнат эстетикаси» (1977), «Адолат – ижтимоий ҳаёт ўлчови» (2002) монографиялари шулар жумласидандир.

Ҳ.Каримов Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари ўрта махсус ўқув юр்தларининг ижтимоий фан ўқитувчилари малака

ошириш факультетининг декани, кафедра мудири, жамоатчилик асосида «Самарқанд университети» газетасининг мухаррири (1966-1976) лавозимларида ишлаган.

Х.Каримов фахрий ёрликлар ва «Олий таълим аълочиси» нишонлари билан тақдирланган. 1963 йилда Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

Х.Каримов 2005 йилда вафот этди.

*Х.Аминов*

### МАМАТҚУЛОВ УСМОН ҚОБУЛОВИЧ (1933-2002)



Маматқулов Усмон Қобулович 1933 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. 1951 йилда ўрта мактабни олтин медаль билан битиргач, Самарқанд давлат университетининг биология факультетига ўқишга кирган ва уни 1956 йилда имтиёзли диплом билан тугатган. 1956-1958 йилларда Самарқанд кооператив техникумида ёшларга кимё ва биология фанларидан таълим берган.

У.Маматқулов 1959-1961 йилларда Тожикистон Фанлар академиясининг кундузги аспирантурасида таҳсил олди. Унинг 35 йиллик фаолияти Тожикистон ФА Ботаника институти билан боғланди.

У.Маматқулов 1961-1973 йилларда бу даргоҳда илмий ходим, 1974-1975 йилларда институтнинг илмий ишлари бўйича директор муовини, 1975-1994 йилларда спорали ўсимликлар флораси ва систематикаси бўлим мудири ҳамда Марказий ботаника боғи директори лавозимларида ишлади.

У.Маматқулов 1968 йилда фан номзоди ва 1983 йилда фан доктори илмий даражаларига, 1988 йилда профессор унвонига сазовор бўлган. У юқори малакали ботаник – мутахассис эди. Унинг раҳбарлигида сув ўтлари, замбуруғлар, лишайниклар ва мохсимонлар флорасини комплекс ўрганиш ишлари бажарилган, қатор монографиялар ёзилган. Кариологик ва лихнологик қиёслаш изланишларининг илмий йўналишлари ишлаб чиқилган.

У.Маматқулов томонидан 130 илмий мақола, 4 монография ва бир қатор рисолалар яратилган. «Дарвоз тизма тоғининг



баргсимон мохлари» (1975), «Помир-Олой биофлораси таҳлили» (1989), «Тожикистоннинг мох шакллари флораси» (1990) ва ҳаммуаллифликда ёзилган «Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг мох шакллари» (1998) каби монографиялар муаллифнинг 40 йиллик илмий изланишлари натижасидир. У ихтиролари учун муаллифлик гувоҳномаларига ҳам эга бўлган. Собиқ Иттифоқ даврида яратилган «Қизил китоб»нинг Ўрта Осиё ва Тожикистон ўсимликлари дунёси бўйича қисмлари У.Маматқулов қаламига мансублиги ҳам унинг илмий салоҳияти кенглигидан далолат беради.

У.Маматқулов 1995 йилдан Самарқандга қайтиб, умрининг охиригача ЎзФА Самарқанд бўлимида биология ва тиббиёт бўлими мудири, Шарқ тиббиёти ва Вакцина институти лаборатория мудири ҳамда СамДУ экология ва табиатни муҳофаза қилиш кафедраси профессори сифатида илмий изланишлар олиб борди.

Проф. У.Қ.Маматқуловнинг бевосита раҳбарлигида 3 нафар фан доктори, 18 нафар фан номзоди етишиб чиқди. У кўплаб хорижий илмий марказлар билан алоқалар ўрнатиб, АҚШ, Германия, Финландия, Чехия ва Словакия, Бразилия, Япония каби давлатларда ўтказилган нуфузли анжуманларда иштирок этган.

У.Маматқулов 2002 йилда вафот этган.

*З.И.Иззатуллаев*

### **НАБИЕВ АБДУХАЛИЛ НАБИЕВИЧ** (1925-1994)



Набиев Абдухалил Набиевич 1925 йил 15 апрелда Самарқанд шаҳрида таваллуд топди. 1944-1949 йилларда СамДУнинг тарих факультетида таҳсил олгандан сўнг, у Ўзбекистон халқлари тарихи кафедрасидаги аспирантурага ўқишга қабул қилинди. Аспирантурани битиргандан сўнг, умрининг охиригача шу кафедрда меҳнат қилди. Бир неча йиллар факультет касаба уюшмаси раиси, партия ташкилотининг котиби, илмий тўғараклар раҳбари вазифаларида фаоллик кўрсатиб,

таълим-тарбиянинг ва жамоа ижтимоий турмушининг яхшиланишига улушини қўшди. А.Набиев Ўзбекистон халқлари тарихи соҳасида, жумладан, республика касаба уюшмалари фаолияти тўғрисида 30 га яқин илмий асарлар яратди.

А.Набиев ўзининг меҳнат фаолияти давомида Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари тарихидан талабаларга сабоқ берди. "VIII-XIII асрларда Ўрта Осиё маданияти", "Тарихий ўлкашунослик" каби махсус курсларни яратди ва ишлаб чиқди. Вилоят ёдгорликларни муҳофаза этиш жамияти раёсатининг тафтиш комиссияси аъзоси сифатида муҳим ишларни амалга оширишга қўмаклашди.

А.Набиев Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги тарихий ёдгорликларнинг пухта билимдони ва моҳир экскурсовод ҳам эди. Ана шу йўналишдаги хизматлари учун ҳамда халқ таълимини такомиллаштиришдаги, ёшларни тарбиялашдаги фаолияти учун у "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси" нишони билан тақдирланган, "Меҳнат фахрийси" ва ҳукумат ёрликлари билан мукофотланган эди.

*Ф.С.Алиева*

### **НОСИРОВ АБДУҲАКИМ** (1935-2005)



Носиров Абдуҳаким 1935 йилда Самарқанд тумани Арабхона қишлоғида таваллуд топган. 1952 йилда 1-ўрта мактабни битириб, 1952-1957 йилларда Самарқанд давлат университетида таҳсил олгач, йўлланма билан Хоразм давлат педагогика институтига ишга юборилган.

А.Носиров 1960-1963 йилларда собиқ Иттифоқ ФАнинг Яримўтказгичлар физикаси институти аспирантурасида таҳсил олган. 1963 йилдан СамДУ физика факультети оптика кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаган.

1975 йилдан қаттиқ жисмлар физикаси кафедраси мудири этиб тайинланган. А.Носиров 1970-1975 йилларда факультет

касаба уюмаси қўмитасининг раиси, 1987-1989 йилларда декан ўринбосари, услубий кенгаш раиси вазифаларини бажарган.

А.Носиров 70 дан ортиқ илмий, илмий-услубий ишлар муаллифи, уларнинг 20 дан ортиғи халқаро журналларда чоп этилган, олим ўнлаб халқаро конференция ва симпозиумларда маъруза қилган, чет эл олимлари билан илмий алоқаларнинг мустақамланишига катта ҳисса қўшган.

А.Носировнинг илмий ишлари собиқ Иттифок ФА «Физика ва астрономия» бўлими томонидан юқори баҳоланиб, 1983 йилда «Сегнетоэлектриклар ва диоэлектриклар физикаси» бўйича илмий кенгашнинг аъзоси қилиб сайланган, «Олий таълим аълочиси» нишони билан тақдирланган.

А.Носиров 2005 йилда вафот этди.

*Э.У.Арзиқулов*

## РАҲИМОВ АҲРОР АЛИЕВИЧ

(1925-1980)



Рахимов Аҳрор Алиевич 1925 йил 2 июлда Самарқанд вилояти Самарқанд тумани (ҳозирги Тайлоқ тумани) Жумабозор қишлоғида ишчи оиласида туғилган. У 1941-1949 йилларда ҳисобчи, Жумабозор қишлоқ кенгашининг котиби бўлиб ишлади, армияда хизмат қилди.

А.Рахимов 1949 йилда Самарқанд давлат университетининг география бўлимига ўқишга кирди. У илмий-педагогик фаолиятини 1954 йил июнь ойида оптика кафедраси ассистентлигидан бошлади, 1961 йилда эса Ўзбекистон Фанлар академияси Физика-техника институтида муҳандис, кичик илмий ходим вазифаларида ишлади. 1962-1965 йилларда Россия Фанлар академияси П.Лебедев номидаги Физика институти аспирантурасида таҳсил олди ва 1966 йили шу институт қошидаги Ихтисослашган кенгашда «Исследование собственных колебаний кристаллической решетки молекулных кристалла методом комбинационного рассеяния и инфракрасного поглощения света» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

А.Раҳимов 1966 йилдан Самарқанд давлат архитектура қурилиш институтида кафедра мудири ва факультет декани, проректор лавозимларида ишлади.

А.Раҳимов 1968 йилдан то умрининг охиригача СамДУ физика факультети умумий физика кафедрасининг мудири ва доценти вазифаларида меҳнат қилди.

Устоз мураббий А.Раҳимовнинг хизматлари ҳукуратимиз ва СамДУ ректорати томонидан муносиб тақдирланган. 1994 йилда унинг номида ўз қишлоғида физика-математика фанини чуқур ўзлаштириш бўйича «Кичик академия» ташкил этилди. Ҳар йили апрел ойининг биринчи ҳафтасида Жумабозор қишлоғидаги 29-ўрта мактабда ўтказиладиган физика-математика фанларига бағишланган кечада ҳам олимнинг инсонийлиги ва маърифатпарварлиги эста олинади.

А.Раҳимов 1980 йилда вафот этди.

*Н.Эшқобилов*

## РАҲМАТУЛЛАЕВ ЭРГАШ РАҲМАТУЛЛАЕВИЧ (1937-1996)



Раҳматуллаев Эргаш Раҳматуллаевич 1937 йил 18 майда Жиззах шаҳрининг Гандумтош қишлоғида туғилган. 1955 йили ўрта мактабни тамомлаб, Тошкентдаги Низомий номи Педагогика институтининг математика факультетига ўқишга кирган ва 1959 йилда уни тугатган. Сўнгра ўз қишлоғига қайтиб келиб, уч йил давомида мактабда ёшларга математика фанидан сабоқ берган.

1962-1965 йилларда Самарқанд шаҳрига келиб, Озиқ-овқат техникумига ишга кирди ва педагогик фаолият билан биргаликда илмий-тадқиқот ишларини ҳам давом эттирди. 1965-1968 йилларда аспирантурани Озарбайжон давлат университетида ўтади ҳамда «Математика ва физика фанларини ўқитиш услубиятлари» деган мавзуда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Э.Раҳматуллаев 1968 йилдан умрининг охирига қадар СамДУ математика факультетида ишлади. Шу йилларда олим ўзининг бугун куч ва иродасини университетда таълим-тарбия

жараёнини такомиллаштиришга, мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга бағишлади.

У илмий ишларида математика фанини ўқитиш услубияти, математика тарихига оид кўплаб эътиборга сазовор фикрларни баён қилдики, булар ўз даврида математика учун янгилик эди.

Э.Раҳматуллаев таълим соҳасидаги хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг фахрий ёрликлари билан мукофотланган.

Э.Раҳматуллаев 1996 йил 12 июнда вафот этган.

*С.Ф.Файзуллаев*

## **РОЗИҚОВ БАХРОМ АҲМЕДОВИЧ**

(1941-2005)



Розиқов Баҳром Аҳмедович 1941 йил 10 июнда Бухоро вилояти Шофиркон тумани Хўжа Ориф қишлоғида туғилган. 1958 йилда Бухоро шаҳридаги 1-ўрта мактабни, 1960 йилда 21-сон ҳунар билим юртини тугатган.

Б.Розиқов 1960 йилда Тошкент давлат консерваториясининг опера кўшиқчиси бўлимига кириб, уни 1964 йилда тугатган ва шу йилдан Самарқанд давлат опера ва балет театрида опера кўшиқчиси бўлиб фаолият кўрсата бошлаган.

Б.Розиқов 1974 йилдан Самарқанд давлат педагогика институтининг мусиқа ва ашула бўлимида ишлади, талабаларга вокал синфидан дарс берди. У ўз педагогик фаолияти давомида спорт бўйича декан ўринбосари, факультет касаба уюшмаси раиси, вокалчилар дастасининг раҳбари ҳамда 1990-1999 йилларда мусиқа ўқитиш методикаси кафедрасининг мудири лавозимида фаолият кўрсатган.

Б.Розиқов «Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини вокал педагогик фаолиятга тайёрлаш» номли ўқув қўлланмасини, «Вокал синфи» бўйича маърузалар матни, 10 га яқин илмий мақолалар нашр эттирган. Б.Розиқов охириги йилларда мусиқа педагогикаси ва услубияти кафедрасининг катта ўқитувчиси вазифасида ишлади.

Б.Розиқов 2005 йил 23 январда вафот эгди.

*Н.Б.Толлибоев*

## РЎЗИЕВ ЖЎРА (1935-2001)



Рўзиев Жўра 1935 йил 25 октябрда Қашқадарё вилояти Яққабoғ туманидаги Бекхўжа қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. У ўрта мактабни 1953 йили тамомлаб, Ўзбекистон давлат университети (ҳозирги СамДУ) физика-математика факультетининг математика бўлимига ўқишга кирган. Университетни 1958 йили тамомлаб, математик анализ кафедрасида ассистентлик лавозимида ишга қолдирилган.

Ж.Рўзиев 1960-1962 йилларда Тошкент давлат университетида аспирантурада ўқиди, 1971 йилда Озарбайжон давлат университетида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1962 йилдан 2001 йилгача математик анализ кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлади.

Ж.Рўзиев ўз фаолияти давомида механика-математика факультети талабалари учун «Математик анализ», «Комплекс ўзгарувчили функциялар назарияси», «Аналитик функцияларнинг чегаравий масалалари ва сингуляр интеграл тенгламалар» фанларидан юқори савияда маърузалар ўқиди ва амалий машғулотлар олиб борди.

Ж.Рўзиев кўп йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида 50 дан ортиқ илмий мақолалар, ўқув қўлланма ва ўқув-услубий тавсиялар ёзди. Ж.Рўзиев кўп йиллар давомида университет қасаба уюшмаси раҳбарларидан бири, математика факультети декан ўринбосари, ўзи яшаган маҳаллада фуқаролар йиғини оқсоқоли эди. У умрининг охиригача маҳалла фуқаролар оқсоқоли бўлиб ишлади.

Ж.Рўзиевнинг олий таълимни ривожлантириш ва жамоатчилик ишлари соҳасидаги хизматлари давлатимиз томонидан ҳамиша эътироф этилган ва бир неча марта муносиб тақдирланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг қасаба уюшмаси Президиумининг фахрий ёрлиқлари билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўра Улуғбек нишони билан мукофотланган эди.

*К.Ҳамроев*

**ТОҒАЕВ ЗУБАЙДУЛЛА ИРГАШЕВИЧ**  
(1920-1988)



Тоғаев Зубайдулла Иргашевич 1920 йилда Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманининг Уйшун қишлоғида хизматчи оиласида туғилган. Ўрта мактабни тамомлагач, Самарқанддаги педагогика билим юртида ўқийди. Уни маваффақиятли тугатиб, Самарқанд давлат университетининг география бўлимига ўқишга киради. Уруш бошлангач, З.Тоғаев 1941 йил август ойида армия сафига чақирилади. Урушда Калининград, Ленинград, Болтикбўйи ва Белоруссия фронтларида жанг қилади. Оддий аскарликдан офицерлик даражасига кўтарилди.

З.Тоғаев 1944 йилда СамДУ география бўлимида ўқишни давом эттирди ва 1946 йили имтиёзли диплом билан тугатди. Кейинги педагогик фаолиятида у Бадий техникум, Ўқитувчилар ва Педагогика институтларида география фанидан дарс берди. 1953-1959 йилларда СамДУ география факультетида катта ўқитувчи лавозимида ишлади.

З.Тоғаев 1961 йилда номзодлик диссертациясини химоя қилиб, 1970 йилга қадар Душанбе педагогика институтида катта ўқитувчи бўлиб ишлади. 1970 йилда СамДУга қайтиб келди ва иқтисодий география кафедрасида доцент лавозимида ишга қабул қилинди. 1972-1984 йиллар орасида университет тайёрлов бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келди.

З.Тоғаев иқтисодий географиянинг турли муаммолари бўйича 50 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифидир.

З.Тоғаев Ватан олдидаги хизматлари учун «Кизил юлдуз» ордени ва ўнга яқин медаллар билан тақдирланган. Олий таълимдаги кўп йиллик меҳнати туфайли унга 1981 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълимида хизмат кўрсатган ходим лавозими берилди ва уч марта Республика Олий Совети Президиумининг фахрий ёрликлари билан мукофотланган.

З.Тоғаев 1988 йил 1 ноябрда вафот этган.

*А.Раҳматуллаев*

## ТЎЛАГАНОВ АХРОР ТЎЛАГАНОВИЧ (1908-1989)



Тўлаганов Ахрор Тўлаганович 1908 йил 21 сентябрда Тошкент шаҳрида туғилган. У 1922 йилда бошланғич мактабни тугатгач, Ўзбек маориф институтида ўқийди. Институтни битириб, қаровсиз қолган етим болалар уйида ўқитувчи ва тарбиячи бўлиб ишлайди.

А.Тўлаганов 1927 йилда Самарқанд шаҳридаги Ўзбек педагогика институтига (ҳозирги СамДУ) ўқишга киради. 1931 йилда институтни тугатгач, зоология кафедрасида ассистент бўлиб ишлай бошлайди. 1931-1935 йилларда Ўзбекистон давлат университети ва Ленинград Фанлар академиясининг Зоология институтида аспирантурада ўқийди.

А.Тўлаганов 1936 йилда «Помидор ўсимлиги ва унинг илциз системаси атрофи тупроғининг нематоодофаунаси» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

А.Тўлаганов 1936-1941 йилларда Самарқанд давлат университетида умуртқасиз ҳайвонлар зоологияси кафедраси доценти ва кафедра мудири бўлиб ишлайди. Уруш бошланиб, Ўрта Осиё ва Ўзбекистон давлат университетларининг бириштирилиши муносабати билан 1941 йилдан Тошкентдаги Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг умуртқасизлар зоологияси кафедрасида ишлай бошлайди.

А.Тўлаганов 1947 йилда Ленинград ФА нинг Зоология институтида «Ўзбекистоннинг ўсимликхўр ва тупроқ нематодалари» мавзусида биология фанлари доктори илмий даражаси учун диссертация ҳимоя қилади. 1948 йилда унга профессор унвони берилади.

А.Тўлаганов 1957-1963 йилларда СамДУ ректори вазифасида ишлади. Унинг раҳбарлиги даврида университетда география, кимё, чет тили каби мустақил факультетлар ва ўнлаб янги кафедралар очилди. Университетнинг ўқув ва илмий-тадқиқот базаси янада кенгайди ва мустаҳкамланди.

Умуртқасизлар зоологияси кафедрасининг мудири сифатида илм-фанга, миллий ёшлардан кадрлар тайёрлаш ишига алоҳида эътибор берди. Биология факультети талабаларига «Умуртқасизлар зоологияси», «Умумий паразитология»,



«Фитогельминтология» фанларидан маърузалар ўқиди. У 1959 йилда факультет қошида «Фитогельминтология» муаммовий илмий-тадқиқот лабораториясини ташкил этиб, иктидорли талабаларни ва ёш мутахассисларни илмий-тадқиқот ишига жалб этди.

Унинг Мирзачўлни комплекс ўрганиш бўйича уюштирилган илмий экспедицияси асосида ёзилган «Ўзбекистон ўсимликлари ва тупроқлари нематодалари» монографияси 1974 йилда Беруний номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

А.Тўлаганов раҳбарлигида кафедра ва муаммовий лаборатория ходимлари томонидан амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари 20 та йирик монография ва 900 дан ортиқ мақолалар, брошюралар ва тавсияномаларда ўз аксини топди. Ушбу ишларда Ўзбекистон ҳудудидаги турли-туман маданий ва ёввойи ўсимликларда ҳамда тупроқда учровчи 700 турдан ортиқ нематодалар ҳақида тўлиқ маълумотлар келтирилган, шулардан 70 таси фан учун янги тур сифатида қайд этилган.

А.Тўлагановнинг «Ўзбекистоннинг ўсимликхўр ва тупроқ нематодалари (1949)», «Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ўсимликларининг нематодалари» (1958), «Ўзбекистонда фитогельминтология масалалари» (1973), «Ўзбекистоннинг фитонематодалари» (1975, 1978) каби йирик асарлари фундаментал илмий тадқиқотлар қаторидан ўрин олган.

*Н.Х.Ҳақимов*

### УМНЯКОВ ИВАН ИВАНОВИЧ (1889-1976)



Умняков Иван Иванович 1889 йили Петрозаводск (Карелия) шаҳрида дунёга келди. 1909 йили гимназияни, 1914 йили Санкт-Петербург университетининг Шарк факультетини тугатди.

У 1914-1916 йилларда ташқи ишлар вазирлигининг ўқув бўлимида ишлади. 1916 йилдан 1920 йилгача Россиянинг Бухородаги Сиёсий агентлигида таржимон ва иш бошқарувчиси бўлиб ишлади.

И.Умняков 1920 йилдан бошлаб Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) да илмий ходим бўлиб ишлади.

1921-1923 йилларда Петербург университети қошидаги илмий текшириш институтида илмий ходим сифатида фаолият кўрсатди. 1923 йилда эса яна Тошкентга қайтиб, университетнинг Шарқ факультетида ўз ишини давом эттирди.

И.Умняков Тошкент шаҳридан Самарқандга келиб, 1939 йилдан 1944 йилгача ўқитувчилар таёрлаш олийгоҳида, сўнг Ўзбек давлат университети (ҳозирги СамДУ) да, 1944 йилдан то 1967 йилгача тарих факультетининг Ўрта Осиё ва Шарқ халқлари тарихи, ҳозирги Ватан тарихи кафедрасида мудирлик қилди, факультет декани, университет бош кутубхонаси директори лавозимларида ишлади.

И.Умняков илмий тадқиқотлар натижасида Марказий Осиё тарихига бағишланган 50 дан зиёд асарлар чоп этган. У Хива, Бухоро, Самарқанд тарихига оид кўплаб илмий ишларнинг муаллифидир. Марказий Осиё халқларининг халқаро муносабатлари тарихи бўйича "XV аср бошларида Ўрта Осиё билан Англиянинг алоқаси тарихидан", "Темур ҳақида французча манба", "Самарқанд – Темур ва темурийлар замонида" каби асарлари Шарқ халқлари тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир. Жумладан, у шарқшунослик тарихига оид "Академик В.В.Бартольд илмий асарларининг таҳлили" ҳамда "Самарқанд тарихи" китобининг "Европа ва Осиё хорижий мамлакатлари билан Темур ва темурийларнинг дипломатик ёзишмалари" ҳақидаги бўлими муаллифидир.

И.Умняков Ўрта Осиёнинг қадимий даврдан то XIX асрларгача тарихига доир кўплаб илмий мақолалар чоп этган. Ундан ташқари, "Бухоро топографиясининг тарихи", "Ўрта Осиёнинг пахтачилик тарихига доир", "Тохарлар ва тохарлар муаммоси" ҳақида рисоалар ёзган.

И.Умняков Самарқанд шаҳар кенгаши депутатлигига бир неча марта сайланган. Унинг самарали илмий - педагогик фаолияти юксак баҳоланиб, орден, медал ва фахрий ёрликлар билан тақдирланган, 1958 йили "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" унвони берилган.

И.Умняков 1976 йилда вафот этди.

*Х.Аминов, Н.Тошкенбоев*

## ФАЙЗИЕВ АСАД ФАЙЗИЕВИЧ

(1944-1993)



Файзиев Асад Файзиевич 1944 йил 19 июлда Самарқанд вилояти, Тайлок қишлоғида туғилган. 1950-1960 йилларда ўша ердаги 60-ўрта мактабда таҳсил олган. У 1961 йилда Самарқанд давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кирди. 1966 йилда уни имтиёзли диплом билан битириб, 1967 йилда Тошкентдаги Тарих ва археология институти аспирантурасига ўқишга кирди. 1970 йилдан бошлаб Ўзбекистон ФАнинг Тарих ва археология институти музей бўлимида илмий ходим, маълум вақтдан сўнг СамДУнинг тарих факультетидаги умумий ва янги тарих кафедрасида ассистент лавозимида педагогик фаолиятини бошлади.

А.Файзиев 1972-1975 йилларда Афғонистонда форс тили таржимони бўлиб ишлади ва ўша даврда тайёрлаган қисқача русча-форсча техник луғати тайёрлади. Луғат 1975 йилда Шибурғонда нашр этилган.

А.Файзиев 1982 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади. 1984 йилда доцент унвонига сазовор бўлди.

А.Файзиевнинг 50 дан ортиқ илмий ишлари чоп этилган. Ўлкамизнинг XIX аср тарихига доир манбаларни ўрганиш тадқиқотчининг диққат марказида турган.

А.Файзиев XVI-XIX аср Хоразм тарихи билан шуғулланиб, қатор илмий ишлар нашр эттирган. «Хоразм шаҳарларининг тарихи» (1992), «Амударёнинг йўналиши муаммоси» (1992), «Шажараи Турк – Хоразм тарихининг қимматли хужжати» (1992) шулар жумласидандир.

А.Файзиев талабаларга Осиё ва Африка мамлакатлари тарихидан ва Ўзбекистон тарихига доир махсус курслардан дарс бериб, ушбу курсларга доир қатор методик кўрсатмалар ва ўқув қўлланмаларни нашр этган эди.

1985 йилдан то 1993 йилгача СамДУ тарих факультети декани лавозимида ишлаб келди.

А.Файзиев 1993 йил 7 апрелда вафот этди.

*С.М.Аминов*

## ЭРГАШЕВ РАББИМ

(1954-2003)



Эргашев Раббим 1954 йил 12 августда Самарқанд вилояти Боғибаланд қишлоғидаги Тошлоқ маҳалласида деҳқон оиласида туғилган.

Р.Эргашев 1961-1971 йилларда Самарқанд туманидаги 25 ва 10-ўрта мактабларда ўқиган. Мактабни битиргач, Самарқанд давлат университетининг физика факультетига ўқишга кириди.

Р.Эргашев университетни битиргандан сўнг ЎзФА Ядро физикаси институтига ишга юборилди, у ерда 1978 йилгача илмий ходим вазифасида ишлади ва Самарқандга қайтди. Иш фаолиятини ЎзФА Археология институтида илмий ходим сифатида давом эттирди. 1980 йилдан СамДУ нинг оптика кафедраси қошидаги молекуляр люминесценция лабораториясига ишга ўтди. 1981-1985 йилларда ишлаб чиқаришдан ажрилмаган ҳолда аспирантурада таҳсил олди.

Р.Эргашев эритмаларда буёқ молекулалари билан металллар ўртасида комплекс ҳосил бўлишини аниқлади. Олинган натижалар асосида 1990 йилда «Органик буёқ молекулалари билан металллар ўртасидаги таъсирни спектрал-люминесцент методлар ёрдамида ўрганиш» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ҳимоядан кейин умумий физика кафедраси ассистенти лавозимида ишлади. Умумий физика ва мутахассислик курслари бўйича маъруза ва амалий дарслар олиб борди.

Р.Эргашев 1995-1997 йилларда СамДУ қошидаги докторантурада таҳсил олиб, режалаштирган барча тажрибаларини тамомлаб, лаборатория семинарини муваффақиятли ўтаган эди.

У қатор йиллар ўзи туғилиб ўсган қишлоқда маҳалла фаоли бўлган. Дастлаб маҳалла кўмитасининг котиби, кейинчалик маҳалла кўмитаси раисининг ўринбосари ва 2000 йилдан шу маҳалла оқсоқоллар кенгаши раиси этиб сайланган.

Р. Эргашев 2003 йилда вафот этди.

*Н.Низомов, С.Қурбониязов*

## ЮСУПОВ АБДУРАШИД МУСТАФАЕВИЧ (1909-1995)



Юсупов Абдурашид Мустафаевич 1909 йилда Бухоро шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топди. У 1929 йилда ўрта мактабни битириб, Самарқанд шаҳридаги Ўзбек давлат Педагогика академиясининг физика-математика бўлимига ўқишга кирди ва 1933 йили ушбу олийгоҳни тамомлади.

А.Юсупов ўқитувчилик фаолиятини 1931-1934 йилларда Ўзбек давлат университети ва Мичурин номидаги қишлоқ хўжалиги техникумида бошлади. 1934-1936 йиллари Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида, 1936-1941 йилларда Самарқанд тиббиёт институтида, 1941-1942 йилларда Самарқанд қишлоқ хўжалиги техникумида физика фанидан дарс берди. 1942-1945 йилларда эса Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармасида физика фани методисти ҳамда вилоят метод гуруҳлари бошлиғи лавозимида ишлади. 1945 йилдан Самарқанд шаҳридаги М.Горький номидаги Педагогика олийгоҳида катта ўқитувчи лавозимида фаолият кўрсатди.

А.Юсупов 1956 йилдан умрининг охиригача Самарқанд давлат университетида илмий-педагогик фаолият олиб борди. Бир вақтнинг ўзида Самарқанд кооператив институтида ҳам ассистент ва катта ўқитувчи лавозимларида ишлади.

А.Юсупов 200 дан зиёд илмий ва илмий-оммабоп асарлар муаллифидир. Унинг ўзбек тилида ёзган «Физикадан масалалар тўплами» китоби фан ўқитувчилари учун муҳим қўлланма ҳисобланади.

А.Юсупов таълим-тарбия ва жамоат ишларидаги фаоллиги учун ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. «1941-1945 йилларда Улуғ Ватан урушидаги фидокорона меҳнати учун» медали билан мукофотланган, 1950 йилда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвонига сазовор бўлган.

А.Юсупов 1995 йилда вафот этди.

*О.Дўсматов*

## ЮСУПОВ КАРИМ ЮСУПОВИЧ (1932-1996)



Юсупов Карим Юсупович 1932 йилнинг 27 октябрида Булунғур туманидаги Бешбола қишлоғида уста-дурадгор оиласида таваллуд топди. У 1948 йил Булунғур шаҳридаги 1-сон ўрта умумтаълим мактабининг 7-синфини битириб, Самарқанд шаҳридаги педагогика билим юртига ўқишга келди. Ўқиш, фан сирларини чуқурроқ ўрганишга бўлган қизиқиш уни педагогика билим юртини битирганидан сўнг Самарқанд давлат университетининг тарих факультетига етаклади. Олийгоҳни имтиёзли диплом билан тугатган ёш мутахассис Булунғур тумани халқ маорифи бўлимига йўлланма билан ишга юборилди.

К.Юсупов аввало қишлоқ мактабида ўқитувчи, сўнгра директорнинг ўқув-илмий ишлари бўйича ўринбосари бўлиб ишлади. Қобилиятли, ишчан йигит тез орада туман раҳбарлари эътиборига тушди. Уни туман ҳокимлигининг тарғибот ва таъвиқот бўлимига ишга олишди. Талабалик йилларидаёқ жамоатчилик ишига сафарбар бўлиб, маълум тажрибага эга бўлган К.Юсупов меҳнат фаолиятининг бошидан оқ раҳбарлик ишига жалб қилинди. Шундан сўнг К.Юсуповнинг ҳақиқий меҳнат фаолияти бошланиб, ҳозирда Нормамат Эсонтурдиев номи билан аталиб келинаётган ширкат хўжалигида партия ташкилотининг раҳбари бўлиб ишлади.

К.Юсупов 1963 йилда СамДУ тарих факультети аспирантурасига ўқишга кирди ва 1968 йилнинг 19 октябрида ўз илмий изланишларига яқун ясаб, “Самарқанд вилоятидаги қорхоналар ишчиларининг ижодий фаоллиги (1946-1958)” деган мавзуда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди, 1976 йил июнида доцент унвонини олди. 1977 йилдан 1987 йилгача кафедра мудири ўринбосари, 1982 йилда кафедра мудири вазифасини бажарувчи лавозимида ишлади.

К.Юсупов 40 дан зиёд илмий асарлар, икки жилдан иборат “Самарқанд тарихи” (Тошкент, 1970) китобининг ҳам муаллифи бўлди. Шунингдек, Жомбой ва Булунғур туманларининг халқи ва бир неча жамоа хўжаликлари тарихи ҳақидаги рисоалари ҳам мавжуд. Унинг университетда ёш

талабаларга ўқиган маърузалари хамиша юқори савияда, замон талаблари даражасида бўлар эди. Олим “Иккинчи жаҳон уруши тарихидан”, “XIX асрнинг иккинчи ярмида Россияда ишчилар ҳаракати”, “Архившунослик” каби янги махсус курслар бўйича материаллар тайёрлаб, қатор йиллар давомида маҳорат билан ёшларга таълим берди.

К.Юсупов юқори малакали мутахассисларни тарбиялашда, уларга касб сирларини сингдиришда катта ҳаёт мактабини ўтаган, ёш олимларнинг илмий ишларига беғараз маслаҳатлар берадиган мураббий эди. У университет, Самарқанд шаҳри ва вилоятида ижтимоий ҳаётнинг фаол қатнашчиси, жамоатчи эди. У 70-80 йиллар мобайнида тарих факультети партия ташкилотига ва касаба уюшмаси кенгашига узлуксиз раҳбарлик қилди ва эзгу инсонийлик хусусиятларини намоён қилди. 1964 йилдан то умрининг охирига қадар Самарқанд давлат университетида тарих фанидан ёшларга таълим берди.

Домла бугун жисман орамизда бўлмасалар-да, бизга самимийлик, оққўнгилик ва камтаринлик намунасини мерос қолдириб кетди, ажойиб фарзандларни, шунингдек, қатор шогирдларни вояга етказди. Икки ўғил, икки қизни ўстириб, элга қўшди. Фарзандларининг барчаси педагог-ўқитувчилик касбини эгаллаб, халқ ва миллат фаровонлигининг турли йўналишларида хизмат қилмоқдалар.


К.Юсуповнинг мутахассис кадрларни ўқитиш ва тарбиялаш соҳаларидаги хизматлари ҳисобга олиниб, 1973, 1975 ва 1978 йилларда “Меҳнат мусобақаси ғолиби” нишони билан мукофотланди. 1983 йилда “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси”, 1984 йилда “Меҳнат фахрийси” бўлди.

К.Юсуповнинг эзгу ишларини давом эттириш, руҳини шод этиш унинг ҳар бир шогирди учун ҳам фарзидир.

*М.Жўрақулов*

## ҚОСИМОВ ҚАМАРИДДИН

(1939-2005)



Қосимов Қамаридин 1939 йилда Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида туғилган. 1960 йилда Самарқанд давлат университети физика факультетини битирган. 1966 йилгача Навоий тумани мактабларида физика фани ўқитувчиси, илмий бўлим мудири лавозимларида ишлаган. 1966 йилда Навоий шаҳрида Тошкент Политехника институтининг филиали умумтехника факультетига катта ўқитувчиликка таклиф қилинган. Институтда 1969 йилга қадар филология кўрсатган, умумфизика курси бўйича маърузалар ўқиган.

К.Қосимов 1969 йилда СамДУ физика факультетига ишга таклиф қилинган. Қатор йиллар давомида умумий физика фанининг электр, атом ва ядро физикаси қисмларидан, физика ўқитиш методикасидан маърузалар ўқиган, амалий машғулотлар олиб борган. 1992 йилда унинг «Атом физикасидан лаборатория ишларини ташкил қилишга доир» методик қўлланмаси нашр этилган.

К.Қосимов кафедрада ишлаш билан бир вақтда 1993 йилдан СамДУ қошида очилган 1-сон физика математика лицейида ўқитувчилик қилган. Физика фанидан лицейнинг 8-11 синфлари учун тузган ўқув дастури ва 1993 йилда нашрдан чиқарилган «Элементар физикадан тест саволлари» ўқув-методик қўлланмаси физика дарсларини ўқитиш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этди. 1966 йилда унинг «Физика» дарслиги нашрдан чиқди. 1994 йилда ўрта мактаблар учун асосий дарслик ҳисобланган А.П.Римкевичнинг «Физика масалалар тўплами» китобига киритилган 1300 дан ортиқ масалалар К.Қосимов томонидан ечилди ва чоп этилди. 1997 йилда физика математика лицейларида физика фанини ўқитишга доир муаллифлик дастурини тузди.

К.Қосимов 1998 йилда ҳаммуаллифликда масалаларни ЭХМ ёрдамида ечишга доир Бейсик ва Паскал тилларида режалаштирилган «Физика масалалар тўплами» китобининг 3-қисмини нашрдан чиқарди. Унинг конкрет ядроларни ва



табiiй радиактивликни ўрганишга доир 30 га яқин мақолалари илмiiй журналларда эълон қилинди.

Қ.Қосимовнинг ўқитиш услуби, тажрибаси, ўқитиш самарадорлигини оширишга доир ишлари 1997 йилда Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими томонидан ўрганилди ва оммалаштирилди. Таълим соҳасидаги хизматлари эътиборга олиниб, унга «Халқ таълими аълочиси» унвони берилди. 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси «Камолот» жамғармасининг мукофотиغا, 1998 йилда халқаро Гумбольд фондининг стипендиясига сазовор бўлди.

*Н.Эшқобилов*

### ҲАЛИМОВ МАВЛОН ҲАЛИМОВИЧ (1926-2002)



Ҳалимов Мавлон Ҳалимович 1926 йил 10 июнда Самарқанд шаҳрининг Дониёрбек маҳалласида ишчи оиласида таваллуд топди. Унинг ёшлик йиллари, ўқувчилик ва меҳнат фаолияти Самарқанд шаҳри билан боғлиқ ҳолда кечди. Урушнинг машаққатли йилларида «Ишчи куёш» номли корхонада меҳнат қилди.

1944-1945 йилларда Самарқанд вилояти Ўқитувчилар институтининг табиатшунослик ва география факультетида таҳсил кўрди. Институтни тамомлагач, 1945 йилда Ўзбекистон давлат университети (ҳозирги СамДУ) геология-география факультетининг география бўлимига ўқишга кирди. Университетни битиргандан кейин 1949-1950 йилларда Самарқанд билимгоҳида география ўқитувчиси лавозимида ишлади.

М.Ҳалимов 1950 йилда Самарқанд давлат университетининг география факультетига ассистент лавозимида ишга қабул қилинди.

М.Ҳалимов 1960 йилда Москва давлат университетининг табиий география кафедраси аспирантурасига кирди. Ўқиш даврида география фанида янги йўналиш ҳисобланадиган ҳозирги даврдаги табиий географик жараёнлар бўйича илмiiй тадқиқотлар олиб борди. Туркистон ва Зарафшон тоғлари бўйлаб экспедициялар уюштириб, табиий жараёнларнинг географик тарқалиши ва ривожланиши қонуниятларини

иникилади ва шу асосда 1963 йилда «Самарқанд ботиғи атрофидаги тоғларнинг табиий географик жараёнлари» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Шу йилдан бошлаб М.Ҳалимов яна СамДУда илмий педагогик фаолиятини давом эттирди. У аввал катта ўқитувчи, доцент, 1965-1975 йилларда иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси мудури лавозимларида фаолият кўрсатди.

М.Ҳалимов 100 дан ортиқ илмий мақолалар, услубий кўрсатмалар ва ўқув қўлланмалар муаллифидир. Илмий ишларининг аксарияти табиатдан халқ ҳўжалигида самарали фойдаланиш, ноқулай табиий географик жараёнларнинг олдини олиш, атроф-муҳитни кўриқлаш ва табиатни бойитиш масалаларига бағишланган. У илмий-педагогик фаолияти доғомида талабаларга «Умумий ер билими», «Чет мамлакатлар иқтисодий ва ижтимоий географияси» каби фанлардан сабоқ берди.

М.Ҳалимов кўп йиллар доғомида факультет услубий кенгаши ва касаба уюшмаси раиси лавозимларида фаолият кўрсатиб келди. Унинг илмий тадқиқот ишлари ва юқори маънавли кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматлари университет маъмурияти ва ҳукуратимиз тоғонидан бир неча бор муносиб тақдирланган, хусусан, «Олий тағлим аълоҳиси», «Меҳнат фаҳрийси» кўкрак нишонлари билан мукофотланган.

Ҳ.Мавлон 2002 йилда вафот этди.

*Р.Х.Ҳалимов*

## ҲОШИМОВ ЖўРАҲОН АБДУРАҲМОНОВИЧ (1930-2002)



Ҳошимов Жўрахон Абдурахмонович 1930 йил 28 мартда Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида хизматчи оиласида таваллуд топган. Унинг ўқувчилик йиллари ва меҳнат фаолияти Ғаллаорол туманида кечиб, уруш йилларида фронт ортида, 1949-1951 йилларда шу туманнинг молия бўлими идораси инспектори вазифасида ишлаган.

Ж.Ҳошимов 1951 йилда Ўзбек давлат университети (ҳозирги СамДУ)нинг геология-география

факультетига ўқишга кирди. Университетни тугатиб, Қозон давлат университети аспирантурасида таҳсил олди.

Ж.Ҳошимов 1966 йилда «Нурота тоғларининг географик хусусиятлари ва табиий географик районлаштириш» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ўша даврдан бошлаб унинг СамДУда педагогик фаолияти бошланди. Аввалига ассистент, кейин доцент ва кафедра мудири лавозимларида ишлади. Ж.Ҳошимовнинг 100 дан ортиқ илмий мақолалари, ўқув кўлланмалари ва услубий кўрсатмалари нашр этилди. Илмий ишларининг аксарияти жанубий-ғарбий Ўзбекистоннинг табиий бойликларидан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган.

Ж.Ҳошимовнинг 1987 йилда нашр этилган «Табиий географик районлаштириш» мавзусидаги иши шу номда ўқитиладиган фан бўйича ўзбек тилида ёзилган биринчи кўлланма ҳисобланади. У ўзининг илмий педагогик фаолияти давомида «Материклар ва океанлар географияси», «Табиий географик районлаштириш», «Табиатни қўриқлашнинг географик асослари» фанлари бўйича талабаларга сабоқ берди.

Ж.Ҳошимов география факультети ва университетнинг жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этди. У 1985-1995 йиллар давомида СамДУ ички назорат комиссиясининг раиси вазифасида фаолият кўрсатиб келди. Ж.Ҳошимов «Олий таълим аълочиси», «Мусобақа ғолиби» кўкрак нишонлари билан мукофотланган. У олим ва педагог сифатида бутун онгли ҳаётини ёш авлодни тарбиялашга ва илм-фанга бағишлади.

Ж.Ҳошимов 2002 йилда вафот этди.

*Н.Тошкенбоев*



## II ҚИСМ

### АБДУВОХИДОВ САФАР НИЯЗМАТОВИЧ



Абдувоҳидов Сафар Ниязматович 1943 йил 20 майда Самарқанд вилояти Булунгур туманидаги Тегирмон қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топди. 1950-1960 йилларда Жомбой туманидаги 28-ўрта мактабда ўқиди. 1960-1962 йилларда қурилишда ишлади. 1962 йили Самарқанд давлат университети тарих-география факультетининг география бўлимига ўқишга кирди. 1964-1967 йиллар мобайнида ҳарбий хизматни ўтади. 1970 йили университетни тамомлаб, Булунгур туманидаги 5-ўрта мактабда ўқитувчилик қилди.

С.Абдувоҳидов 1972 йилдан бошлаб СамДУ нинг педагогика кафедрасида ишлаб бошлади. Дастлаб ассистент, кейинчалик катта ўқитувчи, доцент вазифаларида фаолият кўрсатди.

С.Абдувоҳидов 1982 йилда Москва давлат педагогика институти қошидаги Ихтисослашган кенгашда «Университет таълим тизимида ўқитувчининг касбий тайёргарлиги (география факультетлари материаллари асосида)» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

С.Абдувоҳидов университет, шаҳар ва вилоят миқёсидаги ғоявий-сиёсий, маънавий-маърифий ишларда фаол иштирок этди.

С.Абдувоҳидов 1998-2000 йиллар мобайнида Самарқанд вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институтида педагогика-психология кафедрасининг мудири сифатида фаолият кўрсатди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиққан ҳолда вилоят миқёсида «Одобнома» фани бўйича тажриба-синов майдончалари ишига раҳбарлик қилди.

Ҳозирги вақтда СамДУ география факультети геоэкология ва умумий табиий география кафедрасида доцент лавозимида ишламоқда, бундан ташқари, университетнинг ўқув-услубий бўлимида, университет қошидаги академик лицей ва касб-хунар коллежларига ўқув-услубий ёрдам кўрсатиш гуруҳи «Ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлар» шўъбаси раиси

сифатида ўриндошлик асосида фаолият кўрсатиб, Давлат таълим стандартлари, ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш, профессор-ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибасини ўрганишга доир ишлар олиб бормоқда.

Университет таълим тизими самарадорлигини ошириш, айниқса, педагог кадрлар тайёрлашга доир 60 дан ортиқ мақолалари Москва, Санкт-Петербург, Киев, Боку, Бишкек, Душанбе, Тошкент, Термиз, Самарқанд олий ўқув юртларининг тўпламларида босилиб чиқди. «Синф раҳабари» (1991), «Географияни ўқитиш методикаси» (2001), «Мактаб ўлкашунослиги» (2001), «Янги педагогик технология» (2002), «Педагогик касби фидойилари» (2003) асарлари алоҳида илмий аҳамиятга эга. Унинг хизматлари «Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги» эсдалик нишони (2001) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг фахрий ёрлиқлари билан бир неча бор тақдирланган.

*Н.Шодиев*

### АБДУЛЛАЕВ ЖОНИҚУЛ ИБРАГИМОВИЧ



Абдуллаев Жониқул Ибрагимович 1964 йил Самарқанд вилояти Пастдарғом туманида деҳқон оиласида туғилди. 1981 йилда ўрта мактабни тамомлаб, шу йили СамДУнинг механика-математика факультетига ўқишга кирди ва уни 1986 йилда имтиёзли диплом билан тугатди.

1986-1989 йилларда СамДУ қошидаги математик анализ ихтисослиги бўйича аспирантурада таҳсил олди. 1989 йилда математик анализ кафедрасида, 1990-1995 йилларда функционал анализ кафедрасида ассистент бўлиб ишлади.

Ж.Абдуллаев 1992 йилда номзодлик диссертациясини химоя қилди. 1995-1998 йилларда математик физика ихтисослиги бўйича докторантурани ўтади. У 2001 йилда «Панжарадаги икки, уч ва тўрт заррачали Шредингер операторларининг спектрал таҳлили» мавзусида докторлик диссертациясини химоя қилди.

Ж. Абдуллаев математик ва комплекс анализ ҳамда функционал тенгламалар курсидан маърузалар ўқийди. У 40 га яқин илмий мақола ва тезислар муаллифи. 15 та мақоласи хорижий мамлакатларда chop қилинган, 10 дан ортиқ халқаро конференциялар иштирокчиси. Ҳаммуаллифликда иккита методик кўиланма ва иккита маърузалар матни нашр эттирган.

Ж. Абдуллаев Абдус Салам номидаги Халқаро назарий физика марказининг 2001 йилги танловининг совриндори сифатида Италиянинг Триест шаҳрида 2 ойлик илмий стажировкада бўлди. У Германиянинг DFG (Deutscher Forschungsgemeinschaft) фонди томонидан маблағ билан таъминланган халқаро лойиҳа иштирокчиси.

Ж. Абдуллаев ўз-ўзига қўшма операторларнинг спектрал назарияси ва замонавий математик физика соҳаларида муҳим натижаларга эришган олимлардан биридир.

2002 йил сентябридан СамДУ механика-математика факультетининг «Функциялар назарияси ва функционал анализ» кафедрасида доцент лавозимида ва 2004 йилнинг мартидан бошлаб эса «Математик физика ва функционал таҳлил» кафедраси профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

*М.Х. Шерматов.*

## АБДУСАИДОВА ГУЛЧЕХРА



Абдусайдова Гулчеҳра 1939 йили Самарқанд шаҳрида туғилган.

Г. Абдусайдова 1961 йили СамДУ тарих факультетини имтиёзли диплом билан тугатди. У 1963 йилдан шу кунга қадар СамДУ да фаолият кўрсатиб келмоқда.

1963-1965 йилларда СамДУ фалсафа кафедраси ассистенти, катта ўқитувчиси лавозимларида ишлади. 1965-1968 йилларда Тошкент Политехника институти фалсафа кафедрасида аспирантурани ўтади. 1968 йилдан ҳозиргача СамДУ фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси, доценти вазифасида ишлаб келмоқда.

Г. Абдусайдова 1970 йилда фалсафа фанлари номзоди илмий даражасига, 1975 йилда эса доцент илмий унвонига эга бўлган.

Г.Абдусайдова фалсафа, миллий истиқлол ғояси, маънавият асослари, фалсафа тарихи, ижтимоий фалсафа ва диншунослик асосларидан маърузалар ўқийди ва семинар машғулотлари олиб боради.

Г.Абдусайдова СамДУ хотин-қизлар кўмитаси, ижтимоий-сиёсий фанлар факультети хотин-қизлар кўмитаси, «Девори Кўндаланг» маҳалласи хотин-қизлар кўмитаси, Самарқанд вилояти Олималар уюшмаси аъзосидир.

*Ш.Қўшоқов*

### АЙТМАТОВ ҚУДРАТ



Айтматов Қудрат 1944 йил 13 апрелда Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани Умакай қишлоғида туғилган. 1962 йилда Самарқанд давлат университетининг механика-математика факультетига ўқишга кириб, уни 1967 йилда тамомлаган ва университетнинг математик анализ кафедрасида ассистентлик лавозимида ишга қолдирилган. 1969 йилда СамДУ аспирантурасига қабул қилинди.

Аспирантурада ўқиш даврида чизиқли бўлмаган анализнинг турли масалалари бўйича илмий изланишлар олиб бориб, 1975 йилда «Чизиқли бўлмаган сингуляр интеграл ва интегро-дифференциал тенгламаларнинг махсус ечими, ечимларнинг аналитик давоми» номли мавзуда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Қ.Айтматов шу соҳада илмий изланишларни давом эттириб, 20 дан зиёд илмий, 10 дан зиёд методик ишлар чоп эттирган. 1974 йилдан 1994 йилгача физика факультетидаги олий математика кафедрасида ассистент, 1981 йилдан доцент, 1983 йилдан эса кафедра мудири лавозимларида фаолият кўрсатди.

Қ.Айтматов бу йилларда дунёнинг йирик илмий марказлари ҳисобланган Боку давлат университети (1978-1982), Москва давлат университети (1986), Киев давлат университетларида (1991) малакасини оширган.

Қ.Айтматов 1996 йилдан механика-математика факультети деканининг ўринбосари, 1998 йилдан эса факультет декани лавозимида ишлади. 1999 йилдан то ҳозирги кунга қадар

университет маркетинг хизмати бўлими бошлиғи ва математик анализ кафедрасида доцентлик лавозимида ишлаб келяпти.

У Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан бир неча марта фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

*А.Фозиев*

## АЛИЕВА ФОТИМА САТТАРОВНА



Алиева Фотима Саттаровна 1947 йил 20 апрелда Самарқанд шаҳрининг Янгиработ маҳалласида ишчи оиласида таваллуд топди. 1961 йилда Ушинский номидаги хотин-қизлар педагогика билим юрти (ҳозирги 1-Педагогика коллежи)нинг бошланғич синф ўқитувчилари тайёрлаш бўлимига ўқишга кирди ва уни 1965 йилда тамомлади. Шу йили у Тошкент давлат (ҳозирги Ўзбекистон Миллий) университетининг

тарих факультети талабаси бўлди.

Ф.Алиева 1970 йилда ишлаш учун СамДУ га йўлланма олди ва меҳнат фаолиятини археология кафедраси қошидаги "Афросиёб шаҳарчасини тарихий-археологик ўрганиш» муаммоли лабораториясида илмий ходимликдан бошлади. Айни пайтда, у қадимги дунё тарихи, этнография фанларидан дарс берди.

Ф.Алиева 1975-1988 йилларда СамДУ ижтимоий фанлар бўйича малака ошириш факультетида методист бўлиб ишлаш билан бирга дарс беришни давом эттирди ва, айни пайтда, 1982-1986 йилларда сиртдан аспирантурада таҳсил олди. 1988 йилдан ҳозиргача у Ўзбекистон халқлари тарихи (ҳозирги Ватан тарихи) кафедрасида ишлаб келмоқда.

Ф.Алиева 1994 йилда номзодлик диссертациясини химоя қилди. Унинг дастлабки илмий иши "Афросиёб шишаси"га бағишланган бўлиб, 80-90-йилларда диққат эътиборини кишлоқлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларга қаратди. Кейинги йилларда у Ўзбекистондаги этник гуруҳлар (асосан эронийлар) тарихини ёритиш йўлида фаол иш олиб бориб, бир қатор илмий мақолалар эълон қилди. Жумладан, 2002 йилда Истанбулда рус тилида нашр этилган "Этнический атлас Узбекистана" монографиясини яратишда иштирок этди.



Ф.Алиева меҳнат фаолияти давомида 20 дан ортик илмий, илмий-услубий ва ўқув-услубий ишлар яратди.

Ф.Алиева 1992-1998 йилларда тарих факультетининг хотин-қизлар ташкилотига, 20 йил давомида шаҳардаги "Янгираб-2" маҳалласида хотин-қизларга етакчилик қилди.

*С.И.Шарипов*

### АЛИҚУЛОВ ЗАРИФ



Алиқулов Зариф 1941 йил 14 январда Жиззах вилояти, Фориш туманига қарашли Нарвон қишлоғида туғилган. 1960-1965 йилларда Алишер Навоий номидаги СамДУ филология факультетида ўқиган. Университетни тугатгандан сўнг шу ерда ўқитувчи қилиб қолдирилган.

З.Алиқулов 1965-1966 йилларда Новосибирск шаҳрида ҳарбий хизматни ўтаб, заҳирадаги офицер бўлиб қайтди. 1966-1969 йиллар мобайнида СамДУ да ўқитувчи бўлиб ишлади. 1969 йилдан 1991 йилга қадар Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, декан ўринбосари вазифаларида ишлади.


З.Алиқулов 1991 йилдан СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. 1977 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, проф Р.Қўнгулов раҳбарлигида "Ўзбек тилида аббревиатуралар" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1985 йилда Ғарбий Германияда малака ошириш курсини ўтаган.

З.Алиқулов "Ўзбекистон халқ маориф аълочиси", "Меҳнат фахрийси" медалига сазовор бўлган, катор фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

З.Алиқуловнинг бутун ҳаёти университет билан боғлиқ бўлиб, ўзининг илмий-педагогик фаолияти давомида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш ишларини олиб бормоқда, бакалавр ва магистрлар учун ўқув ҳамда ўқув-методик қўлланмалари яратмоқда. Халқаро ва республика анжуманларида ўзбек тилшунослигининг долзарб мавзуларида чиқишлар қилмоқда. Эълон қилинган мақолалари сони 150 дан ортик.

*С.Каримов*

## АМИНОВ ҲАСАН АМИНОВИЧ



Аминов Ҳасан Аминович 1924 йилда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келди. 1948 йилда Самарқанд давлат университети тарих факультетини имтиёзли диплом билан битириб, ассистент лавозимида ишга қолдирилди. 1949-1952 йилларда аспирантурада ўқиди. Аспирантурани битиргач, университетда ўқитувчи бўлиб ишлади. 1954 йилда тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация химоя қилди. 1961 йилда доцентликка сайланди. Тарих факультети талабалари билан ўзбек ва рус тилларида машғулотлар олиб борди. Ҳасан Аминов университетда мудирилик вазифасини ўқиган дастлабки олимлардан бири ҳисобланади.

Ҳ.Аминовнинг тажрибали мураббий сифатида ёшларни тарбиялаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлашда хизматлари катта бўлди. Талабаларнинг педагогик ва ишлаб чиқариш амалиётига қатор йиллар давомида раҳбарлик қилди. Ишлаб чиқариш амалиёти даврида талабалар Москва, Санкт-Петербург, Тошкент, Самарқанд ва республикамиздаги яна бир қатор шаҳарларидаги архив, музей ва кутубхоналарида ишлатилган олиб бордилар.

Ҳ.Аминов тарих фани раънақи йўлида астойдил меҳнат қилди. 170 дан зиёд илмий ишлари нашр этди. Олиб борилган бу илмий тадқиқотлар натижасида миллий тарихимизнинг ҳали очилмаган қирралари намойён бўлди. Ўз бағрида неча-неча асрларнинг сир-синаотларини сақлаган Самарқанд тарихининг сарҳадлари очилди.

Ҳ.Аминов Самарқанд давлат университети тарихини ўрганиш ва унинг шуҳратини ёйиш ташаббускорларидан биридир. Самарқанддаги қадимий ёдгорликлар тарихига оид ёзилган бир қатор рисоалар унинг қаламига мансубдир. У “Мангу барҳаёт сиймолар” (“Ўзбекистон” нашриёти, Т., 1968), “Самарқанд тарихи” (“Фан” нашриёти. Т., 1970. Т-2), “СамДУнинг қисқача тарихи” (Тошкент, “Фан” 1990), уч жилдлик Самарқанд вилояти “Ҳотира” китоби (Тошкент, 1994) каби илмий тўплам муаллифларидан бири ҳисобланади. Бир қатор илмий тўпламлар ва китобларга муҳаррирлик қилган.

Жумхуриятда биринчилардан бўлиб манбашунослик фанидан қатор илмий-услубий кўлланма ва кўрсатмалар чоп эттирган. Марказий ва маҳаллий матбуотда 200га яқин илмий-оммабоп мақолари эълон қилган. Халқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуманларда 90 дан ортиқ маърузалар қилган.

Ҳ.Аминов чорак асрдан ортиқ факультет талабалари илмий жамиятининг раҳбари сифатида иш олиб борди, бир қатор илмий анжуманларнинг ташаббускори бўлди. Шу даврда факультетнинг Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Арманистон, Туркменистон, Озарбайжон олий ўқув юртлари билан илмий алоқаси кенгайди ва мустақкамланди. МДХ мамлакатларида бўлиб ўтган анжуманларда маърузалар қилди.

Ҳ.Аминов дорилфунун, шаҳар ва вилоят миқёсида жамоат ишларида фаол қатнашиб келмоқда. 1962-1968 йилларда университет фирқа кўмитаси котибининг муовини ва котиби, кафедра мудири ва факультет декани вазифаларини бажарувчи бўлиб хизмат қилди. Шаҳар Кенгаши депутаты этиб сайланди. Университет илмий-услубий кенгашининг раиси, Ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамияти вилоят бўлими Президиумининг аъзоси, университет назорат комиссиясининг раиси вазифаларида ўзининг меҳнатсеварлиги ва ташкилотчи эканлигини кўрсатди.

Ҳ.Аминовнинг вилоят давлат архиви ишларини жонлаштиришга кўшган ҳиссаси ҳам катта. Ҳозирда Самарқанд вилоят давлат архиви илмий-услубий кенгашининг раиси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Ҳ.Аминовнинг малакали кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматлари, илмий фаолияти муносиб тақдирланган. Қатор медаллар, Республика Олий Кенгаши Президиумининг фахрий ёрлиғи, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, вилоят ва шаҳар ҳокимларининг раҳматномаси билан мукофотланган. У “Олий таълим аълочиси”, “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси” нишондори.

Маърифат, илм ҳар бир инсондан тинимсиз меҳнат, изланишни талаб қилади. Таниқли тарихшунос, манбашунос, архившунос олим Ҳасан Аминовда ана шундай хислатлар мужассамлашган. Ўзига топширилган ҳар қандай вазифани ўз вақтида бажариб келгани, интизомли, ҳалол хизматлари, ўзининг ҳақгўйлиги, хушмуомалалиги, меҳнатга садоқатлилиги билан доимо ажралиб туради. Юқори малакали мутахассисларни тарбиялашда, уларга касб сирларини

сонида катта ҳаёт мактабини ўтаган мураббий ёш олимларнинг ишлари юзасидан маслаҳатлар бериб келмоқда.

Профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасида катта ҳурмат ва эътибор қозонган бу камтарин инсоннинг илмий-ижодий ҳаёт йўли барчамиз учун ибратдир.

*М.Жўрақулов, Р.Юсупов.*

### АСРОРОВ ЯЗДОН



Асроров Яздон 1933 йили Самарқанд вилояти Самарқанд тумани Қавчинон қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топди. 1953 йили ўрта мактабни тамомлаб, Самарқанд давлат университетининг физика-математика факультети математика бўлимига ўқишга кирди.

Я.Асроров 1958 йилда университетни тугатгандан кейин математик анализ кафедрасига ассистентлик лавозимида ишга олиб қолинди ва шу лавозимда 1967

йилгача фаолият кўрсатди.

Я.Асроров 1967 йилдан Озарбайжон давлат университетида аспирантурада таҳсил олди. У дифференциал тенгсизликларнинг чизикли бўлмаган дифференциал тенгламаларни ечишга қўлланиши бўйича илмий изланишлар олиб борди ва шу йўналиш бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Я.Асроров 1970 йили Самарқанд давлат университетининг математик анализ кафедрасида аввало ассистент, катта ўқитувчи, 1976 йилдан 1995 йилгача доцентлик лавозимида ишлади.

Я.Асроров ўзининг иш фаолияти давомида математик анализ фанидан маъруза ва семинар дарсларини уч тилда ўзбек, тожик ва рус тилларида олиб борди. Унинг 20 дан ортиқ илмий мақолалари хорижий ва ҳамдўстлик мамлакатлари, республикамизнинг турли илмий журналларида чоп қилинган. У 10 дан кўпроқ услубий кўрсатма ва қўлланмаларнинг муаллифи.

*А.У.Арзиқулов*

## АХМЕДОВА ГУЛЖАҲОН



Ахмедова Гулжаҳон 1939 йилда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. 1956 йилда Самарқанд шаҳридаги 10-ўрта мактабни тугатиб, Самарқанд давлат университетининг физика-математика факультетига ўқишга кирди. Уни тугатгач, 1961 йилда умумий физика кафедраси (ҳозирги ядро физикаси) ассистенти лавозимида ишга қолдирилди.

Г.Ахмедова илмий-педагогик фаолияти давомида умумий физиканинг механика, молекуляр физика, электр, атом ва ядро физикаси бўлимларидан ҳамда «Радиоактивликни ўлчаш натижаларини қайта ишлаш», «Модда элемент таркиби таҳлилининг ядро-физик усуллари», «Радиофаол нуклидлар ва уларнинг қўлланиши», «Ядровий нурланишларни қайд қилиш усуллари» махсус фанларидан талабаларга дарс ўтиб келмоқда.

Г.Ахмедова 1975-1979 йилларда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, сиртқи аспирантурада таҳсил кўрди, «Атроф-муҳит намуналари радиоактивлигини текшириш» мавзуси бўйича илмий изланишлар олиб борди. Бажарилган илмий ишлар натижалари вилоят санитария-эпидемиологик станцияси радиология бўлимида, ЎзФА Ўлкашунослик тиббиёт институтида ва бошқа тегишли ташкилотларда ишлаб чиқаришга жорий этилди. 1981 йилда ЎзФА Ядро физикаси институти Илмий кенгашида «Атроф-муҳит намуналари радиоактивлигини ярим ўтказгичли гамма-спектрометрик усул ёрдамида текшириш» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва 1982 йилдан бошлаб СамДУ ядро физикаси кафедраси доценти лавозимида ишлай бошлади.

Г.Ахмедова 150 дан ортиқ илмий мақолалар, 20 га яқин ўқув қўлланмалари («Мумтоз атом физикаси», «Ядро физикасидан масалалар ечиш», «Радиоактивликни ўлчаш натижаларини қайта ишлаш», «Радиофаол нуклидлар ва уларнинг қўлланилиши» ва б.), маъруза матнлари («Атом физикаси», I, II қисм, «Табиий ва сунъий радио нуклидлар физикаси», «Ядровий нурланиш», «Нурланишларни ўлчаш методлари» ва б.) ва услубий тавсиялар муаллифидир.

Г.Ахмедова «Меҳнат фахрийси» медали билан, уч марта Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фахрий ёрлиғи билан, мунтазам равишда университет, шаҳар ва вилоят фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалари ҳамда ташаккурномалар билан тақдирланиб келинмоқда.

*Ш.Х.Хушмуродов*

### **БАХРИЕВ ФАХРИ БАХРИЕВИЧ**



Бахриев Фахри Бахриевич 1926 йил 10 январда Самарқанд туманининг Ўрташайх қишлоғида туғилган. 1941 йилда Самарқанд қишлоқ туманига қарашли 16-ўрта мактабни тугатган.

Ф.Бахриев 1943 йилда Самарқанд ўқитувчилар институтининг тиббиёт-география факультетига кириб, уни 1945 йилда тамомлади. Шу йили Самарқанд давлат университетининг геология-тупроқшunosлик факультети II курсига қабул қилинди. Мазкур факультетни 1949 йилда иқтисодчи-географ мутахассислиги бўйича тугатлади.

Ф.Бахриев 1949 йилда тупроқшunosлик факультетига ассистент лавозимига ишга қабул қилинди. 1950 йилда Москва давлат университетининг география факультети аспирантурасига ўқишга кирди ва уни 1954 йилда тамомлади. Шундан сўнг яна СамДУ география факультетида илмий-педагогик фаолиятини давом эттирди.

Ф.Бахриев Самарқанд вилоятида ишлаб чиқариш кучларни жойлаштириш муаммоларига бағишланган 30 дан ортиқ методик ва ўқув қўлланмалари, маъруза матнлари муаллифи. У касаба уюшмаси раиси, фирқа қўмитаси котиби, кафедра мудири ҳамда факультет декани лавозимларида ишлаб, катта жамоатчилик фаолиятини амалга оширган.

Ҳозирда Ф.Бахриев иқтисодий ва ижтимоий география кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

*М.Р.Усмонов*

## ВАЛИХЎЖАЕВ НОДИР



Валихўжаев Нодир 1940 йил 5 июнда Самарқанд шаҳрида туғилган. Самарқанд шаҳридаги 15-ўрта мактабнинг 8-синфини битириб, 1955 йили Самарқанд мусиқа билим юртининг хор дирижёрлиги бўлимига ўқишга кирган ва Ҳамид Олимжон номли ўзбек мусиқали драма театрида ишлаган.

1959 йили Тошкент давлат консерваториясининг хор дирижёрлиги факультетига ўқишга қабул қилинган. 1961 йилдан Самарқанд жисмоний тарбия билим юртида, 1964 йилда Самарқанд мактабгача тарбия педагогика билим юртида мусиқа ўқитувчиси, 1968 йилдан Самарқанд мусиқа билим юртида бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган. 1977 йилдан Самарқанд педагогика институти кафедра мудирлиги лавозимида ишга қабул қилинган.

Н.Валихўжаев Тошкент давлат санъатшунослик илмий-тадқиқот институти сиртки бўлим аспирантурасида таҳсил олди ва 1975 йилда «Самарқанд мусиқа маданияти» мавзунда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1985 йилда санъатшунослик соҳасида номзодлик илмий даражасини олди. 1989 йилда унга доцент унвони берилди.

Н.Валихўжаев ўз фаолияти давомида университет, шаҳар ва вилоят миқёсида катта жамоатчилик ишларини бажариб келмоқда. «Самарқанд чашмаси», «Муҳаббат ва нафосат тараннуми», «Жаҳон бўйлаб Самарқанд таронаси», «Ҳаваскор хор жамоаси» ва «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалларидаги «Самарқанд мусиқа тарихи» мавзусидаги чиқишлари олимнинг илмий-педагогик фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Ҳозирда Самарқанд давлат университетининг мусиқий таълим факультети мусиқа назарияси, тарихи ва анъанавий ижрочилик кафедрасида мудир лавозимида ишлаб келмоқда.

*С. Каримов*

## ВОСЕЕВ ОДИЛ ВОСЕЕВИЧ



Восеев Одил Восеевич 1927 йилда Самарқанд шахрида ишчи-қурувчи оиласида туғилган.

О.Восеев 1944-1949 йилларда СамДУнинг (ўша даврда ЎзГУ) филология факультетида таълим олиб, 1949 йилдан ўқитувчилар ва педагогика институтларида, 1955 йилдан М.Горький номидаги педагогика институтида, кейинчалик, Самарқанд давлат университетида ижтимоий фанлар, жумладан, «Ўзбекистон тарихи» фанидан

директорлик қилган.

О.Восеев 1950-1952 йилларда Самарқанд шаҳар комсомол қўмитасининг биринчи котиби, 1952-1956 йилларда педагогика институти ректори муовини ва партия қўмитасининг котиби, 1959-1964 йилларда Самарқанд вилояти ва шаҳар партия қўмиталарида бўлим бошлиғи лавозимларида ишлаган.

О.Восеев 1971 йилда Ўзбекистон тарихи бўйича номзодлик диссертацияси ёқлаган, 14 та рисола, 150 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп ва услубий мақолалар муаллифи.

О.Восеев Санкт-Петербург ва Тошкент давлат университетларида малака оширган. У СамДУ мафкура комиссияси раиси муовини ва 12 йил давомида узлуксиз «Билим» жамиятининг раиси ҳамда вилоят «Билим» жамияти президиумининг аъзоси бўлган, кўп йиллар давомида кафедра ўқув-услубий кенгаши ва партбюросини бошқарган. 1956 йилдан вилоят «Самарқандский вестник» газетасининг жамоатчи мухбири сифатида қатор мақолалар эълон қилди.

О.Восеевнинг ташкилотчилик ва мураббийлик тажрибаси вилоят «Билим» жамияти томонидан оммалаштирилган, илмий-педагогик иш фаолияти тўғрисида республика матбуотида мақолалар нашр этилган.

СамДУда Ўзбекистон тарихи бўйича тожик тилида тайёрланган асосий ўқув ва услубий қўлланмалар унинг қаламига мансубдир.

О.Восеев мустақиллик даврида ҳам фаол иш олиб бормокда. Туркистонда жадидчилик ҳаракати ва унинг А.Фитрат каби таниқли намояндалари тўғрисидаги тадқиқотлари «Зиёкор» журнали ва «Илмий тадқиқотлар



ахборотномаси»да, «Овози Самарқанд» ва «Зарафшон» газеталарида мунтазам босилиб турибди.

О.Восеев Самарқанд шаҳар «Нуруний» жамғармасининг президиум аъзоси ва ёшлар орасида ишлаш комиссиясининг раиси сифатида маънавий-маърифий ишлар билан доимий равишда шуғулланиб келмоқда. Унинг узоқ йиллар давомида амалга оширган илмий-педагогик ва ташкилотчилик ишлари муносиб тақдирланган. Олим 6 та медаль ва 30 дан ортиқ фахрий ёрликлар соҳиби. «Олий таълим аълочиси» ва «Билим» жамиятида фаол ишлаганлиги учун номли нишонлар билан тақдирланган.

О.Восеевга 1997 йилда «Хизмат кўрсатган доцент» фахрий унвони берилган.

*М.Ж.Жўрақулов*

### ЖАББОРОВ АБДУРАШИД РАЙИМОВИЧ



Жабборов Абдурашид Райимович 1950 йил 25 майда Самарқанд шаҳри Сиёб туманида хизматчи оиласида туғилди. У 1956-1966 йилларда шаҳардаги 10-ўрта мактабда таълим олди ва 1966 йилда СамДУ нинг биология факультетига ўқишга қабул қилинди. Университетни 1971 йилда тугатди ва умуртқалилар зоологияси кафедраси қошидаги зоология музейига лаборантликка қабул қилинди.

А.Жабборов 1972 йилда ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, СамДУ биология факультети генетика кафедрасида катта препаратор вазифасида ишлади. 1973 йил СамДУ ёшлар иттифоқи кўмитаси котибининг ўринбосари, 1974 йилда эса котиби этиб сайланди ва у 1980 йилгача ушбу лавозимда меҳнат қилди.

А.Жабборов 1980-1982 йилларда М.В.Ломоносов номидаги МДУ умуртқалилар зоологияси ва қиёсий анатомияси кафедрасида аспирантурани ўтади ва 1982 йилда «Муҳим хўжалик объектларида қушлар томонидан содир этилаётган биошикастланишлардан ҳимояланишда реплент воситалардан фойдаланишнинг экологик асослари» мавзuida биология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди. Ушбу тадқиқот натижасида яратган оптико-

авустиқ репеллент мажмуаси жорий этилиб, 1988 йилда «Иттифоқ ихтирочиси» фахрий нишони билан тақдирланди.

А. Жабборов 1983 йилда СамДУ илмий-тадқиқотлар мажмуининг патент ва лицензия бўлими мудири вазифасига тайинланди. 1983 йилдан биология факультети умуртқалилар зоологияси кафедраси ассистентлигига қабул қилинди. 1985 йилдан кафедра доценти, кейинчалик факультет деканининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари вазифаларида меҳнат қилди.

А. Жабборов 1987-1991 йилларда СамДУ партия кўмитаси ваътабни лавозимида ишлади. 1991-1994 йилларда умуртқалилар зоологияси кафедраси доценти, деканнинг маънавият-маърифат ишлари бўйича ўринбосари вазифаларида фаолият кўрсатди.

А. Жабборов 1995 йилда зоология кафедрасининг мудири лавозимига сайланди. Кафедра қошидаги Марказий Осиёда ягона бўлган зоология музейи фаолиятини ривожлантириш мақсадида тақлиф этилган илмий лойиҳалари 1998-2003 йилларда ЎзФА грантларини қўлга киритди. У 1998 йилда Самарқанд вилояти ҳокимлиги Халқ таълим бошқармасининг «Шарафли зиёкор» нишони билан мукофотланди.

А. Жабборов 150 дан ортиқ ўқув қўлланмалар, илмий мақоалар, рисоалар, услубий қўлланмалар муаллифи, 2 патент ва муаллифлик гувоҳномалар соҳиби. Республика зоологлари ичида биринчилардан бўлиб яратган «Қушлар биоавустиқ аниқлагич»и яратди ва у ўқув жараёнида кенг қўлланилмоқда.

*Ж.Л.Лаханов*

## ЖУМАБОВ АБДУВОҲИД



Жумабоев Абдувоҳид 1950 йил 5 сентябрда Самарқанд вилояти Пайарик туманидаги Ўртасайид кишлоғида таваллуд топди. 1968 йилда шу тумандаги 2-ўрта мактабни тугатиб, Самарқанд давлат университети физика факультетига ўқишга кирди ва 1973 йилда университетни битиргач, оптика ва спектроскопия кафедрасига кичик илмий ходим сифатида ишга қолдирилди. Кейинчалик илмий тадқиқотчиликка ўтказилди ва аспирантурани ўтади. 1982 йилда ЎзФА Иссиқликлар физикаси институтида номзодлик, 1993 йилда эса

Киев давлат университетида докторлик диссертацияларини химоя қилди.

А.Жумабоев 1982 йилдан оптика ва спектроскопия кафедрасининг ассистенти, 1985 йилдан шу кафедранинг доценти ва 1994 йилдан то ҳозиргача профессори лавозимида ишлаб келмоқда. Жамоатчилик асосида физика факультети декани ўринбосари ва 1994-2001 йилларда декан лавозимларида ишлаган.

А.Жумабоевнинг илмий ишлари 150 дан ортиқ. Улар республика, МДХ ва хорижий давлатларнинг (АҚШ, Франция, Германия, Польша, Киев, Москва) нуфузли журналларида чоп этилган. Олинган илмий натижалари билан Польша (1987), Германия (1989), АҚШ (1999, 2000, 2002, 2003), Украина (1988, 1991, 1993), Россия Федерацияси (1990) каби мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро конференцияларда иштирок этан. 2000 йилда АҚШ нинг халқаро CRDF грантига сазовор бўлган.

А.Жумабоев олий таълим тизимидаги хизматлари учун «Мирзо Улуғбек» нишони, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, вилоят, туман ва университет фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

**Ф.Х.Тухватуллин**

## **ЖУМАБОВ ТОШПҮЛАТ ЖУМАБОВИЧ**



Жумабоев Тошпўлат Жумабоевич 1941 йил 5 мартда Жиззах вилояти, Ғаллаорол туманига қарашли Чувиллоқ қишлоғида туғилди. 1948-1958 йилларда шу тумандаги 26-сон ўрта мактабда ўқиди ва Самарқанд давлат университети биология-география факультетининг география бўлимига ўқишга кирди. 1964 йилда уни имтиёзли диплом билан тугаллади. 1964-1965 йилларда Ғаллаорол туманига қарашли 32-сон ўрта мактабда география ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1965 йилда Украинадаги Львов давлат университетининг аспирантурасига қабул қилинди ҳамда «Сангзор водийсининг ландшафтлар таркиби ва ер типлари» мавзусида илмий тадқиқот ишлари олиб борди. 1968 йилда ўша ерда номзодлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилди.

Т.Ж.Жумабоев 1968 йилдан СамДУ география факультети умумий табиий география кафедрасида ассистент, кейинчалик регионал табиий география кафедрасида катта ўқитувчи, шундан бўлиб ишлади. 1982 йилда иқтисодий география кафедрасига мудир этиб тайинланди ва ушбу кафедра 1998 йилга қадар бошқарди. Ҳозирги кунда ушбу кафедрада доцент бўлиб ишламоқда.

Т.Ж.Жумабоев халқ хўжалиги учун зарур бўлган географ кадрларни тайёрлашда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Унинг раҳбарлигида 150 дан ортик талаба малакавий битирув шартини химоя қилган.

Т.Ж.Жумабоев 36 йил давомида Зарафшон водийси ҳамда Житмаз, Самарқанд, Қашқадарё, Навоий, Бухоро, Сурхондарё вилоятларини ўз ичига олувчи «Жанубий-ғарбий Ўзбекистоннинг ландшафтлари, табиий ресурсларини ўрганиш» мавзусида катта илмий тадқиқот ишларини олиб борди. У 80 дан ортик мақолалар муаллифи. Унинг «Амалий география» номли маърузалар матни, ўқув қўлланмалари чоп қилинган.

Т.Ж.Жумабоев жамоатчилик ишларида ҳам фаол қатнашиб келади. Ҳозирда факультет услубий кенгашини бошқармоқда.

*С.Аббосов*

## ЖЎРАЕВ БОБОКУЛ СУЛАЙМОНОВИЧ



Жўраев Бобокул Сулаймонович 1938 йил 26 сентябрда Навоий вилоятининг Конимех туманида таваллуд топган. Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаги Сарибозариқ қишлоғида вояга етган.

Б.Жўраев 1955-1960 йилларда СамДУнинг физика-математика факультетида таҳсил олган. Университетни тугатиб, Денов туманидаги 14-мактабда, Пастдарғом туманидаги 1-мактабда физика фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

Б.Жўраев СамДУга ишга таклиф этилиб, 1963-1966 йилларда оптика кафедрасида ассистент лавозимида ишлади. Санкт-Петербург университети аспирантурасини тугатиб қайтгач, яна СамДУнинг оптика кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида, сўнгра квант электроникаси кафедрасида доцент лавозимида фаолият кўрсатди.

Б.Жўраевнинг илмий тадқиқотлари натижалари Санкт-Петербург, Москва давлат университети тўпламлари ва журналларида, Лондон ва Нью-Йоркда нашр этилган, республика «Фан ва турмуш», «Халқ таълими» журналларида босилиб чиққан. 1996 йилда босмадан чиққан «Ибн Сино ижодида физика ва техника муаммолари» китоби бу соҳада олиб борган тадқиқотларининг якуний натижаси бўлди. 2000 йилда «Самарқандда физик мутахассислар тайёрлаш ва физикавий тадқиқотлар тарихидан» деган китоби чоп этилди.

Б.Жўраев 1972 йилда номзодлик диссертациясини химоя қилди. У 50 дан ортиқ илмий ва илмий-услубий асарлар муаллифи. Таълим-тарбия, имлий-услубий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва самарадорлигини оширишга бағишланган 200 га яқин мақола, очерк, хабарлар ва шеърлари республика, вилоят ва туман газеталарида босилиб чиққан.

Б.Жўраев физика факультетининг жамоат ишларида фаол иштирок этиб, узок йиллар ёшлар ташкилоти қотиби, қасаба уюшмаси раиси, декан ўринбосари, факультет газетасининг муҳаррири, университет газетаси муҳарририяти аъзоси, ҳаваскорлик тўгарагининг бадий раҳбари вазифаларини бажарди. Вилоят ўқитувчиларининг малакасини ошириш институтида физиканинг фалсафий масалалари ва тарихига оид маърузалар ўқиди. Вилоят ўқитувчиларининг педагогик ўқишларида физика секциясини бошқарди. Б.Жўраев университет раҳбарияти, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг фахрий ёрлиқлари, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси нишони билан тақдирланган.

Б.Жўраев 1998 йилдан нафақада.

*Р.М.Эшбўриев*

## ЖҰРАЕВ ҰРАЛ БОЙИРОВИЧ



Жұраев Ұрал Бойирович 1946 йилнинг 13 февралда Қашқадарё вилояти Қамаш туманининг Галабулоқ қишлоғида таваллуд топди. У 1964 йили Шахрисабз туманидаги Бехбудий номли 13-ўрта мактабни битириб, шу йили Самарқанд давлат университети физика факультетида ўқишга кирди. 1969 йилда ўқишни тугатиб, умумий физика кафедрасида ассистент лавозимида ишга қолдирилди.

У Жұраев 1969-1970 йилларда армия сафида хизматда бўлди, 1970-1971 йилларда яна умумий физика кафедрасида ассистент бўлиб фаолият кўрсатди. 1971 йилдан Санкт-Петербург шаҳридаги Юқори молекулали бирикмалар институтига тадқиқотчи, 1973 йилдан бошлаб аспирантурада таълим олди ва 1977 йилда «Полимерли эритмалардаги макромолекулаларнинг сўриш ва шунга боғлиқ хоссаларини ёруғликнинг сочилиш усули билан ўрганиш» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

У Жұраев 1977 йилдан яна СамДУдаги оптика ва спектроскопия кафедрасига ассистентлик вазифасига қайтди. Шу даврда унинг «Оптика асослари» (хаммуаллиф Ш.Файзуллаев), «Ёруғликнинг интерференцияси» (хаммуаллифлар Ш.Файзуллаев, А.Жумабоев) рисоалари чоп этилди. 1986 йилда умумий физика кафедраси қайта ташкил этилиши муносабати билан кафедрага доцент лавозимида ўтказилди. 1994-1995 йилларда умумий физика кафедрасининг муdiri, 2000-2003 йилларда физика факультети декани лавозимларида ишлади.

У Жұраевнинг 50 га яқин илмий, илмий оммабоп, ўқув-услубий ишлари чет эл, МДХ мамлакатлари, республика журналларида чоп этилган. Илмий оммабоп мақолалари «Фан ва турмуш» журнали, «Сирли олам» тўпламларида босилган.

У Жұраев муаллифлигида 1999 йилда олий ўқув юрти талабалари учун чоп этилган «Молекуляр физика» ўқув қўлланмаси ва унинг мультимедиа электрон варианты талабаларнинг давлат тилидаги ўқув дарслиқларига бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган катта қадамдир.

*М.Қодиров*

## ЗИЁТОВ ОЙДИН



Зиётлов Ойдин 1942 йил 1 ноябрда Самарқанд вилояти Каттакўрғон туманининг Андоқ жамоа хўжалигида туғилган.

О.Зиётлов 1959 йилда Каттакўрғон туманидаги 24-ўрта мактабни тамомлаб, 1961 йилда Самарқанд давлат университетининг филология факультетига ўқишга кирган ва 1965 йилда битирган.

1970 йилга қадар Каттакўрғон шаҳридаги 5- ва 2-ўрта мактабларда тил ва адабиёт фанидан дарс берди. 1972 йилдан Сирдарё давлат университетига ўқитувчилик қилди, 1977-1980 йилларда ЎзФА қошидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида аспирантурани ўтади ва 1989 йилда фалсафа фанлар номзоди илмий даражасини олди.

О.Зиётлов 1983 йилдан буён СамДУ фалсафа кафедрасида ишлаб келмоқда. У 10 дан ортиқ ўқув қўлланмалари ва рисоалар, 80 га яқин илмий, илмий-оммабоп мақолалар муаллифи.

*Қ.Усмонов*

## ЗИЯДУЛЛАЕВ ХУДОЙБЕРДИ



Зиядуллаев Худойберди 1943 йил 22 апрелда Самарқанд вилоят Булунгур тумани Шодмон қишлоғида зиёли оиласида туғилган. Ўрта мактабни тамомлаб, 1960 йилда Ўзбекистон давлат университетининг (СамДУ) биология факультетига ўқишга кириб, 1965 йилда тамомлаган.

Х.Зиядуллаев талабалик йилларидёқ "Ўзбекистонда куёш нурлари инсоляциясининг меъда-ичак секрецияси ва моторикасига таъсири механизми" мавзuida илмий-тадқиқот ишлари олиб борди.

Х.Зиядуллаев 1966 йилда Самарқанд тиббиёт институтининг мўътадил физиология кафедрасига ассистент қилиб қабул қилинди. 1971 йилда ЎзФА илмий-тадқиқот институти аспирантурасига ўқишга кирди ва 1975 йилда "Ўзбекистонда

күсти нурлари инсоляциясининг ошкозон-ичак секрецияси ва моторикасига таъсири" мавзuida номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1975-1981 йилларда яна тиббиёт институтининг муътадил физиология кафедрасида ўқитувчилик фаолиятини асосан эттирди.

Х.Зиядуллаев 1981-2001 йилларда Самарқанд давлат педагогика институтининг педагогика факультети бошланғич таълим методикаси кафедрасига мудирлик қилган. Бошланғич таълим тизимида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш муаммоларини ҳал қилишга доир катор илмий-услубий мақола ва рисоалалар чоп эттирган. «Бошланғич таълим тизимида физиология ва гигиена» фанини ўқитиш, экологик тарбия, предметларро боғланиш дарсларини ўтиш бўйича янги усуллари ишлаб чиққан ва уни амалиётга жорий этган. У "Бошланғич таълимда миллий истиқлол муаммолари", "Дидактик ўйинлар воситаси орқали ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш", "Бошланғич таълимда экологик тарбия муаммолари" ўқув қўлланмалари ва 100 дан ортиқ илмий-услубий мақоалалар муаллифи.

Х.Зиядуллаев "Халқ таълими аълочиси", ҳозирда педагогика факультетида оқсоқоллар кенгаши раиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

*Х.Раббанақулов*

## ЗЛОЦКИЙ ГЕОРГИЙ ВЕНИАМИНОВИЧ



Злоцкий Георгий Вениаминович 1938 йил 20 июлда Украинанинг Кировоград шаҳрида туғилди. 1941 йилда Самарқандга кўчиб келди. 1952 йилда Самарқанд шаҳридаги ўрта мактабни, 1956 йилда Самарқанд Темирўл транспорти техникумини тамомлади. Шу йили Ленинград Темирўл транспорти инженерлари институтига ўқишга кирди ва 1959 йилда уни темир йўллардан фойдаланиш муҳандиси касби бўйича тугатди.

Г.Злоцкий институтни тамомлаб, Қозоғистон ва Тошкент темир йўли станцияларида бошлиқ лавозимларида ишлади. Арис станцияси, Самарқанд станцияси темир йўл тармоғи, Самарқанд тери заводида ишлади.



1964 йилда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда СамДУнинг механика-математика факультетини тугатди. 1965 йилдан бошлаб университетда олий математика фанидан дарс берди. 1966 йилдан инженер-техника факультети олий математика кафедрасида ассистент бўлиб ишлай бошлади.

Г.Злоцкий 1966-1968 йилларда инженер-техника факультети партбюроси котиби этиб сайланди. 1968-1970 йилларда математика ўқитиш назарияси ва методикаси мутахассислиги бўйича Москвада Педагогика ФА «Таълим мазмуни ва методлари» илмий-тадқиқот институти аспирантурасида таҳсил олди ва шу ерда педагогика фанлари номзоди илмий даражаси бўйича диссертация ёқлади. Яна Самарқандга қайтиб, амалий математика ва механика-математика факультетларида ассистент, доцент, кафедра мудири лавозимларида ишлади.

Г.Злоцкий 2001 йилда «Университет талаба математикларида касбий-педагогик фаолиятга тайёргарликни шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ҳозир эҳтимоллар назарияси ва математик статистика кафедраси профессори бўлиб ишламоқда. У кўплаб илмий ишлар, иккита монография ва университетлар талабалари, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари ўқитувчи ва ўқувчилари учун олтига ўқув қўлланмаси ёзган.

Г.Злоцкий «Меҳнат фахрийси» медали, кўплаб фахрий ёрликлар билан тақдирланган.

*К.Останов*

## ИБАДОВ РУСТАМ МУСТАФОЕВИЧ



Ибадов Рустам Мустафоевич 1947 йили Қашқадарё вилояти, Дехқонобод туманида туғилган. 1970 йилда Озарбайжон давлат университетини тугатиб, 1970-1973 йилларда Самарқанд давлат университетининг назарий ва математик физика йўналиши соҳасидаги аспирантурасида таҳсил олган. Фаолиятини 1973 йилда назарий физика кафедрасида ассистентликдан бошлаб, шу кафедрада катта ўқитувчи, доцент, мудар ва ядро физикаси кафедрасида доцент, кафедра мудири бўлиб

ишлаган. 1994 йилдан буён назарий физика ва информатика кафедрасида мудири лавозимида ишлаб келмоқда. 1975 йилда номзодлик ва 1994 йилда «Ўта юқори энергияларда янги универсал масштаби квант майдонлар назарияси» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Р.Ибадов ҳозирги вақтда Дубна шаҳридаги Бирлашган ядро илмий-таълим институти директори – академик В.Г.Кадышевский ҳамкорлигида ушбу мавзунини ривожлантириб, ёруғлик тезлиги, Планк ва гравитацион доимийлари қаторида «фундаментал масъала» катталиги табиатда мавжуд деган гипотеза асосида янги квант майдонлар назариясини яратмоқда. Ушбу илмий ишлари учун 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар маркази фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

Р.Ибадов 1990-1995 йилларда Самарқанд шаҳар Кенгаши депутаты этиб сайланган. У талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва университет моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишига, физика факультетида компьютерлар паркни ривожлантириш, назарий ва тажрибавий физика жараёنларини автоматлаштириш ва моделлаштирилишга ҳисса қўшиб келмоқда.

Р.Ибадов ўз илмий-педагогик фаолияти давомида бакалавр ҳамда магистр талабалар учун 6 та ўқув қўлланма, халқаро ва республика илмий анжуманларида чиқиш қилиб, 70 га яқин мақола чоп этган.

*О.Қувондиқов*

## ИСАЕВ ҲАМИД ҲОЖИ



Исаев Ҳамид Ҳожи 1926 йилнинг 10 майида Нурота туманининг Қўштамғали қишлоғида туғилган.

Ҳ.Исаев 1943 йилдан Чинмас қишлоғидаги мактабнинг бошланғич синфларида ўқитувчилик қилган ва ёшлар ташкилотининг котиби этиб сайланган.

1942 йилда Тамбов вилояти колхозчиларининг фронтга ёрдам ташкил қилиш тўғрисидаги ташаббусидан ўрнак олиб, хўжалик ёшларидан маблағ тўплашда фаол қатнашган.

Х.Исаев 1946 йилда Самарқанддаги ўқитувчилар тайёрлаш институти тарих факультетининг I курси талабаси бўлди. 1948 йилдан Самарқанд давлат университети тарих факультетида ўқишни давом эттирди ва 1951 йилда тугатди. Шу даврдан бошлаб, Самарқанд Педагогика институтида қисқа муддат ишлади, кейин ТошДУда ижтимоий фанлардан ўқитувчилар тайёрлаш бир йиллик курсига юборилди. Курсни тугатиб, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида иш бошлади.

Х.Исаев 1962 йилда Москва давлат университетида номзодлик диссертациясини ёклаган. 100 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп мақолалар, 10 га яқин монография ва рисоалар муаллифи.

Меҳнатда кўрсатган алоҳида хизматлари учун «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишони, «1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушида шавкатли меҳнати учун» ва «Шуҳрат» медали билан мукофотланган.

Х.Исаев 1996-1997 йилларда ҳаж сафарида бўлган.

*М.Жўрақулов*

### ИСМОИЛОВ ЗАФАР ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ



Исмоилов Зафар Файзуллаевич 1955 йил 19 апрелда Самарқанд шаҳрида зиёли оиласида туғилган. 1972 йилда шаҳардаги 3-ўрта мактабни битирган. 1972-1977 йилларда Самарқанд давлат университети-нинг биология факультетида таҳсил олган.

З.Исмоилов 1977-1983 йилларда Москва Умумий генетика институтининг тадқиқот-чиси, аспиранти ва 1991-1994 йилларда докторанти бўлган. 1983-1991 йилларда СамДУ илмий лабораторияларида илмий ходим, 1995-2000 йилларда университетдаги «Биометод» илмий текшириш лабораториясининг катта илмий ходими ва мудир лавозимида фаолият кўрсатган.

З.Исмоилов 1997 йилдан генетика ва биотехнология кафедрасининг профессори лавозимида ишлаб келмоқда. 2002-2003 йилларда ушбу кафедранинг мудир вазифасини бажарган.

З.Исмоиловнинг илмий тадқиқот ва ўқув-услубий ишлари 100 дан ортиқ. Улар Ўзбекистон Республикаси, МДХ ва чет элларда chop этилган. 1983 йилда номзодлик ва 1996 йилда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

1997 йилдан ЎзФА Микробиология институти қошидаги Иккинчи даражасли докторлик илмий кенгаши аъзоси, «Устоз» фармацияси совриндори. АҚШ да хизмат сафарида бўлган.

1977 йилда З.Исмоилов ЎзФА нинг ёш олимлар, аспирантлар ва талабалар мукофоти совриндори бўлган. 1996 йилда ўсимликларни ҳимоя қилиш учун ишлаб чиққан энзимлик тоза биопрепарати учун Москва жанубий маъмурий округи илмий техника мукофоти ва дипломи билан таъдирланган.

*Ж.Лаханов*

### ИСРОИЛОВ ИСМОИЛ



Исроилов Исмоил 1941 йилда Жиззах вилояти Фориш туманида туғилган. 1958-1963 йилларда Самарқанд давлат университети механика-математика факультетига ўқиган. 1963 йилда СамДУ умумий математика кафедраси ассистенти лавозимида илмий-педагогик фаолиятини бошлаган. 1965-1968 йилларда Озарбайжон давлат университети аспирантурасида таҳсил олган.

И.Исроилов 1968 йилдан бошлаб Самарқанд давлат университетда ассистент, катта ўқитувчи, доцент, 1980-1987 йилларда кафедра мудирини лавозимида фаолият кўрсатди. 1994-1996 йилларда механика-математика факультети декани, 1998-1999 йилларда университет иқтидорли талабалар билан ишлаш маркази бошлиғи, 1992-2002 йилларда ўқув-услубий бўлим бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатди. 2002 йилдан буён СамДУ Илмий кутубхонаси бош директори лавозимида ишлаб келмоқда.

И.Исроиловнинг сайёҳ-ҳаракатлари узлуксиз таълимни ўқув адабиётлари билан таъминлаш ишида ўз натижаларини бермоқда. Жумладан, у Р.Ғабасов, Ф.М. Кирилловларнинг университетлар талабалари учун мўлжалланган «Оптималлаштириш усуллари» дарслигини ўзбек тилига таржима қилди ва

нашрдан чиқарди. Унинг умумтаълим мактаблари учун икки қисмдан иборат «Геометрия», академик лицейлар учун «Геометриядан масалалар тўплами» ўқув кўлланмалари ҳам республика нашриётларида чоп этилган ҳамда 2002 йилда Республика «Устоз» жамғармасининг «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» танловида фахрли биринчи ўринга сазовор бўлган. У «Фан» нашриётида 1990-1993 йилларда нашр этилган иккита монография муаллифи.

И.Исроиловнинг илмий-педагогик, жамоатчилик фаолияти ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У олий таълим соҳасидаги «Аъло хизматлари учун», «Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими аълочиси» кўкрак нишонлари билан мукофотланган, 2000 йилда «Университетда хизмат кўрсатган доцент» унвонига сазовор бўлган.

*А.Фозиев*

### ЙЎЛДОШЕВ МУСА



Йўлдошев Муса 1946 йилда Самарқанд вилояти Иштихон тумани Митан кўрғончасида зиёли-хизматчи оиласида таваллуд топди. Шу ерда 1962 йилда 45-мактабни тугатгач, меҳнат фаолиятини автомобил ҳайдовчилигидан бошлади.

М.Йўлдошев 1963 йилда Самарқанд давлат университети чет тиллар факультетига ўқишга қабул қилинди. 1968 йилда ўқишни тугатгач, ассистент лавозимида ишга олиб қолинди. 1970-1973 йилларда Украинанинг Львов университетида классик филология кафедрасида латин тили бўйича қайта тайёрлаш курсини битирди.

М.Йўлдошев 1973-1974 йилларда ҳарбий хизматни ўтаб, СамДУ да ўқитувчилик фаолиятини давом эттирди. 1981 йилда ҳуқуқшунослик факультетини битирди ва шу факультет талабаларига «Латин тили», «Рим фуқаролик ҳуқуқи» курсларидан дарс бера бошлади.

М.Йўлдошев 1986 йилда «Изҳорли гап синонимлари» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. У 160 дан зиёд илмий, илмий-методик мақолалар, латин тили фани

бу ишда олин таълим ўқув юртлири талабаларига мўлжалланган 3 та дарслик, 7 та ўқув қўлланма муаллифи.

М.Иўлдошев 1999 йилда Жанубий Қозоғистон давлат университети профессори унвонига, 2003 йилда «СамДУда хизмат кўрсатган доцент» унвонига сазовор бўлган.

М.Иўлдошев СамДУда француз ва лотин тиллари кафедрасини ташкил қилишга катта ҳиссаси қўшган. 1994 йилдан ушбу кафедра мудирини ва профессори лавозимларида ишлаб келмоқда. Айни пайтда, университет махсус сиртки бўлимининг мудирини ҳамдир.

М.Иўлдошев кенг қамровда жамоат ишларини бажариб келмоқда. 1986-2001 йилларда СамДУ қасаба уюшмаси бўлимининг раиси лавозимида ишлади.

Хукуматимиз унинг хизматларини муносиб тақдирлаб, «Халқ таълими аълочиси», «Меҳнатдаги аъло хизматлари учун» ишончлари билан мукофотлаган.

*Р.К. Юсупов*

## ҚАБУЛОВА АДОЛАТ ДЖАББОРОВНА



Қабулова Адолат Джаббаровна 1941 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. У Самарқанд давлат университети биология факультетини 1964 йилда тугатиб, органик кимё факультетида ўқитувчи бўлиб ишлай бошлаган. 1965-1968 йилларда юқори ўсимликлар систематикаси кафедраси аспиранти бўлган.

А.Қабулова 1969 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, 1969-1974 йилларда Педагогика институтининг биология кафедрасида катта ўқитувчилик лавозимида ишлай бошлади. 1974-1976 йилларда у биология кафедраси доценти, 1976-1981 йилларда шу кафедра мудирини лавозимида фаолият кўрсатди.

А.Қабулова 70 дан ортиқ илмий ва илмий-методик ишлар, «Ўсимликлар систематикаси» ўқув қўлланмаси муаллифи.

А.Қабулова 1981 йилдан педагогика факультетида доцент лавозимида ишлаб келмоқда. Узоқ йиллар давомида факультетда хотин-қизлар кенгашининг аъзоси ва раиси, шаҳар ва вилоят хотин-қизлар кенгашларининг котиби ва аъзоси каби жамоат ишларини бажарган. 1972-1974 йилларда шаҳар

Кенгаши депутатлигига сайланган. У «Халқ маориф аълочиси» унвони, «Меҳнат ветерани» медали, «Таълим фидойиси» нишони билан мукофотланган.

*Х.Зиёдуллаев*

### ЛУКАШЕНКО РАИСА ЕФИМОВНА



Лукашенко Раиса Ефимовна 1927 йилда Саратов вилоятининг Свердлов районига қарашли Тамовна қишлоғида туғилган. Тўлиқсиз ўрта мактабни тугатгач, Саратовдаги кутубхоначилик техникумига ўқишга кирган ва 1951 йилда битирган.

Р.Лукашенко 1952 йилда Самарқандга келиб, Педагогика институти кутубхонасида катта кутубхоначи лавозимида иш бошлайди. Мазкур институтнинг филология факультети кечки бўлимида ўқишни ҳам давом эттиради. 1958 йилда ЎзГУ қошидаги Педагогика институтини тугатган.

1955 йилда Педагогика институтининг университетга қўшилиши муносабати билан университет фундаментал кутубхонасида катта кутубхоначи бўлиб ишлаган, 1957 йилда каталоглар тузиш ва китоблар фонди бўлимининг бошлиғи вазифасига ўтказилган.

Р.Лукашенко хизматлари учун «Меҳнат фахрийси», «Фидокорона меҳнати учун» медаллари билан тақдирланган.

*И.Исроилов*

### МАЛИНОВСКИЙ ЕВГЕНИЙ АНДРЕЕВИЧ



Малиновский Евгений Андреевич 1938 йили Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. Унинг 1939 йилдан кейинги хаёги Самарқанд шаҳри билан боғлиқ. 1955 йилда 37-ўрта мактабни битириб, СамДУ рус филологияси факультетига ўқишга кирди ва 1960 йилда битирди. Ўша йили Самарқанд туманидаги мактабда рус тили ўқитувчиси бўлиб ишлади. Кейинчалик СамДУ рус филологияси факультетига ишга кириб, 1961-1964 йилларда

миллий гуруҳлар учун рус тили кафедрасида, 1964-1984 йилларда рус ва умумтилшунослик кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1987-1996 йилларда рус тили кафедрасининг мудирини, узоқ йиллар рус филологиясида декан ёрдамчиси, 1994-1996 йилларда рус филологияси декани вазифасида ишлади. 1997 йилдан рус ва умумтилшунослик кафедрасининг профессори сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Е.Малиновский 1971 йили «Сергей Есенин асарларида тургун бирикмалар» мавзuida номзодлик, 1995 йилда «Рус фразеологик ва фразеографик назариясининг шаклланиши» мавзuida докторлик диссертацияларини ёқлади. Е.Малиновский «Ўзирги замон рус тили (лексикология, фразеология)», «Рус адабий тили тарихи», «Тилшуносликка кириш» каби фанлардан, «Рус тилининг фразеологик услубияти», «Фразеологиянинг тилшунослик фани сифатида шаклланиши» каби махсус курслардан маърузалар ўқиб келмоқда.

Е.Малиновский ҳозирги замон рус тилидан малака ошириш факультетида узоқ йиллар дарс берган ва шу факультетга бир неча йил деканлик қилган.

Е.Малиновский 1 та монография, 4 та методик қўлланма, 100 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп мақолалар муаллифи. Уларнинг баъзилари Польша, Германия каби мамлакатларнинг илмий журналларида нашр қилинган. Фразеология бўйича олиб борган тадқиқотлари натижалари Москва ва Санкт-Петербург университетларида махсус курс сифатида ўқитилади.

*Р.А.Ряснянская*

## МАМИРОВ УЛУҒБЕК ЭШИМОВИЧ



Мамиров Улуғбек Эшимович 1941 йилда Самарқанд (ҳозирги Жиззах) вилоятининг Ғаллаорол туманидаги Кичиксой қишлоғида туғилган. 1960 йилда 21-ўрта мактабни битириб, Ўзбекистон давлат университети (ҳозирги СамДУ) нинг физика-математика факультетига ўқишга кирди. Мазкур факультетни 1965 йилда тугатгандан кейин Ғаллаорол туманидаги 39-ўрта мактабда ўқитувчи ҳамда илмий бўлим мудирини бўлиб ишлади.



У.Мамиров 1965-1966 йилларда армия сафида хизмат қилиб, яна СамДУ математик анализ кафедрасида ассистент лавозимида иш бошлади.

У.Мамиров 1967-1968 йилларда тадқиқотчиликни, 1969-1972 йилларда аспирантурани ўтади ва 1973 йилда «Дискрет вақтни Марков занжири учун кучайтирилган катта сонлар қонуни ва такрорий лагорифм қонуни» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

У.Мамиров 1974 йилдан СамДУнинг математик анализ кафедрасида ассистент, 1974-1978 йилларда катта ўқитувчи, 1978 йилдан доцент, 1985-2001 йилларда математик анализ кафедрасида мудир лавозимида ишлади. 2001 йилдан шу кафедра доценти. Айти пайтда, Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек номидаги 1-физика-математика лицейида ёшларга таълим бериб келмоқда. Математик анализ, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, майдон ва эҳтимоллар назариясининг тадбиқлари, метрик фазодаги сустр яқинлашиш ва уларнинг тадбиқи махсус курсларидан юқори савияда маърузалар ўқимокда.

У.Мамиров 50 га яқин илмий мақолалар ҳамда «Математик анализ», «Математик анализнинг танланган боблари» номли маърузалар матни ва (ҳаммуаллиф Файзуллаева Б.) механика мутахассислиги сиртқи бўлим талабаларига мўлжалланган «Математик анализ I» номли методик қўлланмалар муаллифи. 1973, 1977, 1981, 1985, 1986, 2003 йилларда Вильнюс, Тошкент, Москва шаҳарларида бўлиб ўтган «Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика»га бағишланган халқаро илмий анжуманларида маърузалар қилган.

У.Мамиров факультет халқ назорати қўмитаси раиси гуруҳ раҳбари, Самарқанд шаҳар сайлов комиссиясининг раиси каби жамоатчилик вазифаларини ҳам бажарган.

*А.Фозиев*

## МАТВИЕНКО АНАТОЛИЙ МИХАЙЛОВИЧ



Матвиенко Анатолий Михайлович 1941 йил 22 январда Украинанинг Львов шаҳрида туғилди. У 1957 йилда Самарқанд давлат университетининг физика-математика факультетига ўқишга кирди ва уни 1962 йилда тамомлади. Кейинги икки йилда Тошкентда ЎзФА нинг Ядро физикаси ва Физика-техника институтларида ишлади.

А.Матвиенко 1964 йилда СамДУ механика-математика факультетининг умумий математика кафедраси ассистенти бўлиб ишлай бошлади. Бир вақтнинг ўзида университет қошида Ернинг сунъий йўлдошларини кузатиш станцияси бошлиғи бўлиб фаолият кўрсатди.

А.Матвиенко 1970-1973 йилларда СамДУ аспирантурасида таҳсил олди, 1973 йилда «Бир жинсли ва полиномиал дифференциал системаларнинг баъзи масалалари» мавзuida номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1976 йилдан ҳозиргача СамДУ механика-математика факультетининг назарий механика кафедраси катта ўқитувчиси, доценти лавозимларида ишлаб келмоқда. У механика-математика, физика ва информатика ва информацион технологиялар факультетларида «Назарий механика», «Харакат турғунлиги назарияси», «Механика асослари» фанлари бўйича махсус курслар, «Аналитик геометрия», «Астрономия ва табиатшуносликнинг қўшимча боблари» каби фанлардан маъруза ва амалий машғулотлар ўтиб келмоқда.

А.Матвиенко 10 йилдан ортиқ факультетнинг илмий ишлар бўйича декан муовини вазифасини бажарган. Кўплаб халқаро, республика ва ҳудудий илмий анжуманлар қатнашчиси. У мамлакатимиз ва хориж нашрларида чоп этилган 40 дан зиёд илмий ишлар муаллифидир.

*А.К.Мамаюсупов*

## МАТКАРИМОВ ЎКТАМ



Маткаримов Ўктам 1933 йилда Хоразм вилояти Хазорасп туманидаги Мухапмон қишлоғида хизматчи оиласида туғилган. 1949 йилда ўрта мактабни тамомлагач, Ўзбекистон давлат университети (ҳозирги СамДУ) биология-тупроқшунослик факультетининг тупроқшунослик бўлимига ўқишга кирди. 1954 йилда ўқини тугатиб, Хоразм вилояти комплекс зонал тажриба станциясида ишлади. Иш давомида «Фосфорли ўғитларнинг турли шакллари ўтлоқ тигидаги тупроқларга ҳар хил микродорларда синаб кўриш ва уларнинг гўза ҳосилдорлигига таъсири» мавзусида илмий тадқиқот ишлари олиб борди ва 1957 йилда ҳаммуаллифликда «Хоразмнинг илғор колхозини» номли рисола ёзди.

Ў.Маткаримов 1958 йилда ЎзФА Тупроқшунослик ва агрохимё институтига аспирантурага кириб, ўқини Украина қишлоқ хўжалиги фанлари академиясида давом эттирди.

1961 йилда аспирантурадан тугатиб, Хоразм вилояти қишлоқ хўжалик тажриба станциясида катта илмий ходим бўлиб ишлади. 1962 йилдан СамДУнинг биология факультетига ишга таклиф этилиб, ассистент, катта ўқитувчи вазифаларида фаолият кўрсатди. 1965 йилда «Ўзбекистон бўз тупроқларида калий элементининг захиралари, тақсимланиши ва ҳаракатчанлиги» мавзусида диссертация ҳимоя қилиб, биология фанлари номзоди илмий даражасини олди. 1966-1968 йилларда университетнинг география факультетини ишлади, 1969 йилда доцент лавозимига сайланди, 1980 йилдан биология факультети генетика кафедраси қошидаги лаборатория бошлиғи бўлди, 1987-1997 йилларда ўсимликлар физиологияси ва микробиологияси кафедрасида ишлади.

Ў.Маткаримов 1997 йилдан университетдаги тупроқшунослик ва экология факультетига, бир йил тупроқшунослик ва агрохимё кафедрасига раҳбарлик қилди ва ҳозиргача шу кафедра доценти лавозимида ишлаб келмоқда.

Ў.Маткаримов иш давомида тупроқшунослик, деҳқончилик, агрохимё, мелиорация, табиатни муҳофаза қилиш фанларидан маъруза, лаборатория ва амалий машғулотлар олиб борди,

Ҳисмликлар физиологияси фанидан амалиётни бошқарди ва лаборатория машғулотларини бажариш учун услубий қўлланмалар ёзди.

Ў.Маткаримов «Тупроқларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши туфайли ифлосланиши ва унинг оқибатлари олдини олиш» мавзuida илмий тадқиқотлар олиб бориб, натижаларини илмий тўпламларда чоп эттирди. У биология ва география факультетларида жамоатчилик ишларида фаол қатнашди. Факультет партия ташкилоти котиби, халқ назорати қўмитаси раиси вазифаларини бажарди.

Ў.Маткаримовнинг хизматлари муносиб тақдирланиб, «Меҳнат ветерани» нишони билан тақдирланган, вилоят, шаҳар ва туман фахрий ёрликлари билан мукофотланган.

*Ж. Лаханов*

## МАҲМУДОВ БАҲРОМ МАҲМУДОВИЧ



Маҳмудов Баҳром Маҳмудович 1937 йил 10 мартда Самарқанд шаҳрида туғилган. 1962 йилда СамДУ физика факультетини тугатган. 1962-1965 йилларда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва механизациялаш илмий тадқиқот институтида илмий ходим, лаборатория раҳбари лавозимларида ишлаган.

Б.Маҳмудов 1965-1970 йилларда МГУда тадқиқотчи ва аспирантурани ўтаган. 1970 йилда номзодлик, 1987 йилда докторлик диссертацияларини ёқлаган. 1970 йилдан СамДУ да ассистент, катта ўқитувчи, доцент, профессор лавозимларида ишлади. Мутахассислик ва умумий физика курсларидан маърузалар ўқиди.

Б.Маҳмудов раҳбарлигида биринчи бўлиб физика факультетига МГУ билан хўжалик шартномалари тузилди ва космик нурлар физикаси янги илмий йўналиши ва лабораторияси ташкил қилинди.

Б.Маҳмудов ташаббуси билан 1982 йилда Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан космик нурлар физикаси муаммолар лабораторияси очилди. Халқаро станциялар таркибидан салмоқли ўрин эгаллаган «ШАЛ», «Нейтрон супермонитор» улкан илмий қурилмалар ишга туширилди. Бу

қурилмаларда олинган илмий натижалар Б.Маҳмудов томонидан Германия, Болгария, Польша, Франция, Япония, Ҳиндистон, Туркия, АҚШ, Канада, Италия, Англия, Австралия каби мамлакатларда ўтказилган 30 дан ортиқ халқаро конференцияларда эълон қилинди ва мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Унинг раҳбарлигида космос физикаси ва астрофизика муаммоларига бағишлаб Самарқандда 1975-2002 йиллар давомида 6 та халқаро конференция ўтказилди.

Б.Маҳмудов 2 та монография, 25 та ўқув-услубий ва 220 та илмий ишлар муаллифи. У 2 марта Сорос мукофотининг ҳамда халқ хўжалиги ютуқлар кўрғазмасининг олтин медали совриндори бўлган.

Б.Маҳмудов хизматлари туфайли тайёрланган мутахассис кадрлар, яратилган моддий-техника базаси ва улкан илмий қурилмалар асосида 1988 йилда Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик юбилеи муносабати билан космос физикаси ва астрофизика кафедраси очилди.

Б.Маҳмудов университет эксперт комиссиясининг раиси, университет ўқув-услубий кенгаши, факультет илмий кенгаши ҳамда космос физикаси ва астрофизика халқаро илмий кенгашларининг аъзоси ҳамдир.

*Ш.М.Мавлонов*

### МУКАШЕВА РОЗА РАШИДОВНА



Мукашева Роза Рашидовна 1929 йил 31 январда Жанубий Қозоғистоннинг Янгийўл кўрғонида туғилган.

Р.Мукашева 1952 йилда СамДУнинг тарих факультетини имтиёзли битириб, ўқитувчи бўлиб ишлади. 1961 йилдан ИТУнинг қадимги тарих кафедраси қошида аспирантурани ўтаган. 1968 йилда «Қадимги Ўрта Осиё халқларининг тарихий манбалар асосида ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти» мавзuida номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Р.Мукашева 1956 йилда СамДУнинг тарих факультетига ишга келди. Унинг «Тарихий хронология», «Қадимги дунё маданияти», «Ўрта Осиё халқларининг қадимги маданияти ва

уларнинг жаҳон цивилизациясига кўшган ҳиссаси», «Жаҳон цивилизацияси тарихи» сингари рисолаларидан махсус курсларни ўқитишда фойдаланиб келинмоқда. У қадимги дунё тарихини ўқитиш бўйича ҳам кўплаб методик қўлланмалар ёзган.

Р.Мукашева 1975-1985 йилларда археология кафедрасининг мудирлиги лавозимида ишлади, кафедра фаолиятини янада яқшилади, унинг чет эллар билан алоқасини ривожлантирди.

Р.Р.Мукашева ҳукуратимиз ва университет фахрий ёрликлари билан мукофотланган.

*А.Ульянова*

## МУРОДОВ СУБҲОН ОЧИЛОВИЧ



Муродов Субҳон Очилович 1935 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. У 1955 йилда 10-ўрта мактабни тамомлаган. 1956 йилда Тошкент давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) шарқ факультети эрон-афғон бўлимига ўқишга кирган, 1960-1961 йилларда Афғонистонда таржимон бўлиб ишлаган.

С.Муродов 1962 йилда университетни тугатгач, шу таълим даргоҳининг эрон-афғон кафедрасида форс тилидан ўқитувчилик қилган ҳамда факультет декани муовини вазифасини бажарган.

С.Муродов 1963-1967 ва 1977-1979 йилларда яна Афғонистонда таржимонлик қилган. Афғонистонда ўтган 7 йил мобайнида мамлакатнинг собиқ ҳукмдори Зоҳиршоҳ, бош вазир ва президенти лавозимларида бўлган Муҳаммад Довуд, ҳукумат бош вазирлари Муҳаммад Юсуф, Муҳаммад Ҳошим ва ўша даврлардаги кўплаб йирик давлат ва сиёсий арбоблари ҳузурида хизмат вазифасини адо этган.

С.Муродов 1967-1992 йилларда Самарқанд давлат педагогика институти тожик тили кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, 1981-1992 йилларда шу кафедра мудир лавозимларида ишлади.

С.Муродов 1992 йилдан Самарқанд давлат университетига ишга ўтиб, хорижий шарқ тиллари кафедрасида доцент, 1993-

1998 йилларда кафедра мудири вазифаларида фаолият кўрсатди.

С.Муродов 1984 йилда «Чехов асарларининг форс тилига таржима қилиниши» мавзuida номзодлик диссертациясини химоя қилди.

С.Муродов чоп эттирган илмий мақола, рисола ва ўқув кўлланмаларининг сони 50 га яқин. Уларнинг кўпчилиги Афғонистон, Тожикистон ва Озарбайжон республикаларида нашр қилинган. Улар орасида «Традиции А.П.Чехов ва современной прогрессивной литературе Ирана», «Переводы произведений А.П.Чехова на персидский язык», «Произведения А.П.Чехова в Иране», «Русско-иранские литературные связи» номли асарлари форс-тожик тилшунослигини ўрганишдаги ақуаллиги билан қадрланади.

С.Муродов 1979-2003 йилларда Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улугбек номли маҳалла оқсоқоли вазифасида ишлади. У кўп йиллик самарали меҳнати учун «Меҳнат фаҳрийси» медали ва Афғонистон ҳукуматининг кўплаб совғалари, хусусан, Зоҳиршоҳнинг махсус афғон гилами, бир қатор кўкрак нишонлари билан тақдирланган. Шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган таълим фидойисидир.

*Р.Юсунов*

## МУҚИМОВ ЗИЁДУЛЛА



Муқимов Зиёдулла 1942 йилнинг 10 майида Каттакўргон туманининг Орзи Маҳмудов жамоа хўжалигида колхозчи хонадонида туғилди. Унинг ҳаёти ва педагогик фаолияти Самарқанд Давлат университети ҳуқуқшунослик факультетининг ташкил топиш тарихи ва фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон Миллий университети юридик факультетининг ўқитувчиси бўлиб ишлаётган З.Муқимов республика олий таълим йўлланмаси билан ўша вақтда СамДУ тарих факультети қошида очилган ҳуқуқшунослик бўлимига ишга ўтказилди.

З.Муқимов 1978 йилда «Ўзбекистон давлат назорати органларининг давлат аппаратини такомиллаштириш


борасидаги фаолияти (1924-1928)» мавзуида номзодлик диссертациясини ёклади, СамДУда ўқитувчи, факультет партия ташкилотининг котиби, декан ўринбосари, кафедра мудирини ва декан лавозимларида фаолият кўрсатди. Профессор даражасигача бўлган йўлни босиб ўтиб, 45 йиллик меҳнат фаолиятининг 33 йилини бўлажак ҳуқуқшунос мутахассисларга таълим ва тарбия бериш ишларига бағишлади. Талабаларга ўзбек ва рус тилларида «Давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда тарихи» фанидан дарс берди. Кўплаб услубий тавсиялар, ўқув қўлланмалари, маърузалар матни ҳамда дарсликлар яратди.

З.Муқимов уч марта (1980, 1989, 1996) ҳуқуқшунослик факультети декани вазифасига тайинланган. У 6 та монография, 7 та ўқув қўлланмаси, 2 та маърузалар матни, 3 та дарслик ва 160 дан ортиқ турли илмий ва оммабоп ишлар муаллифи. З.Муқимов 1998 йилда «Ўзбекистон ҳуқуқининг асосий тарихий манбалари (VIII-XIX)» мавзуида юридик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлаб, Республикамиз ҳуқуқшунослик фанида янги йўналиш – ҳуқуқий манбашуносликка асос солди.

З.Муқимов қаламига мансуб «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи» (2003), «Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи» каби дарсликларидан бугунги кунда республикамизнинг барча юридик олий ўқув юртларида фойдаланилмоқда.

*М.Қўлдошев*

## МУМИНОВ ТОЛИБ МУСАЕВИЧ



Мўминов Толиб Мусаевич 1943 йил 11 январда Самарқанд шаҳрида зиёлилар оиласида таваллуд топган. 1960 йилда Самарқанд шаҳридаги 37-ўрта мактабни тамомлаб, шу йил Самарқанд давлат университети физика факультетида ўқишни давом эттирган ва 1965 йилда тамомлаган.

Т.Мўминовнинг илмий тадқиқотчилик ва аспирантлик фаолияти 1965-1970 йилларда Москва вилояти Дубна шаҳридаги Бирлашган ядро тадқиқотлари институти (БЯТИ) ядро муаммолари лабораториясида (ЯМЛ) ўтди.



Т.Мўминов 1970-1979 йилларда СамДУ ядро физикаси кафедраси катта илмий ходими, катта ўқитувчиси ва СамДУ нинг БЯТИ да ишлаётган гуруҳларига илмий раҳбари вазифаларида ишлади. 1979-1981 йилларда ТошДУ ядро физикаси ва космик нурлар кафедраси муаммолар лабораторияси мудири сифатида фаолият кўрсатди. 1981-1987 йилларда янги ташкил этилган ТошДУ Амалий физика илмий текшириш институти (АФИТИ) директори, 1987-1992 йиллар лаборатория мудири лавозимида фаолият кўрсатган.

1982 йилда Самарқандда АФИТИ филиалининг қурилишида бош-қош бўлган. 1992-1995 йилларда СамДУ ректори бўлиб фаолият кўрсатган, 1995 йилдан ҳозиргача Ўзбекистон Миллий университети қошидаги АФИТИ директори лавозимида ишлаб келмоқда.

Т.Мўминов талабалик йилларида Дубна шаҳридаги БЯТИ да ядро уйғонган ҳолатлари яшаш вақтлари нано, субнано-секундлар оралиғида бўлганда ядро уйғонган ҳолатларини юқори аниқликда ўлчай оладиган магнитоспектро-метр ва ядро нурланишларининг вақтли ва фазовий корреляцияларини ўлчайдиган қурилмалар яратди. Кейинчалик унинг раҳбарлигида қисқа яшовчи ядроларнинг хусусиятларини комплекс ўрганиш ва уларнинг қонуниятларини яратиш мақсадида кўплаб қурилмалар яратилди ва бу қурилмаларда бетта-турғун ядролардан четланган кучсиз деформацияланган ядролар ўрганилди ва муҳим илмий хулосалар чиқарилди. Бу ядроларнинг квант хусусиятлари ва уларнинг таъсирлашув қонуниятлари аниқланди.

Т.Мўминов 1970 йилда физика-математика фанлари бўйича номзодлик ва 1979 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Унинг илмий ишлари натижаларини мамлакатимиз олий ўқув юртлари ядро физикасига оид ўқув дарсликларига киритиш тавсия қилинган.

Т.Мўминов 150 дан ортиқ илмий мақола, 2 монография, 5 авторлик гувоҳномаси муаллифи. У мунтазам равишда Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университети талабаларига ядро физикаси курсидан маърузалар ўқиб келмоқда. Талабалар, магистрант ва аспирантлар учун ядро физикаси курсидан ўқув кўлланмалари ва маъруза матнлар чоп этмоқда.

Т.Мўминов 25 йилдан буён ядро спектроскопияси ва ядро таркиби бўйича ўтказиладиган Халқаро илмий конференциялар

ташкилий кўмита аъзоси, айрим конференциялар ташкилотчисидир. 1981-1988 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидаги физика фани бўйича илмий услубий кенгаш раиси бўлган. 1995 йилдан ядро физикаси бўйича Евроосиё конференция ташкилий кўмита аъзоси, 1992 йилдан Дубнадаги БЯТИ илмий кенгаши аъзоси ва республикамизнинг БЯТИ га қатнашувчи мамлакатлар кўмитасида фавқуллодда мухтор вакили, ЎзФА Ядро физикаси институти қошидаги докторлик диссертацияси ҳимоясига Ихтисослашган кенгаш аъзоси, 1996-2001 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги ОАКнинг физика бўйича эксперт кенгаши раиси.

Т.Мўминовнинг фан соҳасидаги хизматлари ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланган. 1977 йилда Беруний номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган, 2003 йилда «Меҳнат шўхрати» ордени билан тақдирланган. У БЯТИ нинг фахрий доктори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги ва профессордир.

*Ш.Х.Хушмуродов*

### НАЗАРОВ КАРИМ МАҲМУДОВИЧ



Назаров Карим Маҳмудович 1937 йил 10 июнда Самарқанд вилояти Каттақўрғон (собиқ Қорадарё) туманининг Қиёт қишлоғида таваллуд топган. 1954 йилда ўрта мактабни тугатиб, Тошкент юридик институтида, кейинчалик ТошДУ нинг юридик факультетида таҳсил олган. 1959 йилда ЎзФА нинг Фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий ходимлигига қабул қилинди ва шу даргоҳда 1978 йил сентябрига қадар фаолият кўрсатди. Кичик илмий ходим, катта илмий ходим, институтнинг илмий котиби, докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимояси бўйича Ихтисослашган кенгашнинг илмий котиби, Фалсафа ва ҳуқуқ институти конкрет социологик тадқиқотлар бўлимнинг муdiri лавозимларида ишлади.

К.Назаров 1965 йилда «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятида қонунийлик» мавзусидаги номзодлик

диссертациясини ҳимоя қилди. Шу даврдан бошлаб у ЎзФА да унумли илмий фаолият олиб борди, илмий ишларида Ўзбекистоннинг конституциявий ривожланиши, давлат бошқарувини такомиллаштириш каби долзарб масалаларни тадқиқ этди. Бу ишларнинг якуни сифатида «Ўзбекистонда саноатни бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари» номли монографиясини эълон қилди, «Ҳозирги шароитда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари», «Ҳаётимиз қонуни», «Конституция ва халқ хўжалигини бошқаришни ташкил қилиш», «Ўзбекистон давлат аппарати фаолиятининг принциплари» номли нашрларнинг асосий муаллафларидан бири сифатида иштирок этди, кўплаб илмий мақолалар ва рисоалар чоп қилди.

К.Назаров 1978 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг дастлабки лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича гуруҳ аъзоси сифатида фаолият кўрсатган.

К.Назаров Фалсафа ва ҳуқуқ институтида илмий тадқиқотлар олиб бориш билан бир вақтда Тошкент Олий милиция мактаби (ҳозирги ИИВ нинг Академияси) ва ТошДУ нинг юридик факультетида ўриндошлик асосида ёшларга таълим берди.

К.Назаровнинг 1978 йилдан кейинги фаолияти СамДУнинг юридик факультети билан боғлиқ. У узок йиллар давомида шу факультетда кафедра мудири, декан лавозимларида ишлади. 2001 йилдан буён доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

К.Назаров 10 дан ортик ўқув қўлланмалари, маърузалар матнлари, услубий ишланмалар ва кўплаб мақолалар муаллифи. Улар орасида «Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида давлат ва ҳуқуқ назариясининг ривожлантирилиши» китоби алоҳида ўрин тутади.

К.Назаров «Мустақилликнинг 10 йиллиги» кўкрак нишони, қатор фахрий ёрликлар билан тақдирланган ва унга «Самарқанд давлат университетида хизмат кўрсатган доцент» унвони берилган.

*Х.Маматов*

## НАСРУЛЛАЕВ ДАВРОН



Насруллаев Даврон 1930 йилда Самарқанд вилояти Челак туманидаги Қўштепа қишлоғида таваллуд топган. 1948-1952 йилларда Самарқанд шаҳридаги Мичурин номли мева-сабзавотчилик техникумида, 1955-1960 йилларда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида таҳсил олган. Д.Насруллаев 1964-1967 йилларда Ўзбекистонда ўсимликларни ҳимоялаш илмий тадқиқот институтида аспирантурани ўтаб, 1969 йилда «Ўза

зараркунандаларига қарши уйғунлашган тизимда ҳимоялаш» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Д.Насруллаев 1967 йилдан университетда ишлаб, ўсимликларни интеграл ҳимоя қилиш тизимига асос солди, у ишлаб чиққан биологик кураш усули Марказий Осиё, Россия ва Кавказ Орти мамлакатларида жорий қилинди. Бу хизматлари учун унга 1996 йилда Халқаро ва Марказий Осиё Академияларининг экология бўйича мухбир аъзоси дипломи берилди.

Д.Насруллаев кўп йиллардан буён талабаларга “Умуртқасиз ҳайвонлар зоологияси”, «Табиат муҳофазаси» фанларидан дарс бериб келмоқда.

Д.Насруллаев 50 га яқин илмий, илмий-оммабоп мақолалар, 3 та услубий қўлланма, 2 та китоб чоп этган, «Ўсимликлар ва ҳайвонлар талқиний экология лугати», «Умумий экология» асарлари, 3 та муаллифлик гувоҳномаси муаллифи.

Д.Насруллаев 1973-1982 йилларда Самарқанд вилояти Ўсимликларни ҳимоялаш станциясининг раҳбари, 1985-1988 йилларда Пайариқ пахтачилик савхозининг директори, 1988 йилда вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» бирлашмаси раиси лавозимларида ишлаган. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда илмий-амалий тадқиқотлар олиб борган. Ўза баргини тўқишда «Бутифос» препаратини қўллашдан воз кечиш гашаббускорларидан бири бўлган.

Д.Насруллаевнинг хизматлари ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени, «Шавкатли меҳнати учун» медали ва кўплаб фахрий ёрликлар ҳамда дипломлар билан тақдирланган.

Д.Насруллаев 2000 йилдан вилоят ҳокимининг қишлоқ хўжалиги ишлари бўйича маслаҳатчиси. Университет қошидаги «Ўсимликларни уйғунлашган тизимда ҳимоялаш» муаммоли лабораториясининг илмий раҳбари лавозимида ишлаб келмоқда.

*Ж.Хўжаев*

## НЕЪМАТОВ ИСОҚЖОН



Неъматов Исоқжон 1951 йил 8 апрелида Самарқанд вилояти Ургут туманидаги Кенагас қишлоғида туғилган. 1967 йилда 37-ўрта мактабни тугатиб, жамоа хўжалигида ишлаган. 1969 йилда Ўзбекистон Миллий университетининг фалсафа бўлимига ўқишга кирган. 1974 йилдан Тошкент давлат маданият институтида ўқитувчилик қилган.

И.Неъматов 1976-1979 йилларда Москва давлат университети диалектика тарихи ва назарияси кафедрасида илмий тадқиқот олиб борди. 1985 йилда «Тараққиётнинг тизимийлиги муаммоси» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

И.Неъматов 1980 йилдан Самарқанд давлат университети факультетлараро фалсафа кафедрасида катта ўқитувчи, 1987 йилдан доцент, 2004 йилдан буён миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари кафедраси мудири вазифасида ишлаб келмоқда. Айти пайтда, у университет иқтидорли талабалари «Билим ва амал» клубининг раҳбари, университет ўқув-услубий кенгашининг аъзоси, кафедра ўқув-услубий кенгаши, ижтимоий-сиёсий фанлар факультети ўқув-услубий кенгаши раиси.

И.Неъматов 4 та рисола ва 50 га яқин илмий мақолалар муаллифи. «Тараққиёт фалсафаси ва синергетика» мавзуида докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда.

И.Неъматов ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам фаол. У 1993-2000 йилларда Ургут тумани «Ватан тараққиёти» партиясининг биринчи котиби бўлган, 2000 йилдан «Фидокорлар» миллий демократик партиясининг котибидир.

И.Неъматовга 1997 йилда вилоят халқ таълими бошқармасининг «Шарафли зиёкор» нишони берилган. 1998

йилда «Академик Воҳид Абдуллев» нишони билан мукофотланган.

*И.Кўшоқов*

## НОРМУРОДОВ ХОЛМЎМИН



Нормуродов Холмўмин 1946 йилнинг 16 декабрида Самарқанд вилояти Пастдаргом туманидаги Илм кишлоғида таваллуд топди. 1955-1965 йилларда 11-ўрта мактабда ўқиди. 1967-1972 йилларда Самарқанд давлат университети биология факультетида таълим олди. Ўқишни битиргач, 1978 йилгача Самарқанд давлат педагогика институти сиртқи бўлимда услубчи ва ўқув-услубий бўлим бошлиғи вазифасида ишлади.

Х.Нормуродов 1977-1980 йилларда СамДУ аспирантурасида ўқиди ва 1981 йили «Биоэкологические особенности лагохилуса кштутского и лагохилуса зарафшанского в связи с введением его в культуру» мавзуйда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1986 йилгача ботаника кафедрасида катта лаборант ва илмий ходим, 1986 йилдан кафедра ассистенти, 1988-1990 йилларда катта ўқитувчи, 1991 йилдан доцент лавозимларида ишлади. 1997 йилдан шу кафедранинг мудири сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Х.Нормуродов «Ўсимликлар морфологияси ва анатомияси», «Тубан ўсимликлар систематикаси», «Ўсимликлар экологияси» каби фанлардан маъруза ва амалий дарсларни замон талаблари даражасида ўтиб келмоқда. Ана шу йилларда 80 га яқин илмий мақола чоп эттирди.

Х.Нормуродов «Ўсимликлар анатомияси ва морфологияси», «Тубан ўсимликлар» каби дарсликлар, 3 та монография ва 4 та ўқув-услубий қўлланмалар муаллифи. Унинг раҳбарлигида ҳозирда «Биология ценных лекарственных редких и эндемичных видов растений флоры Узбекистана и их охрана» мавзуйда давлат гранти бўйича илмий иш олиб борилмоқда.

Х.Нормуродов 1998 йилда "Халқ маорифи аълочиси" кўкрак нишони билан мукофотланган.

*Д.Насруллаев*

## НУРИМОВ ТОШТЕМИР



Нуримов Тоштемир 1945 йилда Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги Тепакул қишлоғида туғилган. 1967 йилда СамДУнинг механика-математика факультетини битиргач, математик анализ кафедрасига ишга қўлиришган. 1969-1971 йилларда аспирантурада таҳсил олган ва 1974 йилда «Баъзи бир кўп ўлгарувчи интеграл тенгсизликлар ва уларнинг интеграл тенгламалари ечимларини ўрганишга тadbиклари» мавзuida номзодлик диссертациясини ёклаган.

Т.Нуримов 1972 йилдан СамДПИ олий математика кафедрасида ишлади, 1978-1992 йилларда шу кафедра мудури сифатида фаолият кўрсатди.

Т.Нуримов ўз фаолияти давомида интеграл тенгламалар ва тенгсизликлар йўналиши билан бир қаторда деформацияланувчи қаттиқ жисмлар механикаси йўналишида ҳам қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борди ва уни ўқув жараёнига қўллаш мақсадида учта ўқув қўлланма, битта монография ва ўндан ортиқ услубий қўлланмалар яратди. Олим 80 дан ортиқ илмий мақола ва алоҳида нашрлар муаллифи.

Т.Нуримов 1994 йилдан механика-математика факультетидан, 2000 йилдан табиий фанлар кафедрасида профессор ва педагогика факультетидан илмий тадқиқот ишлари бўйича декан муовини вазифасида ишлаб келмоқда. У университетда профессор-ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлигини, интернет тармоқларида ишлаш малакаларини оширишни ташкил қилиш, дарсларни янги педагогик технологиялар асосида олиб бориш, дарсларда мультимедия ва бошқа техник воситаларни қўллаш каби қатор замонавий усулларни жорий этишнинг ташкилотчиларидан биридир.

**Х.Зиёдуллаев**

## НУРМУҲАМЕДОВ АБДУРАҲМОН



Нурмухамедов Абдурахмон 1940 йилда Самарқанд вилояти Иштихон тумани Тўқсоновул қишлоғида таваллуд топган. 1963 йилда Самарқанд давлат университети чет тиллар факультетининг немис тили бўлимини тугатиб, фаолиятини немис филологияси кафедрасида бошлади. У 1970 йилда тадқиқотчиликка ўтказилди ва Санкт-Петербург шаҳрига ўқишга юборилди.

А.Нурмухамедов аспирантурани тугатиб, 1977 йилда «Немис ва ўзбек тилларида бошланғич ҳаракатнинг ифодаланиши» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва фаолиятини яна СамДУда давом эттирди, немис тили тарихи, назарий грамматикаси, фонетикаси, лексикологияси ва чет тилларни ўқитиш методикаси каби фанлардан талабаларга маърузалар ўқиди.

А.Нурмухамедов 1982 йилдан доцент, 1996-1997 йилларда университетда ташкил этилган чет тиллар кафедралари маркази бошлиғи, 1980-1985, 1997-2003 йилларда факультетлараро немис тили кафедрасининг мудири вазифаларида фаолият кўрсатди.

А.Нурмухамедов немис, рус, ўзбек тиллари грамматикаси ва чет тилларни ўқитиш методикасининг долзарб муаммоларига оид 100 дан зиёд илмий, илмий-оммабоп мақолалар, «Немисча-русча-ўзбекча ҳуқуқшунослик атамалари луғати», «Немис тили фонетикаси», «Немис тили» ўқув қўлланмалари муаллифи.

А.Нурмухамедов фаол жамоатчи ҳамдир. 1970, 1980-йилларда чет тиллар факультети касаба уюшмасининг раиси, 1990 йилдан чет тиллар кафедралари касаба уюшмасининг раиси ҳамда университет касаба уюшмаси қўмитасининг аъзоси. Ижтимоий ва жамоат ишларидаги самарали фаолияти учун «Ўзбекистон республикаси халқ таълими аълочиси» нишони билан тақдирланган.

*Б.Турсунов*



## ОМОНОВ ШАВКАТ



Омонов Шавкат 1946 йил 3 декабрда Қашқадарё вилояти Яқкабоғ туманидаги Қишлоқ қишлоғида хизматчи оиласида таваллуд топди. 1963 йилда ўрта мактабни тугатиб, шу йили Самарқанд давлат университети физика факультетига ўқишга кирди. 1968 йилда университетни тугатди ва ядро физикаси кафедрасига ишга қолдирилди.

Ш.Омонов 1971 йилда Германияда армия сафида хизматда бўлди. 1972-1979 йилларда Дубна шаҳридаги Бирлашган ядро тадқиқотлари институтида илмий-тадқиқот ишлари олиб борди. 1979 йилда «Ўтиш областида жойлашган  $^{145}\text{Sm}$ ,  $^{147}\text{Sm}$ ,  $^{149}\text{Sm}$  ва  $^{147}\text{Eu}$ ,  $^{149}\text{Eu}$ ,  $^{151}\text{Eu}$  ядроларнинг асосий ва уйғонган ҳолатларини ўрганиш» мавзuida номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ш.Омонов 1979 йилда ядро физикаси кафедрасида ассистент, 1980 йилдан доцент лавозимида ишлаб келмоқда. 1979-1980 йилларда физика факультетиде спорт бўйича декан ўринбосари, 1980-1985 йилларда кечки бўлимида, 1985 йилда кундузги бўлимида декан ўринбосари, 1986-1994 йилларда факультет декани лавозимларида ишлаган.

Ш.Омонов ҳозирги кунда талабаларга ва малака ошириш факультети тинловчиларига «Атом физикаси», «Атом ядроси ва элементар зарралар физикаси», «Ядровий спектроскопия», «Ядровий нурланишларнинг моддалар билан ўзаро таъсири», «Ядровий нурланишларни қайд қилувчи яримўтказгичли детекторлар», «Радиоактив нуклидлар физикаси», «Радиоактив изотопларнинг халқ хўжалигида қўлланилиши» курсларидан маърузалар ўқиб келмоқда.

Ш.Омонов 170 дан зиёд илмий мақолалар муаллифи. Улар республика ва хорижий давлатларнинг (АҚШ, Россия, Германия, Польша, Болгария) нуфузли журналларида чоп этилган. У 30 га яқин маъруза курслари, ўқув-услубий кўрсатмалар ва ўқув қўлланмалари муаллифи ҳамдир.

Ш.Омонов олий таълим тизимидаги хизматлари учун «Олий таълим аълоҳиси» нишони, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, вилоят, туман, университет фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

*Ш.Х.Хушмуродов*

## ОРЗИБЕКОВ РАҲМОНҚУЛ



Орзибеков Раҳмонқул 1931 йилда Қирғизистон республикаси Жалолобод вилоятининг Бекобод қишлоғида туғилган. Уруш йилларида жамоа хўжалигида ҳисобчи, хўжалик бошқарувида котиб, бош ҳисобчи ёрдамчиси вазифаларида ишлади. Р.Орзибеков 1951 йилда СамДУга ўқишга кирди. 1959 йилда ўзбек адабиёти кафедраси аспиранти бўлди. 1961 йилдан ҳозиргача СамДУ ўзбек адабиёти тарихи кафедрасининг ўқитувчиси, катта ўқитувчиси, доценти, профессори лавозимларида ишлаб келмоқда. 1963 йилда «Шавқий Каттақўрғоний ва унинг адабий муҳити» мавзуида номзодлик, 1983 йилда «Ўзбек лирик поэзияси жанрларининг поэтикаси ва тараққиёт йўли» мавзуида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. 2000 йилда унга «СамДУда хизмат кўрсатган профессор» унвони берилган.

Р.Орзибеков XX асрнинг 60-йилларида бошлаб ўзбек адабиётшунослигида кам тадқиқ этилган мавзуга кўл уриб, ўзбек мумтоз шеърлятидаги лирика навлари назарияси, поэтикаси, қиёсий таҳлили ҳамда тараққиёт тарихини ўрганди. Тадқиқотлар натижаси ўлароқ марказий нашрларда «Лирикада кичик жанрлар», «Ўзбек лирик шеърлятида ғазал ва мусаммат» монографиялари чоп этилди.

Р.Орзибеков Алишер Навоий адабий меросини таҳлил этиш, тарғиб ва таъшиқ қилиш ишларига ҳам ҳисса қўшган олимдир. Унинг 20 дан ортиқ илмий мақолалари ана шу мавзуга бағишланган. Унинг Шавқий Каттақўрғоний, Хўжаназар Хувайдо, ўзбек халқ қиссалари ҳақидаги адабий портрет ва мақолалари беш томлик «Ўзбек адабиёти тарихи» фундаментал тадқиқот мажмуига киритилган. Қатор мақолалари «Ўзбек қомуси»да, туркологларнинг Тошкент, Ашхобод ҳамда Бишкек шаҳарларида ўтказилган анжуманлари материалларида, «Навоий ва адабий таъсир масалалари», «Жомий ва ўзбек адабиёти» илмий тўпламларида ва бошқа МДХ давлатлари ҳамда марказий шаҳарларда чиққан илмий тўплам ва журналларда эълон қилинган.

Р.Орзибековнинг 50 га яқин илмий мақолалари республика журналларида чоп этилган. Олимнинг «Ўзбек шеърлятида сирли-синкретик жанрлар», «Ҳозирги ўзбек шеърлятида анъанавий жанрлар» асарлари, ўзбек шеърляти жанрларига бағишланган иккита ўқув қўлланмаси, «Шеърлий санъатлар таҳлили» китоблари олий филологик таълим жараёнини истиқлол даври талаблари даражасида ташкил этишда муҳим илмий манба ва қўлланмалар сифатида хизмат қилмоқда. XIX аср ўзбек адабиёти тарихига доир уч китобдан иборат ўқув қўлланмалари ва маъруза матнлари ҳам магистр талабалар ўқув дастурлари асосида яратилган.

Р.Орзибеков бир неча йил университет ўзбек филологияси факультети илмий кенгашининг котиби, университет таҳрир-нашриёт бўлимининг мудирини, кафедра мудирини, факультет ўқув-методик кенгашининг раисини, факультет декани муовинини бўлиб ишлади.

У Ватан ва халқ олдидаги хизматлари учун «Улуғ Ватан уруши йилларидаги фидокорона меҳнати учун» нишони, «Шавкатли меҳнати учун», «Меҳнат ветерани», «Шухрат», «Ғалабининг 50 йиллиги» медаллари билан тақдирланган.

*А. Худойбердиев*

## ОРТИҚОВ АКМАЛ РАББИМОВИЧ



Ортиқов Акмал Раббимович 1935 йил 17 февралда Душанбе шаҳрида туғилган. Санкт-Петербург университетини битиргандан кейин 1958 йилдан ЎзДУ (ҳозирги СамДУ)да ассистент, доцент, профессор лавозимларида ишлаб келмоқда. 1995 йилда «СамДУнинг фахрий профессори» унвонига сазовор бўлган. 40 йилдан зиёд педагогик фаолияти давомида «Оддий дифференциал тенгламалар», «Математик физика», «Аналитик ва дифференциал геометрия» фанларидан маърузалар ўқиб, илмий-педагогик жамоатчиликнинг хурматиға сазовор бўлган.

А.Ортиқов 1967 йилда «Исследование окрестности особой точки в целом в трехмерном пространстве» мавзуида номзодлик, 1984 йилда Киев шаҳрида «Особенности решений

дифференциальных уравнений, определенных в вещественной области» мавзуида докторлик диссертацияларини ёклаган.

А.Ортиқов 60 дан зиёд илмий ишларнинг муаллифи, бир неча халқаро (Киев – 1981, Варна – 1984, Будапешт - 1987), бутуниттифок ва республика симпозиум ва конференциялари катнашчиси.

А.Ортиқов 1975 йилда СамДУ нинг математика факультети декани ва 1986 йилда физика факультети декани бўлди. 1987 йилдан то 1996 йилгача алгебра ва геометрия кафедрасида мудирлик лавозимида иш олиб борди.

*Д. Қаюмов*

### ОЧИЛОВ ДҶСАН



Очилов Дўсан 1937 йилнинг 11 августида Самарқанд вилояти Митан (ҳозирги Иштихон) туманидаги Кўл қишлоғида туғилган. 1956 йилларда ўрта мактабда ўқиган.

Д.Очилов 1956 йилда Ўзбекистон давлат университети (ҳозирги СамДУ)нинг физика-математика факультетига ўқишга кирди ва 1961 йилда тугатиб, дифференциал тенгламалар ва геометрия кафедрасида аввал катта лаборант, кейин ассистент бўлиб ишлади. 1964 йилда аспирантурага кирди ва уни Озарбайжон давлат университетига ўтади. 1968 йилда номзодлик диссертациясини химоя қилди. Шундан буён Самарқанд давлат университети дифференциал тенгламалар ва геометрия, дифференциал тенгламалар ва комплекс ўзгарувчилар, дифференциал ва математик физика тенгламалари кафедраларида катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Д.Очилов кўп йиллик педагогик фаолиятида дифференциал тенгламалар, комплекс ўзгарувчилар назарияси, математик анализ, математик физика тенгламалари ва математик физика методлари каби бир қатор фанлардан университетнинг математика, физика, амалий математика факультетлари талабаларига маърузалар, махсус курслар ўқиган, амалий машғулотларини олиб борган. Илмий ишлар билан шуғулланиб, оптимал бошқарувнинг кўп қиррали интегралларини текшириш, оддий дифференциал тенгламаларни текшириш ва

интеграл дифференциал тенгламаларни текшириш каби соҳалар бўйича 30 га яқин илмий мақолалар ёзди, 10 дан ошқ турли йўналишлардаги методик қўлланмалар ва маъруза матнлари нашр эттирди.

*А.Фозиев*

### ПАРДАЕВ ОРТИҚ ПАРДАЕВИЧ



Пардаев Ортиқ Пардаевич 1937 йил 30 июлда Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги Турк қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. У 1952 йилда қишлоғидаги етти йиллик мактабни, 1955 йилда Самарқанд шаҳридаги 10-ўрта мактабни тамомлади. Шу йили Самарқанд давлат университети физика-математика факультетига ўқишга кирди ва 1960 йилда уни тугатиб, назарий физика кафедраси ассистенти сифатида ишга қабул қилинди.

О.Пардаев 1963-1965 йилларда Қозон давлат университети аспирантурасида таҳсил олди ва яна СамДУда ўқитувчилик фаолиятини давом эттирди. 1974 йилда физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди.

О.Пардаев 1975-1994 йилларда назарий физика кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатди. 1999 йилда республикада магистратура таълимнинг жорий этилиши муносабати билан шу йўналиш бўйича университетда масъул этиб тайинланди.

О.Пардаевнинг илмий фаолияти яримўтказгичларнинг акустик хоссаларини назарий ўрганишга бағишланган. Унинг 50 дан ортиқ илмий мақолалари ва битта монографияси чет эл ва республикада чиқадиган илмий журналларда чоп этилган. У 10 дан ортиқ ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар муаллифи ҳамдир.

*А.Қувватов*

## РАҲМАТУЛЛАЕВ ОРЗИМУРОД



Раҳматуллаев Орзимурод 1943 йилда Навоий вилояти Нурота туманидаги Қодок қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. 1959 йилда ўрта мактабни тугатиб, Самарқанд давлат университети биология-география факультетининг география бўлимига ўқишга кирди ва 1964 йилда уни тамомлади. Шундан сўнг Нурота вилоятининг 15-мактабида ўқитувчилик қилди ва армия хизматини ўтади. 1966 йилда СамДУ география факультетига ассистентликка қабул қилиниб, Москва давлат университетига стажер-тадқиқотчиликка жўнатилди.

О.Раҳматуллаев 1968-1971 йилларда МДУ да аспирантурани ўтади ва 1977 йилда «Оқтоғ ландшафтлари, улардан рационал фойдаланиш ва муҳофаза қилиш» мавзuida номзодлик диссертациясини химоя қилди. Шу мавзуда 1991 йилда монографияси нашрдан чикди.

О.Раҳматуллаев 1985 йилда геоэкология ва табиий география кафедраси мудири лавозимига сайланди. 20 йилдан органик вақт давомида у кафедра мудири, факультет декани лавозимларида ишлаб келмоқда.

О.Раҳматуллаев 120 дан ортиқ илмий мақолалар ва рисоалар муаллифи. Бу рисоалар геоэкология, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, ландшафтлар динамикаси ва бошқа илмий йўналишларга бағишланган.

О.Раҳматуллаев ҳозирда «Ўзбекистон воҳа ландшафтларининг геоэкологик муаммолари» мавзuidaги докторлик диссертацияси бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда. 40 дан ортиқ илмий мақолаларнинг ярмидан кўпи чет эл ва республикаимизнинг нуфузли журналларида нашр этилган. Олим томонидан М.Умаров билан ҳаммуаллифликда чоп этилган «Умумий Ер билимидан амалий машғулотлар», «Умумий гидрология», «Метеорология ва иқлимшунослик» каби ўқув адабиётларидан республика олий ўқув юртларида фойдаланиб келинмоқда.

*Х.Жўрақулов*

## РАҲМАТУЛЛАЕВ МУСТАФО РАҲМАТУЛЛАЕВИЧ



Раҳматуллаев Мустафо Раҳматуллаевич 1944 йил 6 ноябрда Самарқанд вилояти Хатирчи туманидаги Хўжакул Эшон қишлоғида таваллуд топган. У дастлаб ўрта мактабни, 1972 йилда СамДУнинг тарих факультетини тамомлади. Педагогик фаолиятини эса 1970-1973 йилларда Самарқанд шаҳридаги ўрта касб-хунар билим юрти талабаларига сабоқ беришдан бошлади.

М.Раҳматуллаев 1973 йил университетга ишга таклиф қилинди. 30 йилдан кўпроқ давр давомида шу даргоҳда фаолият кўрсатиб келмоқда.

М.Раҳматуллаев СамДУ аспирантурасида таҳсил олгач, 1991 йилда «Ўзбекистоннинг маданий тараққиёти муаммолари тарихий адабиётларда (XX асрнинг 60-80-йиллари)» мавзuida номзодлик диссертациясини ёқлади. У 30 га яқин илмий ва илмий-оммабоп мақолалар муаллифи.

М.Раҳматуллаев талабаларга «Ўрта асрлар тарихи» ва «Энг янги замон тарихи» фанларидан сабоқ берди. Ҳозирда у «XX асрнинг иккинчи ярмида Шарқий Европа мамлакатларидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар», «XX аср охири – XXI аср бошларида Яқин Шарқ мамлакатларидаги сиёсий инқироз» фанларидан дарс бериб келмоқда. Магистрлар учун «ССЖИ: тоталитар тузумининг тарихий тажрибаси» мавзусидаги махсус ва танлов методик дастурига муаллифлик қилган.

М.Раҳматуллаев бир неча бор Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Самарқанд вилоят, шаҳар ва университет маъмуриятининг фахрий ёрликлари билан тақдирланган.

*М.З.Ортиқов*

## РУСТАМОВ ҲАСАН ШАРИПОВИЧ



Рустамов Ҳасан Шарипович 1947 йил 31 августда Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги Жумабозор кишлоғида таваллуд топди. 1964 йилда 29-ўрта мактабни тугатиб, шу йили Самарқанд давлат университетининг физика факультетига ўқишга кирди. 1969 йилда университетни тугатиб, физика факультетининг оптика кафедрасида лаборант лавозимида ишга олиб қолинди.

Ҳ.Рустамов 1970-1971 йилларда армия сафида хизмат қилди. 1972 йилда у Россия ФА Физика институти квант электроникаси лабораториясида стажёр-тадқиқотчи сифатида илмий изланишларини бошлади. 1974 йилда стажировкани тугатиб, шу институтнинг оптика лабораториясида аспирантурага кирди ва «Сегнето-электрик кристалларда иккинчи тартибли фаза ўзгаришларини ёруғликнинг комбинацион сочилиши ёрдамида ўрганиш» мавзусида илмий тадқиқот ишлари олиб борди. 1978 йилда шу институт қошидаги Ихтисослашган илмий кенгашда физика-математика фанлари номзоди даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди ва СамДУ физика факультети умумий физика кафедрасида ассистентлик лавозимида иш бошлади. У 1986 йилдан катта ўқитувчи, 1989 йилдан доцент лавозимида ишлаб келмоқда. 1986-1995 йилларда физика факультетининг кечки бўлими бўйича декан ўринбосари вазифасини бажарган.

Ҳ.Рустамов 20 дан ортиқ мақолалар муаллифи. Республика ва халқаро илмий анжуманларда маърузалар билан қатнашиб келмоқда. Унинг 2 та услубий ва 2 та ўқув қўлланмасидан дарс жараёнида фойдаланиб келинмоқда.

Ҳ.Рустамовнинг кўп йиллар давомида физика факультетига «Электр ва магнетизм», «Физикани ўқитиш услубияти» ва «Физика тарихи» фанларидан ўқиган маърузалари талабалар ва шу соҳа мутахассислари томонидан узвийлиги, кетма-кетлиги ва тизимийлиги билан эътироф этиб келинмоқда.

Ҳ.Рустамов раҳбарлигида 1993 йилда Тайлоқ туманидаги 29-ўрта мактабда Аҳрор Раҳимов номидаги «Кичик академия» ташкил этилди.



Ҳ.Рустамовнинг хизматлари университет ва факультет маъмурияти томонидан ижобий баҳоланиб, бир неча маротаба раҳматнома ва мукофотлар билан тақдирланган.

*Р. Ражабов*

## САИДОВ ИЛҲОМЖОН МУҲИДДИНОВИЧ



Саидов Илҳомжон Муҳиддинович 1953 йил 2 майда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келди. 1970 йилда Самарқанд шаҳридаги 27-мактабни битиргандан сўнг Самарқанд давлат университети тарих факультетига ўқишга кирди ва уни 1975 йилда тамомлади ҳамда фалсафа кафедрасига ассистент сифатида ишга олиб қолинди.

И.Саидов собиқ СССР тарихи (ҳозирги тарихшунослик ва манбашунослик) кафедраси қошидаги аспирантурани ўтаб, 1979 йилдан шу кафедрада ассистент бўлиб ишлай бошлади. 1980 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади ва тарих фанлари номзоди илмий даражасини олди.

И.Саидов 1984 йилдан шу кафедра доценти. 1992 йилда ЎзФА Тарих институти Ихтисослашган кенгашда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

И.Саидов 1992 йилдан университет маънавий-маърифий ишлар бўйича ректор ўринбосари лавозимида ишлади. 1996-1997 йилларда Евроосиё халқлари тарихи кафедраси профессори ва 1997 йилдан шу кафедра мудири, 1999 йилдан тарихшунослик ва манбашунослик кафедраси мудири лавозимларида ишлади.

И.Саидов 1997-1999 йилларда Самарқандда жойлашган ЮНЕСКО қошидаги Марказий Осиё Халқаро тадқиқотлар институтида ўриндош сифатида директор ўринбосари ва етакчи илмий ходим вазифасини бажарди. 2000-2003 йилларда Самарқанд давлат чет тиллар институти биринчи проректори вазифасини бажарди. Ҳозирги пайтда у тарихшунослик ва манбашунослик кафедрасида профессор лавозимида ишламоқда.

И.Саидов 20 дан ортиқ халқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуманлар иштирокчиси, 3 та монография, 10 дан

оргик ўқув кўлланма, бир қатор илмий ва илмий-оммабоп мақолалар муаллифи.

*Ш.С.Фаффоров*

### САТТОРОВ ФОТИХ ҲАЛИМОВИЧ



Сатторов Фотих Ҳалимович 1945 йилда Самарқанд вилояти, Самарқанд туманининг Боғимайдон қишлоғида таваллуд топди. 1962 йилда тумандаги 10-ўрта мактабни тугатгач, Самарқанд давлат университети механика-математика факультетига ўқишга кирди.

Ф.Сатторов 1967 йилда университетни тугатгач, механика-математика факультети назарий механика кафедрасида ишга қолдирилди. 1969 йилгача кафедра ассистенти сифатида ишлади.

Ф.Сатторов 1969 йилда Горький давлат университетига аввал стажировка, кейинчалик аспирантурани ўтади ва илмий тадқиқот ишлари олиб борди.

1974 йилда Ленинград давлат университети қошидаги Ихтисослашган кенгашида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1979 йилдан назарий механика кафедрасида доцент лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ф.Сатторов ҳозирги пайтда ўз соҳаси бўйича ўзбек, тожик ва рус гуруҳларига дарс бериб келмоқда. Унинг «Назарий механика», «Тебранишлар назарияси», «Устуворлик назарияси» фанларидан дарсликлари, ўқув ва услубий кўлланмалари чоп этилган.

*А.Мамаюсупов*

### САФИН МАРС ГАБУЛҲАКОВИЧ



Сафин Марс Габулхакович 1940 йил 20 апрелда Андижон вилояти Балиқчи тумани Чинобод қишлоғида ўқитувчи оиласида таваллуд топган. 1956 йилда 5-ўрта мактабни тугатган. 1956-1959 йилларда Ўрмонбек пахта тайёрлаш пунктида дизелист бўлиб ишлаган.

М.Сафин 1959 йилда Самарқанд давлат университетининг биология факультетига ўқишга кириб, уни 1964 йилда битирган.

Ўқишни битиргандан кейинги педагогик фаолияти давомида СамКХИ, Қоракўлчилик илмий текшириш институтути, СамДПИ ва СамДУ да меҳнат қилиб келмоқда.

М.Сафиннинг илмий изланишлари билан Ўзбекистон шароитида яйловларда боқиладиган қоракўл қўйларида учрайдиган мис микроэлементининг танқислиги ва ошиқчалиги билан боғлиқ бўлган касалликларнинг биокимёвий механизмлари очилган.

М.Сафин 1985 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Унинг 200 дан зиёд илмий ишлари чоп этиган. Улардан 60 га яқини илмий услубий ишлар, 12 таси дарслик, ўқув қўлланма ва услубий тавсияномалар ҳисобланади. Улар орасида Лейпциг, Берлин, Ирусалим, Истамбул, Қоҳира, Питсбург, Нью-Йорк, Оттава, Москва, Санкт-Петербург, Бишкек, Олмаота, Душанбе, Краснодар шаҳарларида ўтказилган йирик халқаро симпозиум ва анжуманларнинг материалларида чоп этилган мақолалари аҳамиятлидир.

М.Сафин 1996-2002 йилларда СамДУ ички инспекцияси бошлиғи сифатида фаолият кўрсатган. Ҳозирги кунда биология факультетида дарс бериш билан биргаликда университет мураббийлар кенгаши раиси сифатида ҳам хизмат килмоқда.

*М.Ўролов*

## СОЛЕЕВ АҲМАДЖОН СОЛЕЕВИЧ



Солеев Аҳмаджон Солеевич 1951 йил 1 июнда Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги Қўшқўприк қишлоғида педагог оиласида туғилган. 1958-1968 йилларда Самарқанд туманидаги 16-ўрта мактабда ўқиган.

А.Солеев 1968 йилда Самарқанд давлат университети механика-математика факультетига ўқишга кирди. 1973 йилда факультетни алгебра ва сонлар назарияси мутахассислиги бўйича тугатиб, Москва давлат университети аспирантурасида таҳсил олди. 1981 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди, сўнгра СамДУ алгебра ва сонлар назарияси кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлади.

А.Солеев 1991-1994 йилларда Россия Фанлар академияси Амалий математика институтида докторантурани ўтади. 1995 йилда физика-математика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди. 1996 йилдан СамДУ алгебра ва геометрия кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

А.Солеевнинг 120 дан ортиқ илмий ва илмий-услубий мақолалари республика, ҳамдўстлик мамлакатлари ва чет элларда чоп этилган. «Алгебра ва геометрия», «Сонлар назарияси» каби қатор дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалари дарс жараёнида кенг қўлланилмоқда.

А.Солеев раҳбарлигида 1996 йилдан «Компьютер алгебраси методларини алгебраик тенгламалар системасида қўллаш» мавзуда давлат гранти асосида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. 1986 йилги илмий ишлар тўплами учун ёш тадқиқотчилар давлат мукофоти билан тақдирланган. 1993-1994 ўқув йилида Торонта университетида (Канада) бир семестр магистрларга матруза ўқиган. 1996 йилда Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий анжуманни (ICSTM 96), 2000 йилда «Компьютер алгебраси» (CASC-2000) халқаро конференциясини ўтказишда ташкилий кўмита раиси ва раиси ўринбосари сифатида фаолият кўрсатган.

А.Солеев 1998 йилдан Самарқанд давлат университети ўқув ишлари проректори лавозимида ишламоқда. Шу билан биргаликда у «Истеъдод» жамғармаси Самарқанд бўлимининг ижрочи директори вазифасини ҳам бажариб келмоқда.

*С.Каримов*

## СОЛИЕВ АЛИБЕК

Солиев Алибек 1932 йил 11 февралда Самарқанд вилояти (ҳозирги Жиззах вилояти) Фориш туманида деҳқон оиласида дунёга келган. 1951 йилда тумандаги 1-ўрта мактабни тугатган.

А.Солиев 1951-1952 йилларда шу мактабда, 1952-1953 ўқув йилида Фориш тумани Гараша қишлоғидаги 18-етти йиллик мактабда математика фанидан дарс берган.



А.Солиев 1953-1958 йилларда Ўзбекистон давлат университети (ҳозирги СамДУ) физика-математика факультетини математика ихтисослиги бўйича тугаллаган. 1958-1960 йилларда университетнинг математик анализ кафедрасида ассистент лавозимида ишлаган. 1961-1964 йилларда дифференциал тенгламалар ва геометрия кафедрасида аспирантурани ўтаган. 1964-1964 йилларда математик анализ кафедрасида ассистент бўлиб ишлаган.

А.Солиев 1965-1969 йилларида Андижон педагогика институтида катта ўқитувчи ва факультет декани вазифаларида фаолият кўрсатган. 1969-1992 йилларда Самақанд давлат педагогика институтида олий математика кафедраси доценти, математика ва физика ўқитиш методикаси кафедрасининг мудири, педагогика ва бошланғич таълим факультетининг декани лавозимларида ишлаган. 1992-1996 йилларда СамДУ математик анализ кафедрасида доцент лавозимида ишлаган.

А.Солиев 20 дан ортиқ илмий ва илмий-методик мақолалар чоп этган. Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, меҳнат ветерани. У ҳозирги кунда нафақада.

*И.Исроилов*

### ТИЛЛАЕВА ХУРШЕДА



Тиллаева Хуршеда 1944 йилда Самақанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1961 йилда Самақанд шаҳридаги 10-ўрта мактабни, 1966 йилда Самақанд давлат университети физика-математика факультетини тугатган.

Х.Тиллаева 1966-1967 йилларда Самақанд тиббиёт институти радиология кафедрасида (ҳозирги ядро физикаси кафедраси) катта лаборант, 1970 йилдан кафедра ассистенти лавозимида ишлаган. 1971-1976 йилларда сиртки аспирантурада таҳсил олган.

Х.Тиллаеванинг илмий изланишлари «Доривор ўсимликларда стабил ва радиоактив элементларни аниқлашнинг ядро физикавий усуллари» мавзуга бағишланган. У илмий изланишлари натижалари асосида 1989 йилда ЎзФА Ядро физикаси илмий текшириш институти қошидаги Ихтисослашган кенгашида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Х.Тиллаева 70 дан ортиқ илмий маколалар ва ўндан ортиқ маъруза курслари, «Физикаи атом», «Физикаи ядро ва зарраҳои элементарии», «Физикадан практикум» ўқув-услубий қўлланмалари муаллифидир.

Х.Тиллаева 1990 йилдан бошлаб СамДУ физика факультети ядро физикаси кафедрасида катта ўқитувчи, доцент лавозимида ишлаб, умумий физиканинг «Атом физикаси», «Ядро ва элементлар зарралар физикаси» бўлимлари ва «Ядровий нурланишларнинг моддалар билан ўзаро таъсири» махсус фани бўйича талабаларга маъруза, амалий машғулот, лаборатория дарсларини ўтиб келмоқда. Айни пайтда, факультет хотин-қизлар кўмитаси раиси, кафедрада талабалар илмий жамияти раҳбари, гуруҳ раҳбари сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

*Ш.Х.Хушмуродов*

### ТОЛИБОВ НОРБОЙ МУРОДУЛЛАЕВИЧ



Толлибов Норбой Муродуллаевич 1948 йил 11 февралда Самарқанд вилояти Иштихон тумани Митан қишлоғида туғилган. 1962 йилда Митан қишлоғидаги 41-ўрта мактабнинг 7-синфини тугатган. 1961 йилда Тошкент давлат маданий оқартув техникумига ўқишга кириб, 1965 йилда тамомлаган. 1965 йилдан Митан кўрғонидаги 4-сон болалар интернатида тарбиячи ва музика раҳбари лавозимида

фаолият кўрсатган.

Н.Толлибов 1966 йилда Тошкент давлат педагогика институти музика-педагогика факультетига ўқишга кириб, уни 1970 йилда тугатди. Ўша йили йўлланма билан Самарқанд давлат педагогика институти педагогика факультети қошидаги музика ва ашула кафедрасига ишга келди.

Н.Толлибов 1970 йилдан музика ва ашула кафедрасида ўқитувчи, 1981 йилдан бошлаб музика педагогикаси факультети деканининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, 1985 йилдан музика ўқитиш методикаси кафедраси мудири вазифаларида иш олиб борди. 1990-1998 йилларда музика педагогикаси факультети декани вазифасида фаолият кўрсатди. 1998 йилдан ҳозиргача музика педагогикаси ва услубияти кафедрасида мудир лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Н.Толлибоев 1990 йилда «Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ўзбек халқ кўшиқлари орқали мусиқага ҳиссий-онгли муносабатини шакллантириш» мавзuida номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. У 20 дан ортиқ илмий мақолалар, методик тавсия ва қўлланмалар муаллифи.

*А.Эргашев*

## ТОШКЕНБОВ НЕЪМАТ ХОЛМУРОДОВИЧ



Тошкенбоев Неънат Холмуродович 1935 йилда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1958 йилда Самарқанд давлат университетининг тарих факультетини битирган, ўша йили Самарқанд вилояти ёшлар кўмитасига ишга қабул қилинган.

Н.Тошкенбоев 1963 йилда СамДУ тарих факультети умумий тарих кафедраси қошидаги аспирантурага кириб, уни Москва давлат университетида ўтади. Шундан сўнг Самарқанд Археология институти бўлим бошлиғи лавозимида тайинланди. У Самарқанд ҳудудида Археология институти ва Афросиёбдаги Шаҳар тарихи музейи бинолари қурилишини бошқарди.

1970-1978 йилларда Самарқанд тарихи (Афросиёб) музейида директорлик қилди. Шу даврда у Самарқанд палеолит оғрадининг раҳбари бўлди. Самарқанд вилояти ҳудудида тош асрига оид Кўтирбулоқ ва Зирабулоқ (ўрта палеолит) ёдгорликларида археологик илмий тадқиқотлар олиб борди ва 1977 йилда «Зарафшон воҳаси палеолити» мавзuida номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Н.Тошкенбоев 1978-1986 йилларда ЎзФА Археология институтида катта илмий ходим, 1986 йилдан ҳозиргача СамДУ Ўзбекистон халқлари тарихи, Ватан тарихи кафедрасининг ассистенти, айна пайтда, доценти, 1998 йилдан Ватан тарихи кафедрасининг мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Н.Тошкенбоев 70 дан ортиқ илмий, 100 дан зиёд илмий-оммабоп мақолалар, монографиялар, бир неча ўқув қўлланмалари муаллифи. «Зарафшон водийсининг қадимги тош даври маданияти», «Кўтирбулоқ манзилгоҳи», «Қадимги Чорвоқ» монографиялари шулар жумласидандир.

*Ш.С.Ғаффоров*

## ТОШКЕНБОВ УЛУҒБЕК НЕЪМАТОВИЧ



Тошкенбоев Улуғбек Неъматович 1963 йил 21 июнда Самарқанд шаҳрида туғилди. 1970-1980 йилларда Самарқанд давлат университетининг физика факультетида таҳсил олди. Меҳнат фаолиятини Тошкент давлат университети Амалий физика илмий текшириш институтининг Самарқанд филиалида бошлади. Аввал катта техник, кейин инженер лавозимларида ишлади.

У.Тошкенбоев 1987-1991 йилларда СамДУ оптика ва спектроскопия кафедраси муаммолар лабораториясида фаолият кўрсатди. 1988 йилда “Комбинацион сочилиш чизигининг кенглиги ва шакли, суюқлик ҳамда эритмаларда ориентацион ва тебранма релаксациялар динамикаси” мавзuida номзодлик диссертациясини химоя қилди.

У.Тошкенбоев 1992-1995 йилларда оптика ва спектроскопия кафедраси қошидаги муаммолар лабораториясида катта илмий ходим лавозимида илмий изланишларини давом эттирди. 1995 йилдан оптика ва спектроскопия кафедрасида ассистентлик лавозимида ишлади ва шу йилнинг ўзида кафедра қошидаги докторантурага қабул қилинди. У 1998 йилдан оптика ва спектроскопия кафедрасида доцент лавозимида ишлади.

У.Тошкенбоев 2000 йилда “Моддаларнинг конденсирланган фазасидаги молекулалараро ўзаро таъсирлар ва молекуляр релаксацион жараёнларни ёруғликнинг комбинацион сочилиш спектроскопияси ёрдамида тадқиқ қилиш” мавзuida докторлик диссертациясини химоя қилди.

У.Тошкенбоевнинг 100 га яқин илмий ишлари, оптика, лаборатория ишларини бажаришга доир ўқув қўлланмаларидан дарс жараёнларида фойдаланиб келинмоқда. Бир қатор халқаро илмий конференцияларда маърузалар билан қатнашган.

У.Тошкенбоев 2000-2003 йилларда университетда рейтинг маркази, информацион технологияларни тадқиқ қилиш ва ўқув диагностикаси маркази бошлиғи ҳамда оптика ва спектроскопия кафедраси профессори лавозимида, 2003 йилдан педагогика факультети декани вазифасида ишлади.



У.Тошкенбоев 2005 йилдан Гулистон давлат университети ректори сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

*Х. Хушвақтов*

## ТОШПЎЛАТОВ АҲМАДЖОН



Тошпўлатов Аҳмаджон 1938 йил 1 июнда Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманидаги Боғибаланд қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топган. 1947-1957 йилларда тумандаги 27-ўрта мактабда ўқиган.

А.Тошпўлатов 1957-1963 йилларда Самарқанд давлат университетининг тарих-география факультетида таълим олди ва университетни тугатиши билан университет ижтимоий фанлар кафедрасига ишга қабул қилинди. 1965-1968 йилларда иқтисодий география кафедрасида аспирантурани ўтади. 1968-1976 йилларда иқтисодий география кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлади. Талабаларга фан, маданият, ахлоқ ҳақида сабоқ берди.

А.Тошпўлатов 1976-1999 йилларда университет ишлаб-чиқариш амалиёти бўлими бошлиғи лавозимида ишлади. 1999 йилдан ҳозиргача университетнинг махсус бўлими бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

А.Тошпўлатов 1968-1976 йилларда география факультетида гуруҳ раҳбари, факультет касаба уюшмаси раиси вазифаларини бажарди. 1976 йилдан ҳозиргача университет ректорати ходимлари касаба уюшмасининг раиси ҳисобланади. 1999 йилдан бери университет моддий рағбарлантириш комиссияси раиси вазифасини бажариб келмоқда.

А.Тошпўлатов «Меҳнат фахрийси» медали, Олий таълим вазирлигининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

*А.Солеев*

## ТУРСУНОВ БЕРДИКУЛ



Турсунов Бердикул 1940 йил 25 февралда Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Бахшиойи кишлоғида таваллуд топди. 1962 йилда Самарқанд давлат университети чет тиллар факультетининг немис тили бўлимига кириб, уни 1967 йилда тамомлади ва немис тили кафедрасига ўқитувчилик лавозимида ишга қолдирилди.

Б.Турсунов 1970 йилда аспирантурага кирди. 1975 йилда собиқ Иттифок ФА Ленинград бўлимининг Тилшунослик институтида «Парцеллированные предложения в немецком и узбекском языках» мавзуида номзодлик, 1993 йилда Санкт-Петербург университетида «Присоединение – как особый тип синтаксической связи» мавзуида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилади.

Б.Турсунов 80 дан ортиқ илмий, илмий-методик ишлар муаллифи. 1999 йилда унга профессор унвони берилган.

Б.Турсунов СамДУда 1974-1980 йилларда кафедра мудири, 1980-1990 йилларда факультет бошланғич партия қўмитасининг котиби, 1993-1994 йилларда филологик марказ бошлиғининг ўқув ишлар бўйича ўринбосари, 1994-1997 йилларда немис тили грамматикаси ва тарихи кафедрасининг мудири, немис-француз филологияси факультети деканининг муовини, 1997-1999 йилларда чет тиллар факультети декани вазифаларида ишлаган. 1999-2000 йилларда Самарқанд давлат чет тиллар институтида биринчи проректор, 2000-2002 йилларда илмий ишлар проректори лавозимларида ишлаб келди. 2002 йилдан бошлаб СамДУ немис тили кафедраси профессори.

*А.Нурмухаммедов*

## ТУРСУНОВ ҚҶЧҚОР НОРҚУЛОВИЧ



Турсунов Қўчқор Норқулович 1945 йил 28 декабрда Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги Катта Найманча қишлоғида туғилган. 1964 йилда Жума шаҳридаги 21-ўрта мактабни тугатиб, Самарқанд давлат университетининг механика-математика факультетига ўқишга кирди ва уни 1969 йилда тугатиб, Самарқанд давлат педагогика институтига ишга юборилди.

Қ.Турсунов 1969-1970 йилларда физика ва математика фанларини ўқитиш методикаси кафедрасида лаборант, 1970-1972 йилларда ўқитувчи вазифасида фаолият кўрсатган. 1976 йилда мактабгача тарбия ва бошланғич таълим услубияти кафедрасида ўқитувчилик лавозимида ишлаш билан бирга, 2000 йилга қадар факультет деканининг ўқув ишлари бўйича муовини вазифасини ҳам бажарган.

Қ.Турсунов 1972-1973 йилларда Озарбайжон Миллий университетида «Интеграл ва дифференциал тенгламалар» соҳаси бўйича аспирантурада таҳсил олган. 1980 йилда «Интеграл ва дифференциал тенгламалар» мавзусида физика-математика фанлари бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1987 йилда бошланғич таълим методикаси йўналиши бўйича доцент унвонига сазовор бўлди. У 2000 йилдан бошлаб бошланғич таълим методикаси кафедрасига мудирлик қилиб келмоқда.

Қ.Турсунов 1989 йилда «Халқ таълими аълочиси» бўлган. Битта дарслик, 5 та ўқув-услубий қўлланма, 60 дан ортик илмий-услубий мақолалар муаллифи.

*Х.Раббанақулов*

## ТУХВАТУЛЛИН ФАРИД ХАЙРУЛЛОВИЧ



Тухватуллин Фарид Хайруллоевич 1936 йил 26 апрелда Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл шаҳрида туғилган. 1944-1954 йилларда Самарқанд шаҳридаги мактабларда таълим олди ва 1954 йилда Ўзбекистон давлат университети (ҳозирги СамДУ)нинг физика-математика факультетига ўқишга кириб, 1959 йилда тамомлади ва ЎзФА Физика-техника институтига ишга жўнатилди.

Ф.Тухватуллин 1959 йилда Санкт-Петербург университетининг молекуляр физика кафедраси аспирантурасига қабул қилинди. У Релейча сочилишнинг спектрал таркибини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишларини бажариб, 1965 йилда физика-математика фанлари бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади.

Ф.Тухватуллин 1962 йилдан бошлаб СамДУ физика факультетининг оптика ва спектроскопия кафедрасида дастлаб ассистент, катта ўқитувчи, сўнгра доцент лавозимларида ишлади. 1971-1978 йилларда физика факультети деканининг ўринбосари, 1980-1985 йилларда эса факультет декани вазифасида фаолият кўрсатди.

Ф.Тухватуллин изланишларини молекуляр оптика муаммовий илмий тадқиқот лабораториясида давом эттирди. Бу соҳадаги энг муҳим натижалар нуфузли чет эл ва маҳаллий журналларда чоп қилинди.

Ф.Тухватуллин 1990 йилда ЎзФАнинг Иссиқлик физикаси бўлимида докторлик диссертациясини ёқлади. У 1992 йилдан бошлаб оптика ва спектроскопия кафедрасининг профессори, 1995 йилдан шу кафедранинг мудирини лавозимида ишлаб келмоқда.

Ф.Тухватуллин илмий фаолияти давомида 170 дан ортиқ илмий мақолалар чоп қилиб, бир қатор халқаро илмий конференцияларда маърузалар билан қатнашган. Жумладан, 1987 йилда Польша ва 2001 йилда АҚШ да бўлиб ўтган конференцияларда иштирок этди.

Ф.Тухватуллин кўп йиллик илмий педагогик ва жамоат ишлари учун «СамДУ да хизмат кўрсатган профессор» фахрий унвонига эга бўлди, университет, Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлиги тамонидан бир қанча фахрий ёрликлар билан тақдирланди. У «Олий мактаб аълочилиси» нишондоридир.

*М.Қ. Қодиров*

## ТЎРАҚУЛОВ БЕҲЗОД



Тўрақулов Беҳзод 1947 йил 19 сентябрда Самарқанд туманининг Бухоро қишлоғида ўқитувчи оиласида туғилди. Шу тумандаги 1-ўрта мактабни тугатиб, 1966 йил СамДУ тарих факультетига ўқишга кирди ва 1970 йилда тамомлади.

Б.Тўрақулов 1972 йилда ҳарбий хизматни тугатиб, 1973 йилдан умумий тарих кафедрасида ассистент лавозимида ишлай бошлади. 1972-1977 йиллар давомида тарих ва чет тиллар факультети талабаларига Англия, Германия ва Франция тарихидан дарс берди. 1977 йилда Иттифоқ Фанлар академиясининг Умумий тарих институти аспирантурасига қабул қилинди ва 1983 йилда ўша ерда "Карл Либкнехтнинг инқилобий фаолиятида парламент ва парламентдан ташқари кураш услубларининг қўлланилиши" мавзuida номзодлик диссертациясини ёклади.

Б.Тўрақулов 1981 йилдан ҳозиргача СамДУ тарих факультетининг умумий тарих кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаб, талабаларга «Янги замон тарихи», «Дипломатия тарихи ва халқаро муносабатлар», «Сиёсий партиялар тарихи», «Тарихий атамашунослик», «Янги ва энг янги замон тарихи манбашунослиги» ва бошқа фанлардан сабоқ бериб келмоқда.

Б.Тўрақулов 1987-1988 йилларда факультет декани ўринбосари, 1988-1990 йилларда умумий тарих кафедрасининг мудири лавозимларида ишлади. 1987-1991 йиллар давомида 4 марта германистларнинг халқаро ва иттифоқ миқёсидаги илмий конференцияларида маърузалар қилди.

Б.Тўрақулов ўз фаолияти давомида талабалар учун 3 та асосий ва 4 та махсус курс бўйича маъруза матнлари тайёрлади, унинг чоп этилган илмий асарлари 20 дан ортиқ. Улар Москва, Днепропетровск, Екатеринбург, Челябинск, Воронеж, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида чоп этилган брошюралар, илмий мақолалар ва тезислардан иборат.

Булардан 1980 йилда Тошкентда нашр этилган "Карл Либкнехт – революцион парламентчи", 1981 йилда Москвада чоп этилган «Марокаш инқирози даврида Карл Либкнехтнинг герман империализмга қарши кураши», 1998 йилда Самарқандда нашр қилинган «Милитаризм ва урушга қарши» илмий ишлари диққатга сазовор.

Б.Тўрақулов 1973-1977 ва 1981-1986 йиллар давомида жисмоний тарбия бўйича декан ўринбосари бўлган.

*С.Шарипов*

## ТЎРАҚУЛОВ ҲАМИД



Тўрақулов Ҳамид 1942 йил 15 мартда Самарқанд вилояти Окдарё туманидаги Даҳбед кўрғонида туғилган, 1949-1959 йилларда ўрта мактабда ўқиган. 1960-1965 йилларда Самарқанд давлат университети-нинг физика факультетида таҳсил олган.

Х.Тўрақуловнинг меҳнат фаолияти 1958 йилда Самарқанд пахта тозалаш заводининг Даҳбед пахта қабул қилиш пунктида ишчиликдан бошланди. 1965 йилда ЎзФА Физика-техника институтида катта техник ва катта муҳандис лавозимларида ишлади. 1965-1966 йилларда армия сафида хизматда бўлди. 1968-1969 йилларда СамДУ оптика кафедраси қошидаги спектрал таҳлил лабораторияси мудири лавозимида, 1968-1969 йилларда СамДУ стажёр-тадқиқотчиси сифатида фаолият кўрсатди. 1969-1972 йилларда Озарбайжон ФА Физика илмий тадқиқот институтида аспирантурада таҳсил олди. 1973 йилда «Баъзи бир диалкелфталатларнинг тузилиши ва диэлектрик хусусиятлари» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Х.Тўрақулов 1972-1976 йилларда СамДУ физика факультети оптика кафедраси ассистенти, 1976-1981 йилларда катта ўқитувчиси, 1981 йилдан ҳозиргача оптика ва спектроскопия кафедраси доценти лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Х.Тўрақулов 1979-1985 йилларда физика факультети деканининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, 1985-1995 йилларда оптика ва спектроскопия кафедраси мудири ўринбосари сифатида иш олиб борди. У 1995-2001 йилларда

СамДУ қошида ташкил қилинган Республика олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш минтақавий маркази декани лавозимида ишлади.

Х.Туракулов физика факультети талабаларига «Оптика», «Атом спектроскопияси» фанларидан ўзбек, тожик ва рус тилларида маърузалар ўқиб келади. У 90 га яқин илмий мақола, ўқув ва услубий қўлланмалар муаллифи. Ҳаммуаллифликда яратилган «Геометрик оптика», «Оптикадан лаборатория ишларини бажаришга доир услубий кўрсатмалар», «Асосҳои оптика», «Физикадан масалалар ечишга доир ўқув қўлланмалар» каби ишлари талабалар учун асосий қўлланмалардан ҳисобланади.

*М.К.Қодиров*

### ТҶҲЛИЕВА ШАРОФАТ БЕКТОШЕВНА



Тўхлиева Шарофат Бектошевна 1954 йил 4 апрелда Тошкент шаҳрида туғилган. 1971 йил Андижон чет тиллар институтига ўқишга кирган ва 1976 йилда Тошкент давлат чет тиллар университетини инглиз ва француз тиллар мутахассислиги бўйича битирган. 1976 йилда Сирдарё вилояти Боёвут туманида педагогик фаолиятини бошлаган.

Ш.Тўхлиева 1981 йилда Самарқанд давлат университети аспирантурасига кирди. 1994 йилда «Инглиз тилида сўзлашув формулаларининг статистик-прагматик хусусиятлари» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. 1992 йилда «Онажоним – нури жаҳоним» номли хотира китобини нашр эттирди.

Ш.Тўхлиева 1985 йилдан СамДУ чет тиллар факультетининг инглиз тили кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, 1995 йилдан доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

Ш.Тўхлиева 1993 йилдан СамДУ хотин-қизлар кўмитасининг раиси сифатида катта жамоатчилик ишларини ҳам бажариб келмоқда. У 2000 йилда «Олий таълим аълоҳиси» нишонига сазовор бўлган. 2003 йилдан «Қўшма гап шаклидаги

тузилмаларнинг матн прагматикаси» мавзуида докторлик иши устида иш олиб бормоқда.

*М.Юлдашев*

## ХОЛИКУЛОВ АМРИДДИН БОБОБЕКОВИЧ



Холикулов Амриддин Бобобекович 1943 йилда Самарқанд вилояти Фориш тумани (ҳозирги Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани) Жарбулоқ қишлоғида таваллуд топди. 1959 йилда Пайариқ туманидаги 6-ўрта мактабни тугатиб, Самарқанд шаҳридаги Жисмоний тарбия педагогика билим юртига ўқишга кирди ва уни 1961 йилда тамомлади.

А.Холикулов 1961-1966 йилларда Самарқанд давлат университети физика факультетида таҳсил олди. 1968 йилдан СамДУ ядро физикаси кафедраси ассистенти лавозимида ишлади.

А.Холикулов 1969-1973 йилларда тадқиқотчилик ва аспирантлик фаолиятини Москвадаги Дубна Бирлашган ядро тадқиқотлари институтининг ядро муаммолари лабораториясида ўтади. У «Қисқа яшовчи ноёб ер элементларининг уйғонган ҳолатлари квант хусусиятларини ўрганиш» бўйича тадқиқотлар олиб борди ва изланишлар натижалари ўнлаб халқаро илмий журналларда чоп этилди. Илмий натижаларнинг фан ва техника соҳасида муҳим эканлигини инобатга олиниб, 1973 йилда Республика ёш олимлар танлови лауреати бўлди.

А.Холикулов 1973 йилда «Ноёб ер элементларида (<sup>132</sup>, <sup>133</sup>, <sup>135</sup>La, <sup>135</sup>, <sup>137</sup>Се, <sup>137</sup>, <sup>139</sup>Pr, <sup>151</sup>Gd, <sup>163</sup>, <sup>165</sup>Er) электромагнит ўтишлар эҳтимолиятларини ўрганиш» мавзуида физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди.

А.Холикулов 1973 йилдан СамДУ ядро физикаси кафедрасининг ассистенти, катта ўқитувчиси, 1980 йилдан ҳозирги кунгача кафедра доценти лавозимида ишлаб келмоқда. 1983-1988 йиллар мобайнида шу кафедра мудирини лавозимида ишлаган. «Атом ядроси ва элементар зарралар физикаси», «Зарралар тезлатгичлари ва ядро реакторлари», «Активлаштирилган таҳлил ўтказиш усуллари», «Ядро



физикаси лабораторияси» курслари бўйича ўқув ва услубий қўлланмалар яратган.

А.Холикуловнинг илмий изланишлари ноёб ер элементларининг асосий ва уйғонган ҳолатларининг квант характеристикаларини ўрганиш ҳамда ядро-физикавий усулларнинг экология, тиббиёт, геология, биология муаммолари ечимига бағишланган. Ушбу илмий йўналиш бўйича 100 дан ортик илмий мақолалар чоп этган.

А.Холикулов талабаларга атом ва ядро физикаси курслари, зарралар тезлаткичлари ва ядро реакторлари, радиоактив изотоплар физикаси, ядро моделлари каби кўплаб умумий ва мутахассислик курсларидан дарс ўтиб келмоқда.

*Ш.Хушмуродов*

### **ХОЛМУРОДОВ РУСТАМ ИБРОҲИМОВИЧ**



Холмуродов Рустам Иброҳимович 1949 йил 16 августда Самарқанд шаҳрида зиёли оиласида туғилган. 1966 йилда 14-ўрта мактабни тугатиб, иш фаолиятини Коммунал-муҳандислик тизимларини лойиҳалаш институтининг Самарқанд бўлими ходими сифатида бошлаган.

Р.Холмуродов 1972 йили Самарқанд меъморчилик-қурилиш институтини қурувчи-муҳандис мутахассислиги бўйича тугатиб, мазкур институтнинг қурилиш конструкциялари кафедраси ассистенти лавозимига ишга қолдирилди.

Р.Холмуродов 1973-1977 йилларда Киев автомобил йўллари институтида илмий тадқиқотчи ва аспирант сифатида илмий изланишлар олиб борди. 1977 йилда аспирантурани муддатидан олдин тугатди ва номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Фаолиятини яна Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институтида давом эттирди.

Р.Холмуродов 1977-1978 йилларда мазкур институтда темир-бетон ва тош қурилмалари кафедраси ассистенти, катта ўқитувчиси, 1986-1988 йилларда институтнинг қурилиш факультети декани, 1989-1997 йилларда мазкур институтнинг ректори сифатида фаолият кўрсатди. 1997-1999 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлади.

Р.И.Холмуродов 1999 йилда Самарқанд давлат университети ректори этиб тайинланди ва бу лавозимда 2003 йилгача ишлади. Айти пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати сифатида ҳам фаолият кўрсатди. 2004 йилда Самарқанд вилоят ҳокими бўлди.

Р.Холмуродовнинг 130 дан ортиқ илмий ишлари эълон қилинган. У 1 та дарслик, 9 та ўқув қўлланмаси, 5 та монография, 30 дан ортиқ ўқув-услубий ишлар муаллифи. Илмий ишларининг йўналиши темир-бетон қурилмалари, қурилиш механикаси фанининг долзарб муаммоларидан бири бўлган пластинка ва қопламаларнинг оғирлигини камайтириш, юк кўтариш қобилиятини ошириш ва сарф-ҳаражатларини камайтиришга олиб келувчи ҳисоблаш ва лойиҳалаш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этишдан иборат.

Р.И.Холмуродов кўплаб халқаро илмий конференцияларда (Москва, Санкт-Петербург, Гданск) илмий маърузалари билан қатнашган ва нуфузли журналларда мақолалари чоп этилган. 1989-1997 йилларда собиқ Игтифок, кейин МДХ давлатларинин қурилиш ва меъморчилик йўналишидаги олий ўқув юртлари ассосиациеси аъзоси ҳамда Ўрта Осиё Президиуми аъзоси бўлган.

*М.Ж.Жўрақулов, С.А. Каримов.*

## ХУДОЙНАЗАРОВ ХАЙРУЛЛА



Худойназаров Хайрулла 1950 йил 27 августда Самарқанд вилояти Қўшработ тумани Тумановул қишлоғида туғилган. 1967-1972 йилларда Самарқанд давлат университети механика-математика факультетини функциялар назарияси ва функционал анализ мутахассислиги бўйича тамомлаган.

Х.Худойназаров 1972-1976 йилларда Қўшработ тумани Тумановул ва Пичот қишлоқларидаги мактабларда математика ва физика фанлари ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1976 йилдан Самарқанд давлат архитектура қурилиш институтини олий математика кафедраси ассистенти, 1979-1982 йилларда Тошкент Политехника институтини қурилиш механикаси кафедраси аспиранти, 1982-1992 йилларда Самарқанд давлат архитектура қурилиш

институти курилиш ва назарий механикаси кафедраси ассистенти, катта ўқитувчиси, катта илмий ходими, 1991-1992 йилларда профессори лавозимларида ишлади.

Х.Худойназаров 1992 йилдан буён Самарқанд давлат университети назарий ва амалий механика кафедраси профессори, 1995 йилдан ҳозиргача кафедра мудири лавозимларида ишлаб келмоқда. У 2001 йилдан СамДУ академик лицейлари, касб-ҳунар коллежлари ва маркетинг хизмати бўйича проректор лавозимида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Х.Худойназаров 1984 йилда Тошкентда «Цилиндрлик қобиклар ва стерженларнинг ностационар тебранишлари» мавзуида номзодлик, 1991 йилда «Цилиндрлик қобик ва стерженларнинг деформацияланувчи муҳит билан ўзаро ностационар таъсири» мавзуида докторлик диссертацияларини ёқлади. Илмий педагогик фаолияти давомида 80 дан ортиқ илмий ва илмий-услубий мақолалар ёзди. У «Elastiklik pazariyasi» номли икки қисмдан иборат дарслик ҳаммуаллифи ҳамда «Нестационарное взаимодействие цилиндрических оболочек и стержней с деформируемой средой» номли монографиялар муаллифидир.

Х.Худойназаровнинг илмий раҳбарлигида кафедрада 1996-2007 йиллар давомида хўжалик шартномалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази фундаментал тадқиқотлар фондининг грантлари доирасида илмий ишлар бажарилмоқда.

*М.Кодиров*

## ШАРИПОВ САЪДУЛЛО ИБОДУЛЛАЕВИЧ



Шарипов Саъдулло Ибодуллаевич 1950 йил 13 январда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топди. 1966 йилда шаҳардаги 22-ўрта мактабни битириб, СамДУ тарих факультети талабаси бўлди.

С.Шарипов ўз меҳнат фаолиятини 1970 йилда Акмал Икромов номидаги Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи музейида илмий ходимликдан бошлади.

1972-1974 йилларда Самарқанд кооператив институтининг сиёсий иқтисод кафедрасида кабинет мудирини бўлиб ишлади. 1974 йилдан СамДУ Ўзбекистон халқлари тарихи (ҳозирги Ватан тарихи) кафедрасида ишлай бошлади. 1974-1977 йилларда СамДУ қошидаги ижтимоий фанлар бўйича малака ошириш факультетининг катта лаборанти бўлиб ишлади. 1977 йилда университет тарихи музейи мудирлигига тайинланди. Шу йилларда тарих факультетида дарс берди. 1975-1979 йилларда аспирантурада сиргдан таҳсил олди. 1983 йилда Ўзбекистон халқлари тарихи кафедрасига ишга ўтди ва ҳозирга қадар шу кафедрда ишлаб келмоқда. 1988-1992 йилларда факультет деканининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари бўлиб ишлади, 2003 йилдан СамДУ магистратура маркази бошлиғининг СамДУ ва Болония (Италия) университетлари қўшма магистратураси бўйича ўринбосари ҳамда тарих факультети ўқув-услубий кенгашининг раиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

С.Шарипов томонидан «Ўзбекистон халқлари маданияти тарихи», «Марказий Осиё халқлари тарихида уйғониш даври», "Марказий Осиёда илк уйғониш даври (IX-XII асрлар)" каби махсус курслар ишлаб чиқилиб, қатор йиллар давомида Шарқ мамлакатларининг янги тарихи, Ўзбекистон халқлари тарихи, Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти фанларидан маърузалар ўқиб келмоқда. 30 га яқин илмий, илмий-услубий ишлар муаллифи.

С.Шарипов 1979 йилдан ҳозирга қадар Самарқанд шаҳридаги Халфа Иброҳим маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси. Тарих факультетида ўз фаолиятини давом эттирган ҳолда, 1993-1998 йилларда Сиёб туман Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси раиси, 1998-2001 йилларда эса "Самарқанд" газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари бўлиб фаолият кўрсатди. 1989-1993 йилларда Сиёб тумани, 1994-1999 йилларда Самарқанд шаҳар кенгашларига депутат этиб сайланди.

С.И.Шариповнинг хизматлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси, вилоят ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда университет раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланган.

*Н.Х. Тошкенбоев*

## ШАРИПОВА САОДАТ АТАМУРОДОВНА



Шарипова Саодат Атамуродовна 1960 йилда Бухоро вилояти Навоий шаҳрида мураббийлар оиласида туғилган. 1977 йилда ўрта мактабни олтин медал билан тугатган. 1978-1984 йилларда Самарқанд давлат университети физика факультетида таҳсил олган, аynи пайтда, физика факультети деканатида, кейинчалик ректоратда ишлаган. 1984 йилда ядро физикаси кафедрасига муҳандис сифатида ишга қолдирилган. 1987 йилдан илмий тадқиқотчи, 1989 йилда эса аспирантурага қабул қилинган.

С.Шарипова 1995 йилда «Импульси 4,2 ГэВ/с бўлган ядро-ядро тўқнашувларида кўпламчи заррачаларнинг ҳосил бўлишини текшириш» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1998 йилда унга доцентлик унвони берилди.

С.Шарипова ядро физикаси кафедрасида бакалаврларга «Атом, ядро ва элементар зарралар физикаси» фанидан маъруза, амалий, лаборатория машғулоти ўтиш, магистрларга мутахассислик фанидан маъруза ўқиш билан биргаликда, докторант-тадқиқотчи сифатида «Ядронинг материя ҳолатларини ва заррачалар кўпламчи генерацияси жараёнини юқори энергияли ядро-ядро тўқнашувларида ўрганиш» мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда.

С.Шарипова томонидан магистр ва бакалаврлар учун «Элементар зарралар физикаси», «Юқори энергиялар физикаси», «Ускорители заряженных частиц» мутахассисликлари бўйича ўзбек ва рус тилларида маъруза матнлари chop этилган. 40 дан зиёд илмий мақолалар муаллифи.

С.Шарипова 2000 йилда университет "Соғлом авлод учун" ташкилоти бошлиғи этиб гайинланди.

*Ш.Тухлиева*

## ШОДИЕВ НАРЗИКУЛ ЭШБОЕВИЧ



Шодиев Нарзиқул Эшбоевич 1937 йил 9 августда Самарқанд вилояти Ургут туманидаги Қулқишлоқ масканида туғилган. 1959 йилда Ўзбекистон давлат университети (ҳозирги СамДУ)ни битиргандан сўнг, ЎзФА Ядро физикаси институтига ёш мутахассис сифатида ишга юборилган. Мазкур институтида 1959 йилдан катта лаборант, катта механик, кичик илмий ходим лавозимларида ишлаб, радиацион физика муаммолари бўйича илмий изланишлар олиб борган.

Н.Шодиев 1963 йилда Ядро физикаси институтига «Атом ядро физикаси» мутахассислиги бўйича аспирантурага кирди ва 1967 йилда «Олтин, Голмий, Палладий, Теллурнинг нейтронларни югандан кейин чиқарган гамма нурлари спектрлари» мавзuida физика-математика фанлари илмий даражасини олиш учун номзодлик диссертация химоя қилди.

Н.Шодиев 1967 йилдан Самарқанд меъморчилик-қурилиш институти умумий физика кафедрасига, 1968 йилдан Самарқанд давлат педагогика институти физика кафедрасига, 1978 йилдан эса, физика ва умумтехника фанларини ўқитиш методикаси кафедрасига мудирлик қилди.

Н.Шодиев 1972 йилда Самарқанд давлат педагогика институти негизida хўжалик шартномаси асосida «Қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини нурлантириб экиш» лабораториясини ва Ургут туманида унинг тажриба станциясини ташкил қилди.

Н.Шодиев 1980-1990 йилларда меҳнат таълими ва умумтехника фанлари ўқитувчилари тайёргарлиги бўйича собиқ Иттифок маориф вазирлиги илмий-методик кенгаши аъзоси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги илмий-методик кенгашининг аъзоси сифатида ўрта ва олий таълим жараёнини дидактик таъминлашда фаол иштирок этди. Жумладан, «Касбга йўналтириш иши» (1986), «Касбга йўналтириш назарияси ва методикаси» (1986), «Қишлоқ хўжалик ишчи касблари» (1981), «Талабаларни қишлоқ мактаблари ўқувчиларини касбга йўналтириш ишига тайёрлаш» (1979) каби 20 га яқин ўқув дастурлари, ўқув қўлланмалари ва монографияларни нашр эттирди.

Н.Шодиев 1983 йилда «Талабаларни мактабда ўқувчиларни касбга йўналтириш ишини амалга оширишга тайёрлашнинг назарияси ва амалиёти» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. У 250 га яқин атом ядро физикаси ва рационал физика, ўрта ва олий мактабда физика ўқитиш методикаси, педагогика фанининг касбга йўналтириш, иқтисодий, экологик ва маънавий тарбия муаммоларига бағишланган илмий мақола, рисола, услубий тавсиялар муаллифи.

Н.Шодиев 1989 йилдан Низомий номидаги ТошДПУ, Душанбе ДПИ, Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш институти, Хўжанд давлат университети қошидаги педагогика-психология фанлари бўйича номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича Ихтисослашган кенгашлар аъзоси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг эксперт кенгаши аъзоси сифатида фаолият олиб борган.

Н.Шодиев 1984-1992 йилларда Самарқанд давлат педагогика институтида илмий ишлар бўйича проректор лавозимида ишлаган. У 1992 йилдан бошлаб СамДУ педагогика кафедраси профессори, 1999 йилдан шу кафедра мудири сифатида иш олиб бормоқда.

Н.Шодиевга 1995 йилда «Самарқанд давлат университетида хизмат кўрсатган профессор» унвони берилган. У «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланган.

*Ш.Файзуллаев*

### ЭРГАШЕВ АБДУРАШИД



Эргашев Абдурашид 1941 йилда Қўқон шаҳрида туғилган. 1959 йилда ўрта мактабни тамомлаб, Тошкентдаги Маннон Уйғур номидаги Санъат институтининг мусиқали драма актёрлиги факультетига ўқишга кирган. 1964 йилда институтни битириб, Самарқанд давлат опера ва балет театрида фаолият бошлади. Театрда Мухтор Ашрафийнинг «Шоир қалби» операсидаги Фурқат партиясини ижро этди. Театр саҳнасида қўйилган Толибжон Содиқов, Дони Зокиров, Юнус Ражабий, Б.Зейдманларнинг «Зайнаб ва Омон»ида Омон, Мухтор Ашрафийнинг «Дилором»ида Моний, Сулаймон

Юдаковнинг «Майсаранинг иши»да Чўпон, Ҳамид Раҳимовнинг «Зафар»ида Зафар, Юнус Ражабий ва Успенскийнинг «Фарҳод ва Ширин»ида Фарҳод, Тўхтасин Жалилов ва Борис Бровдиннинг «Тоҳир ва Зухра»сида Тоҳир, Толибжон Содиковнинг «Лайли ва Мажнун»ида Кайс каби бош қаҳрамонлар образини яратди. Миллий опералар билан бир қаторда жаҳон мумтоз асарларидаги Пинкертон (Д.Пуччини «Чио-Чио-Сан»), Каниё (Леонковалло «Масхарабозлар»), Сохта Дмитрий (Мусоргский «Борис Годунов») каби бош партияларни ижро этди. Бу партияларни Россия, Юнон, франциялик атоқли кўшиқчилар билан биргаликда ижро этди, радиода бир қатор ария ва кўшиқлар ёздирди.

А.Эргашев театрда ишлаши билан бирга, 1980 йилдан бошлаб СамДУ жамоаси, хусусан, санъатсевар ёшлари билан шуғуллана бошлади. Талабаларга вокал синфидан сабоқ берди. Дастлаб оддий ўқитувчи, 1991 йилдан катта ўқитувчи, 1994 йилдан профессорлик лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

А.Эргашев 1996 йилдан буён университет факультетлариаро ҳар йили бўлиб ўтадиган «Ўзбекистон Ватаним маним» кўрик-танлови ҳайъати раисидир.

А.Эргашев давлат ва ҳукуматнинг қатор мукофот ва унвонларига сазовор бўлган. 1972 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 1988 йилда «Ўзбекистон халқ артисти» унвонлари берилган, қатор фахрий ёрлиқлар, медаллар билан тақдирланган.

*И.Мирзаев*

## ЭШҚОБИЛОВ НАПАС БЕКНАЗАРОВИЧ



Эшқобилов Напас Бекназарович 1953 йил 4 октябрда Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Афрон қишлоғида туғилган. 1970 йили ўрта мактабни тамомлаган. 1976 йил Самарқанд давлат университети физика факультетини тугатгач, шу факультетнинг умумий физика кафедрасига ишга қолдирилди. 1977 йилда Москва шаҳрига Россия ФА Спектроскопия институтига икки йиллик стажировкага, кейин уч йиллик аспирантурага юборилди. Аспирантурани



битиргач, 1983 йили «Галлий атомининг лазер фотоионизацион спектроскопияси» мавзуида физика-математика фанлари бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади.

Н.Эшқобилов 1983-1989 йилларда бу илмий мавзуни давом эттириб, лазер спектроскопияси лабораториясида кичик илмий ходим, илмий ходим ва катта илмий ходим лавозимларида ишлади. 1989 йилдан бошлаб илмий фаолиятини педагогик фаолият билан боғлаб олиб борди. Аввал умумий физика кафедраси ассистенти, 1991 йилдан 2001 йилга қадар доценти, 2001 йилдан квант электроникаси ва радиофизикаси кафедрасида доцент лавозимида ишлади. 1990-1994 йилларда физика факультетида декан ўринбосари, 2003 йилдан СамДУ илмий тадқиқотлар мажмуаси бошлиғи, 2004 йилдан физика факультети, 2005 йилдан физика-математика факультети декани лавозимида ишлаб келмоқда.

Н.Эшқобилов 60 га яқин илмий-услубий мақолалар муаллифи. 2003 йилда «I, II ва III гуруҳ элемент атомларининг ионланиш чегараси атрофидаги ридберг ва автоионизацион ҳолатлар лазер-ионизацион спектроскопияси» мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Илмий тадқиқот натижалари «Optics communications», «Журнал прикладной спектроскопия», «Оптика и спектроскопия», «Квантовая электроника» ва «Журнал технической физики» каби чет эл журналларида чоп этилган ҳамда «RIS-96 (AIGII), RIS-98 (Англия), КИНО-84 (Новосибирск), КИНО-91 (Ленинград) каби халқаро анжуманларда ва Бутуниттифок спектроскопистларининг қатор съездларида (XIX-Томск-83, XX-Киев-88, XXI-Звеноград-95) маърузалар билан иштирок этган. У Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг СамДУ қошидаги «Оптика ва магнит ҳодисалари физикаси» мутахассислиги бўйича Ихтисослашган кенгашнинг аъзоси.

Н.Эшқобилов факультет бакалаврларига «Квант электроникаси», «Физика ва электрониканинг танланган боблари», «Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаш», магистрларга «Квант электроникаси» ва «Лазер физикаси» каби фанлардан маърузалар ўқиб келмоқда.

*О.Кувондиқов*

## ЮСУПОВ АМИН АБДУРАШИДОВИЧ



Юсупов Амин Абдурашидович 1939 йилда Самарқанд шаҳрида таваллуд топган. 1958 йилда 45-ўрта мактабни битириб, 1958-1963 йилларда Самарқанд давлат университетида физика-математика факультетида ўқиди. Талабалик йилларида СамДУ қошидаги сунъий йўлдошларни кузатиш ва уларнинг координаталарини аниқлаш станциясида 5 йил ишлади. 1963 йилда у ЎзФА Ядро физикаси институтига лаборантлик вазифасига қабул қилиниб, шу йилнинг ўзида Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Атом энергиясини тинчлик мақсадида ишлатиш Координацион кенгашига илмий ходим бўлиб ишга кирди.

А.Юсупов 1967 йилда аспирантурага ўқишга кирди, уни битириб, бир неча йиллар давомида Ядро физикаси институтида ишлади, 1975 йилда «Исследование некоторых радиационно-стимулированных явлений в кристаллах иттрий-алюминиевого граната» мавзусида физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёклади. Олимнинг асосий илмий йўналиши – коинотда ва космик кемаларда ишлатиладиган лазерларнинг ишчи элементлари ёқут ва гранатларида радиация таъсирида нуқсонларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг оптик хусусиятларини ўрганиш муаммолари бўлиб, бу илмий тадқиқотлар ҳозир ҳам СамДУ физика факультетида давом эттирилмоқда. У Москва, Санкт-Петербург каби йирик илмий марказлардаги академик институтлар билан ҳамкорликда изланишлар олиб борди, 1975 йилдан СамДУнинг физика факультети умумий физика кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи лавозимида илмий-педагогик фаолият кўрсатди. 1986 йилдан коинот ва астрофизика кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

А.Юсуповнинг 60 дан ортиқ илмий мақолалари, ўқув-услубий қўлланмалари, иккита монографияси республика ва чет элларда чоп этилган. У кўп йиллар ЎзФА ядро физика институти ва СамДУ физика факультетининг касаба уюшмаси раиси сифатида фаолият кўрсатди.

*Ф.С.Фаниев*

## ЯКУБОВ ОЧИЛ АБДУРАҲИМОВИЧ



Якубов Очил Абдурахимович 1956 йил 25 августда Самарқанд вилояти Пасдарғом тумани Хотам қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Ўрта маълумотни Пасдарғом туманидаги 28 ва 21-мактабларида олган. 1973-1978 йилларда СамДУ физика факультетида таҳсил олган.

О.Якубов меҳнат фаолиятини 1978 йилда СамДУ физика факультети оптика ва спектроскопия кафедраси қошидаги муаммолар лабораториясида кичик илмий ходимликдан бошлаган. 1982-1986 йилларда СамДУ аспиранти. 1987 йилда «Уzun занжирли бирикмалар структураси ва мезоморф хоссаларини спектропик ўрганиш» мавзuida диссертация ҳимоя қилган.

О.Якубов 1986-1994 йилларда СамДУ физика факультетида катта илмий ходим бўлиб ишлади. 1994-1997 йилларда СамДУ қошида оптика мутахассислиги бўйича докторантурани ўтади.

У кўплаб халқаро илмий конференцияларда маъруза билан қатнашган. Германия (1994), Литва (1995, 1996), АҚШ (1997, АҚШ нинг СРДФ гранти) каби давлатларда илмий сафарларда бўлган.

1997 йилдан оптика ва спектроскопия кафедраси доценти лавозимида ишлаб келмоқда. Бакалавриатура талабаларига «Умумий физика» курсининг механика, молекуляр физика, оптика бўлимларидан, «Атом молекуляр спектроскопия» махсус курсидан, магистратура талабаларига эса «Атом ва молекуляр физика», «Фазовий ўтишлар физикаси» мутахассислик курсларидан маърузалар ўқимокда. Унинг бир нечта ўқув-услубий ишлари, жумладан, ҳаммуаллифликда ёзилган «Молекуляр физиканинг танланган боблари» номли ўқув қўлланмаси нашр этилди. У 90 га яқин илмий ишлар муаллифи. Шулардан 24 таси халқаро журналларда чоп этилган. Айни пайтда, «Суюқ кристалларнинг молекуляр полиморфизми, фазовий ўтишлари ва тебранма спектрлари» мавзuidaги докторлик диссертацияси устида иш олиб бормокда.

О.Якубов жамоатчилик асосида 1986-1991 йилларда ЎзФА оптика ва спектроскопия муаммолари бўйича кенгашда илмий

котиб, 2000-2001 йилларда физика факультети деканининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари вазифаларида ишлади.

*Б.Махмудов*

## ЎРОЛОВ МУХТОР



Ўролов Мухтор 1938 йилнинг 22 ноябрида Навоий вилояти Хатирчи туманидаги Алиян қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топган. 1956 йилда 4-ўрта мактабни тугатиб, Ўзбекистон (ҳозирги СамДУ) давлат университетига ўқишга кирган. 1961 йилда университетни биология-зоология ихтисослиги бўйича тамомлагандан сўнг ҳайвонлар физиологияси ва биокимёси кафедрасида лаборант сифатида ишга қолдирилади. Кейинчалик умумий ва аналитик кимё кафедраси ассистентлигига ўтказилади. 1963 йилда умуртқасиз ҳайвонлар биокимёси йўналиши бўйича аспирантурага қабул қилинади. Уни 1966 йилда тугатиб, биология фанлари бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

М.Ўролов 1969 йилда Самарқанд давлат педагогика институтига ишга ўтди ва фаолиятини 1992 йилгача давом эттирди. Одам анатомияси ва физиологияси кафедрасида катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида ишлаши билан бир қаторда, 1972-1978 йилларда институт бошланғич партия ташкилотининг котиби вазифасини ҳам бажарди. Сўнгра педагогика факультети декани ўринбосари, институт қошидаги ҳудудий мактаб раҳбар кадрлари малакасини ошириш факультети ташкилотчиси ва 1985 йилдан декан лавозимида фаолият кўрсатди.

М.Ўролов институтда биология ихтисослиги бўйича ўқитувчи кадрлар тайёрлашнинг ташкилотчиларидан бири ҳисобланади. У кафедра қошида биокимё лабораториясини ташкил этиб, илмий-тадқиқот ишлари олиб борди ва 1991 йилда биология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди.

М.Ўролов 160 дан ортиқ илмий, илмий-методик асарлар муаллифи. Улар орасида 1 та монография, 11 та методик қўлланма, биокимё фани бўйича маърузалар матни,

мультимедияли электрон дарсликлар бор. «Ҳаётий жараёнларнинг молекуляр биологик асослари» махсус курси бўйича ёзган маъруза матни ва электрон дарслиги учун Ўзбекистон Республикаси давлат патент идорасининг № DGU 00701 рақамли гувоҳномасини (муҳандислар Лутфиллаев М.Х., Файзиев М. ҳаммуаллифлигида) олган.

М.Ўролов 1992 йилдан СамДУ одам ҳамда ҳайвонлар физиологияси ва биокимёси кафедрасида профессор, 1999 йилдан эса шу кафедра мудиридир.

У 1976 йилда «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланган.

*М.Г.Сафин*

### ҚАЮМОВ ЖЎРАҚУЛ ҲАМРОҚУЛОВИЧ



Қаюмов Жўрақул Ҳамроқулович 1935 йил 30 сентябрда Самарқанд шаҳрида ишчи оиласида туғилган. 1953 йилда ўрта мактабни тугатгач, Ўзбек давлат университети физика-математика факультетига ўқишга кирди. Университетни битириб, 1958-1967 йилларда Тожикистон ва Ўзбекистон худудларидаги ўрта мактабларда ўқитувчилик қилди, математика, физика, астрономия ва чизмачилик фанларидан дарс берди. 1967

йилдан СамДУ механика-математика факультетининг умумий математика кафедрасида ассистент лавозимида ишлаб бошлади.

Ж.Қаюмов 1969 йилда механика кафедраси қошидаги аспирантурага ўқишга кирди. 1973 йилда дифференциал тенгламалар сифат назарияси соҳасида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилгандан буён назарий механика кафедрасининг ассистенти, катта ўқитувчиси ва доценти лавозимларида ишлаб келмоқда. Олим дифференциал тенгламалар сифат назарияси ва механика, математика, астрономия фанлари тарихига доир илмий-тадқиқот ишлари олиб бориб, бу соҳада 40 дан ортиқ илмий мақола ва илмий-услубий кўрсатмалар ёзган.

*Ф.Х.Самторов*

## КОСИМОВА РАЪНО АҲМЕДОВНА



Қосимова Раъно Аҳмедовна 1943 йил 26 декабрда Самарқанд вилояти Нарпай тумани Оқтош шаҳрида зиёлилар оиласида таваллуд топган. У 1960-1962 йиллар давомида Самарқанд шаҳридаги хотин-қизлар педагогика билим юртида таҳсил олган, 1966 йилда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини тамомлаган.

Р.Қосимова институтда ўқиб юрган кезларида енгил атлетикадан спорт устаси номзоди бўлган, кўл тўпидан I разряд, волейбол, гимнастикадан II разряд, велоспортдан I разрядларни олган.

Р.Қосимова 1966-1967 йилларда Самарқанд шаҳридаги хотин-қизлар педагогика билим юртида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1967 йилдан Самарқанд давлат педагогика институти факультетлараро жисмоний маданият ўқитиш кафедрасида ассистент лавозимида фаолият кўрсата бошлади. 1969 йилдан катта ўқитувчи, 1984 йилдан кафедра мудирини этиб тайинланди. 1997 йилда жисмоний маданият факультети жисмоний тарбия ва спорт турларини ўқитиш услубияти кафедраси мудирлигига сайланди. 1972 йилдан СамДУ нинг талабалар спорт соғломлаштириш оромгоҳини бошқариб келмоқда.

Р.Қосимованинг жисмоний маданият ва спорт муаммоларига бағишланган 60 дан зиёд илмий-услубий мақолалари ва услубий тавсияномалари чоп этилган. У «Мактабгача тарбия муассасаларида ўтиладиган жисмоний тарбия машғулотларида ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш йўллари» (1997), «Талабаларни оммавий соғломлаштириш тадбирларида халқ миллий ўйинларидан фойдаланиш йўллари» (2001), «Талабаларни оммавий соғломлаштириш тадбирларида музей экспонатларидан фойдаланиш йўллари» (2002), «Сузиш ва уни ўқитишнинг назарий асослари» (2002) номли ўқув қўлланмалари муаллифи.

Р.Қосимова ёш авлодни тарбиялашда эришган ютуқлари туфайли «Самарали меҳнати учун» (1970), «Халқ таълими аълочиси» (1982) унвонларига сазовор бўлган. Айни пайтда «Спорт фахрийси» (1991) ва «Меҳнат фахрийси» (1993) ҳамдир. У факультет илмий кенгаши аъзоси ва қасаба уюшмаси раиси ҳамда СамДУ хотин-қизлар кенгаши аъзосидир.

*Х.Раббанақулов*

## ҚУВОНДИҚОВ ОБЛОҚУЛ



Қувондиқов Облоқул Қувондиқович 1939 йил 15 декабрда Самарқанд вилояти Қўшрабoт туманининг Ўразмат қишлоғида ишчи оиласида туғилган. У 1962 йилда Самарқанд давлат университетини битиргандан сўнг физика факультетида ишга қолдирилиб, ҳозиргача катта лаборант, ассистент, катта ўқитувчи, доцент, профессор, умумий ва магнит ҳодисалари физикаси кафедраси мудирлари лавозимларида ишлаб келмоқда ва умумий физиканинг оптикадан ташқари барча бўлимлари ва магнетизм бўйича талабаларга маърузалар ўқимокда. Унинг ҳаммуаллифлигида тайёрланган «Умумий физика курсидаги физик катталикларни ўлчаш», «Электротехникадан лаборатория ишлари учун қўлланма», «Электромагнетизм бўйича маърузалар магнит», «Тест-физика», «Тест топшириқларини тузиш услубияти», «Магнетизм» каби ўқув ва услубий қўлланмалари таълим жараёнида кенг қўлланилмоқда.

О.Қувондиқовнинг илмий фаолияти «Ўткинчи ва сийрак Ер металлари, уларнинг қотишма ва бирикмаларининг электр, магнит ва гальваноманит хоссаларини ўрганиш» мавзусига бағишланган. 1973 йилда номзодлик, 1992 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. У 150 дан ортиқ илмий, илмий-услубий ва илмий-оммабоп мақолалар муаллифи.

О.Қувондиқов кейинги йилларда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг физика бўйича эксперт кенгаши аъзоси, Самарқанд шаҳридаги олий ўқув юртлари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва умумий ўрта таълим мактабларида физикани ўқитиш семинари раҳбари, университет ва факультет илмий кенгашларининг аъзоси сифатида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

О.Қувондиқов ташаббуси билан 1983 йилда умумий физика кафедраси ва 1986 йилда Марказий Осиёда ягона ҳисобланган магнетизм кафедраси ташкил этилди. Унинг таклифи ва бевосита иштироки билан 2000 йилда «Физикани умумий ўрта, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш», 2003 йилда эса «XXI асрда физика таълими ва фани муаммолари»га

мавзуда республика илмий-услубий конференциялари ўтказилди.

О.Кувондиқов 2000 йилда Педагогика фанлари Халқаро академияси мухбир аъзолигига сайланди.

О.Кувондиқов 1998 йилда INTAS халқаро уюшмаси танловида ғолиб деб топилган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Олий мактаб халқаро фанлар академияси томонидан «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатдаги иқтисодий ўсиш, ижтимоий-маданий ўзгаришлар ва миллий истиқлол ғояларини амалга оширувчи омилдир» деб номланган танловда ғолиб чиққан. У шаҳар ва вилоят ҳокимликларининг фахрий ёрликлари ва Республика Олий таълим вазирлигининг «Олий таълим аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланган. 2000-2001 йилларда «Устоз» жамғармаси томонидан эълон қилинган «Йилнинг энг яхши мураббийси» ва «Йилнинг энг яхши илмий раҳбари» танловларида ғолиб чиққан. «Самарқанд давлат университетида хизмат кўрсатган профессор» фахрий унвонига сазовор бўлган.

*Х.О.Шакарров*

## **КЎШОҚОВ ШУХРАТ СОЛИЕВИЧ**



Кўшоқов Шухрат Солиевич 1943 йил 15 сентябрда Наманган вилоятининг Норин туманида хизматчи оиласида туғилган. 1945 йилдан бери Самарқанд шаҳрида яшайди.

Ш.Кўшоқов Самарқанд шаҳридаги 21-ўрта мактабни битиргач, 1961 йилда СамДУнинг тарих факультетига ўқишга кирди ва уни имтиёзли диплом билан тугатди. 1966-67 йилларда Самарқанд хотин-қизлар билим юртида ўқитувчи, 1967-72 йилларда Самарқанд қишлоқ хўжалик институти фалсафа кафедрасида ассистент лавозимларида ишлади, аynи пайтда, шу кафедра аспирантурасида таҳсил олди.

1973 йилдан ҳозиргача СамДУ фалсафа кафедрасида ассистент, доцент, профессор бўлиб ишлаб келмоқда. 1998 йилдан университетнинг фалсафа, фан методологияси ва мантиқ кафедраси, 2005 йилдан Шарқ фалсафаси ва маънавият кафедраси мудир.



Ш.Қўшоқов 1978 йилда ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институтида «Информациянинг моҳияти ва асосий турлари (фалсафий – методологик жиҳатлари)» мавзусида номзодлик, 1994 йилда «Фанларнинг ўзаро таъсири муаммолари фалсафий рефлексия предмети сифатида (илмий – интегратив жараёнларнинг назарий тасвирлари ва воқелиги: тарих ва ҳозирги замон)» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. У олиб борган тадқиқотлари асосида фан ва фалсафанинг янги йўналишлари ва концепциялари ишлаб чиқилди. Бунда янги тадқиқот соҳаси бўлган XXI аср матафалсафасининг мазмуни, структураси ва методологик тамойиллари чуқур ўрганилди. Республикамизда биринчи бўлиб буддизм фалсафаси ва синергетика, мусулмон Шарқи фалсафаси ва илоҳиётида руҳият муаммолари устида тадқиқот олиб борилди.

Ш.Қўшоқов 100 дан ортиқ илмий ишлар, шу жумладан, 3 та монография ва 5 та ўқув қўлланмаси муаллифи. 1991-2004 йилларда Москва, Санкт-Петербург, Ставрополь ва Элиста шаҳарларида ташкил этилган халқаро конференцияларда маърузалар билан қатнашган, чет элларда 10 дан ортиқ мақолалари чоп этилган.

Ш.Қўшоқов файласуф кадрларни тайёрлаш, ДТСлар асосида ўқув дастурлари, методик ва ўқув қўлланмалари яратиш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Кафедра қошидаги фалсафа бўйича назарий семинар, талабалар «Фалсафий гурунг» клуби ишларини бошқармоқда, кафедра қошидаги магистратура ва аспирантурада таҳсил олаётган тадқиқотчиларнинг илмий-педагогик ишларига раҳбарлик қилмоқда. Унинг раҳбарлигида 3 та талаба атоқли давлат стипендианти соҳиблари бўлишди.

Ш.Қўшоқов фан фалсафаси ва методологияси йўналиши бўйича давлат гранти соҳиби, циклология фани ва фалсафасида ишлаб чиққан янги концептуал тасаввурлар ва методологик ғоялари учун Россияда таъсис этилган Россия ва МДХ мамлакатларининг циклология фани Олтин фонди дипломи билан тақдирланган.

*С.Каримов*

## ҒАНИЕВ САЙФУЛЛО САЙФИЕВИЧ



Ғаниев Сайфулло Сайфиевич 1941 йилда Мотруд қишлоғининг Нақшакон маҳалласида туғилган. 1960 йил Мотурулдаги 27-ўрта мактабни битиргач, шу йили Самарқанд давлат университети-нинг физика-математика факультетига ўқишга кириб, уни 1965 йилда тамомлаган ва оптика кафедраси қошидаги муаммовий илмий тадқиқот лабораториясида илмий ходим сифатида ишга қолдирилган. 1975 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади. Молекуляр оптика ва акустика, жумладан, юқори босим физикаси соҳаларидаги кўп йиллик тадқиқотларини якунлаб, докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ҳозирда СамДУ физика факультети коинот физикаси ва астрофизикаси кафедраси профессори сифатида илмий-педагогик фаолиятини давом эттирмоқда.

Ф.Ғаниев Москва, Санкт-Петербург, Минск шаҳарларидаги илмий-ўқув марказлари билан самарали ҳамкорлик ўрнатган бўлиб, хорижий ва республика миқёсидаги илмий конференция ва симпозиумларда физика фани ва таълимнинг долзарб муаммоларига бағишланган маърузалар билан фаол иштирок этиб келмоқда. У 100 дан зиёд илмий ва илмий-методик мақолалар, қўлланмалар муаллифи.

Ф.Ғаниев физика муаммоларини таҳлил этиш ва педагогик фаолияти билан биргаликда шарқ мумтоз шоирлари Рўдакий, Ҳофиз, Саъдий, Лutfий, Навоий, Бедил ва бошқа шоирларнинг шеърини ва табиий илмларга бағишланган тадқиқотлар ҳам олиб боради, шеърлар машқ қилади. Уларнинг кўпчилиги маҳаллий газеталарда чоп этилган.

*М.Кодиров*

## ФАФФОРОВ ШОКИР САФАРОВИЧ



Фаффоров Шокир Сафарович 1958 йил 6 декабрда Навоий вилояти Хатирчи туманида хизматчи оиласида туғилган. 1978 йилда ўрта мактабни тамомлаган. 1978 йилда Самарқанд давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кириб, уни 1983 йилда тугатган. 1983–1986 йилларда СамДуда лаборант бўлиб ишлаган. 1986–1989 йилларда аспирантурада таҳсил олиб, 1990 йилда тарих фанлари бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Ш.Фаффоров университетнинг тарих факультети Ўзбекистон тарихи кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи, доцент, профессор лавозимларида ишлаб келмоқда. Айни пайтда, 1992-1993 йилларда тарих факультетида декан ўринбосари, 1993-1994 йиллар факультет декани, 1994-1996 йиллар тарих ва ҳуқуқшунослик маркази бошлиғи, 1996 йилдан яна тарих факультети декани лавозимида фаолият юритмоқда.

Ш.Фаффоров 80 га яқин илмий мақолалар ва алоҳида нашрлар муаллифи. Жумладан, у 1996 йилда «Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маърифий ҳаёти тарихидан (XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошлари)» ўқув қўлланмасини ва 2001 йилда «Чор истибдоди даврида Туркистондаги таълим тизими» монографиясини чоп эттирган. 2003 йилда «Россия империясининг Туркистонга аҳолини кўчириш сиёсати (XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошлари)» мавзuida докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Ш.Фаффоров 1999 йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий ва ўрта махсус таълим фидойиси» нишони билан тақдирланган.

*М.Ж.Журакулов*

## ҒОЗИЕВ АБДУРАСУЛ



Ғозиев Абдурасул 1938 йил 16 октябрда Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида деҳқон оиласида таваллуд топди. У 1956 йилда ўрта мактабни тамомлаб, Ўзбекистон давлат университети (ҳозирги СамДУ) физика-математика факультетининг математика бўлимига ўқишга кирди. Уни тамомлагандан кейин 1961 йилда математик анализ кафедрасида ассистентлик лавозимиغا ишга қолдирилди.

А.Ғозиев 1963-1966 йиллар давомида Озарбайжон давлат университетини аспирантурада таҳсил олди ва 1967 йили «Махсус интегралларнинг баъзи бир хоссалари ва уларнинг чизиқли бўлмаган сингуляр интеграл тенгламаларни ечишга тадбиқи» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1967-1972 йиллар давомида СамДУ математик анализ кафедрасида катта ўқитувчи, доцент, 1972-1994 йилларда физика факультети олий математика кафедраси мудири бўлиб ишлаган. Шу йиллар давомида физика факультети талабаларига математик анализ, комплекс ўзгарувчилик функциялар назарияси, дифференциал тенгламалар курсидан маърузалар ўқган.

А.Ғозиев 70 дан ортиқ илмий мақолалар, ўқув қўлланмалари, маърузалар курсининг муаллифи, кўпгина мақолалари хорижий мамлакатларда чоп қилинган. У жамоатчи сифатида университет халқ назорати комиссияси аъзоси, факультет партбюроси котиби бўлиб ишлаган. Ҳозирги кунда механика-математика факультети назорат комиссиясининг раиси бўлиб ишлаб келмоқда.

А.Ғозиевнинг ёш авлодни тарбиялаш ва фан соҳасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланган. У собиқ Иттифоқ микёсидаги «Олий таълим аълочиси» нишони, «Меҳнат фахрийси» медали билан мукофотланган.

*И.Исроилов*

## ҲАЙДАРОВА ФОТИМА ҲАЙДАРОВНА



Ҳайдарова Фотима Ҳайдаровна 1931 йил 16 декабрда Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти Учкўрғон қишлоғида таваллуд топган.

Ф.Ҳайдарова 1952 йили Тошкент Давлат педагогика институти тарих факультетини битириб, республика Маориф вазирлигининг йўлланмаси билан Самарқандга келади. 1952-1954 йилларда Самарқанд вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида методистлик қилади ва Сиёб туманидаги 10-ўрта мактабда тарих фанидан дарс беради.

Ф.Ҳайдарова 1954-1957 йилларда СамДУда аспирантурани ўтаб, 1958 йилда номзодлик, 1986 йилда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

Ф.Ҳайдарова университетда 45 йил давомида ўзбек, тожик ва рус тилларида талабаларга дарс бериб келди. 12 йил кафедра мудири, партия кўмитаси котиби ва хотин-қизлар кўмитаси раиси бўлди.

Ф.Ҳайдарова Марказий Осиё ва Ўзбекистон тарихига оид 80 дан ортиқ ўқув-қўлланмалари, монографиялар муаллифи. Илмий, илмий-оммабоп мақолалар, ўқув қўлланмалари, услубий тавсиялар ва маъруза матнлари ёзган. 115 босма табоқдан иборат монографиялар ва бошқа илмий асарларга муҳаррирлик қилган. У Норвегия, Бошқирдистон, Грузия, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Қрим каби мамлакатларда Марказий Осиё хотин-қизлари тарихига оид чиқишлар қилган.

Ф.Ҳайдарова 1952 йилдан ҳозиргача Самарқанд вилоятида жамоатчилик асосида вилоят ва шаҳар «Билим» жамияти президиуми раиси ўринбосари, Самарқанд вилояти ва шаҳар кенгашлари депутати, СамДУ партия кўмитаси котиби, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари, Боғишамол туман хотин-қизлар кўмитаси раиси, Самарқанд шаҳар ижтимоий фанлар мувофиқлаштириш комиссияси раиси, Самарқанд олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг тарих секцияси раиси, вилоят хотин-қизлар ўртасида байналминал секцияси раиси, республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўқув-методик кенгашининг аъзоси, республика ва вилоят хотин-

қизлар кумитаси раёсат ва пленум аъзоси сифатида фаолият кўрсатиб келди.

Ф.Хайдарова «Хашклар дўстлиги» ордени, иккита «Шавкатли меҳнат учун» медали, вилоят «Нодирабегим» мукофоти билан тақдирланган, Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи йиллиги таътаналарида Самарқанд вилоятидан қатнашиб, кўкрак шишонни билан тақдирланган, Ўзбекистон халқ маориф аълоҳиси ва юздан ортиқ фахрий ёрликлар билан мукофотланган.

**К.Саидов**

## ҲАКИМОВ НАЖМИДДИН



Ҳакимов Нажмиддин 1938 йилнинг 1 февралда Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида туғилди. У 1945-1955 йилларда Жума шаҳридаги 21-ўрта мактабда ўқиди. 1957 йилда СамДУнинг биология факультетига ўқишга кирди.

Н.Ҳакимов 1962 йилда ўқишни битиргач, умуртқасизлар зоологияси бўйича аспирантурага қолдирилади. У 1966 йилда «Мирзачўл шароитида ўзлаштирилмаган кўриқ ерлар ва ғўза майдонларининг нематодалари» мавзuida номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

Н.Ҳакимов ўқитувчилик фаолиятини 1965 йилда Самарқанд тиббиёт институтининг биология кафедрасида ассистент лавозимидан бошлайди. 1968 йилдан Самарқанд давлат педагогика институти биология кафедраси мудири лавозимига ишга ўтади. Педагогика институтида 1992 йилгача биология кафедрасининг мудири, бир неча йиллар давомида факультет декани муовини, факультет декани лавозимларида ишлади. Ҳозирда СамДУ талабаларига биологиянинг асосий бўлимлари ҳисобланган умуртқасизлар зоологияси, умумий паразитология, магистрларга эса умуртқасиз ҳайвонларнинг солиштирма морфологияси, гельминтология фанларидан маърузалар, лаборатория ва семинар машғулотларини ўтиб келмоқда.

Н.Ҳакимов бир неча илмий, ўқув ва ўқув-услубий ишлар муаллифи. Унинг «Нематоды целины и хлопковых полей в Голодной степи», «Умуртқасизлар зоологияси» ва «Умумий

паразитология» предметларидан яратган қўлланмалари биология факультети талабалари учун зарурий ўқув-методик манбалар сифатида хизмат қилмоқда.

Н.Ҳакимов «Шарафли меҳнати учун», «Ўзбекистон Республикаси маориф аълочиси», «Шарафли зиёкор» нишонлари ҳамда бир қатор фахрий ёрликлар билан мукофотланган.

*М.Ў.Ўролов*

### ҲАЛИМОВ РАББИМ ҲАЛИМОВИЧ



Ҳалимов Раббим Ҳалимович 1931 йилда Самарқанд шаҳрининг Дониёрбек маҳалласида хизматчи оилада таваллуд топди. У ўрта мактабни тугатгач, Самарқанд давлат университетининг геология-география факультетига ўқишга кирди.

Р.Ҳалимов педагогик фаолиятини 1957 йил Қорадарё (ҳозирги Каттакўрғон) туманидаги 7-ўрта мактабдан бошлади. 1960 йилдан Қозон давлат университетида аспирантурани ўтади. 1975 йилда «Зарафшон-Ҳисор тоғларининг рельефи ва ҳозирги давр табиий географик жараёнлари» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1976 йилдан СамДУ нинг география факультети регионал табиий география кафедрасида доцентлик лавозимида ишлаб келмоқда.

Р.Ҳалимовнинг Ўзбекистон табиий географияси, материклар ва океанлар табиий географияси, биогеография, рекрецион география, экологик география, эрозион жараёнлар, карст ходисалари, саҳроланиш муаммоларига бағишланган 140 га яқин илмий мақола ва ўқув-услубий кўрсатмалари илмий тўплам ҳамда журналларда эълон қилинган, биогеография ва топонимика фанлари бўйича маърузалар матнлари чоп этилган. Унинг бир қатор илмий мақолалари Москва, Қозон, Пермь, Владивосток, Туркистон, Тбилиси, Бишкек, Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтган халқаро илмий анжуманлар, географик съездларнинг материаллари тўпламларида ва ЎзФАнинг республика ва халқаро миқёсидаги нуфузли журналлари саҳифаларида чоп этилган.

Р.Халимов 1975-1990 йилларда СамДУ да ишлаш билан бирга Россия ФА нинг Пермь университетидида карст ва горшунослик буйича илмий ходим сифатида фаолият кўрсатди.

Р.Халимов айни пайтда талабаларга биогеография ва топонимика фанларидан сабоқ бермокда.

*А.Рахматуллаев*

## ҲАМРОҚУЛОВ МУРТОЗАҚУЛ



Ҳамроқулов Муртозақул 1941 йил 5 мартда Самарқанд вилояти Самарқанд тумани Хаймар кишлоғида хизматчи оиласида таваллуд топди. 1958 йилда ўрта мактабни тугатиб, шу йили Самарқанд давлат университетининг физика факультетига ўқишга киради. 1965 йилда университетни тугалгач, ядро физикаси кафедрасида кичик илмий ходим сифатида ишга қолдирилди.

М.Ҳамроқулов 1966 йилда тадқиқотчи вазифасида Ленинград Физика-техника институтига юборилди ва 1968-1971 йиллар давомида ўша ерда электронлар физикаси лабораториясида аспирантурани ўтади. Илмий тадқиқотлари ўта паст температурада ( $-269^{\circ}\text{C}$ ) арсенид индий ва антимонид индий ярим ўтказгичларда электронларни нур таъсирида иситиш муаммоларига бағишланди. 1983 йили номзодлик диссертациясини химоя қилди. 1972 йилдан бошлаб СамДУ физика факультетининг умумий физика кафедрасида дастлаб ассистент, кейинчалик доцент лавозимида ишлади, илмий тадқиқот, ўқув-услубий, маънавий-маърифий ишлар билан шуғулланди.

М.Ҳамроқуловнинг илмий изланишлар натижалари 40 дан зиёд роқ республика ва хорижий журналларда чоп этилди. У «Механика» фанидан маъруза матни ва ўқув қўлланмалари яратди.

М.Ҳамроқулов физика факультетида 15 йилдан зиёд декан ўринбосари вазифасида ишлади. Ҳозирги кунда факультет оптикаи ва спектроскопия кафедрасида фаолият кўрсатмокда.

*Ф.Х.Тухватуллин*



## ҲАМРОЕВ ҚАҲРАМОН



Ҳамроев Қахрамон 1939 йил 15 мартда Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги Омонсой қишлоғида колхозчи оиласида туғилган. 1956 йилда тумандаги 1-ўрта мактабни тамомлаб, 1956 йилда Самарқанд давлат университети физика-математика факультетига ўқишга кирди ва 1961 йилда тамомлади. 1961-1963 йилларда Фориш туманидаги мактабларда ўқитувчилик қилди. 1963 йилдан СамДУ нинг математик анализ кафедрасига ассистентлик лавозимида ишлаб бошлаган, 1966-1971 йиллар мобайнида Озарбайжон ФА нинг математика ва механика институти функционал анализ бўлимида аспирантурани ўтаган. 1972 йилда физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун «Фурьенинг умумлашган усули ва операторли дифференциал тенгламалар назариясининг хусусий ҳосилалари аралаш масалаларни ечишга таъбиқи» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

К.Ҳамроев СамДУ нинг математик анализ кафедрасида 1971-1974 йилларда ассистент, 1974-1983 йилларда катта ўқитувчи, 1983 йилдан доцент лавозимларида ишлаб, математик анализ ва махсус курслардан маъруза ҳамда семинарлар олиб борган. Иш фаолияти давомида 20 дан ортик илмий мақолалар эълон қилган.

К.Ҳамроев 1999 йилдан нафақада. Айни пайтда, кафедрада доцент лавозимида ҳам ишлаб келмоқда.

*А.Ғозиев*

## ҲОТАМОВ АҲТАМ



Ҳотамов Аҳтам 1949 йил 18 июнда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. 1966 йили СамДУнинг механика-математика факультетига ўқишга кириб, уни 1971 йилда функциялар назарияси ва функционал анализ мутахассислиги бўйича тугатди.

А.Ҳотамов 1971-1973 йилларда СамДУ стажёр-тадқиқотчиси сифатида илмий изланиш олиб бориш ва малака ошириш

мақсадида МДУнинг механика-математика факультети функциялар назарияси ва функционал анализ кафедрасига юборилди. 1973-1976 йилларда МДУнинг шу кафедрасида аспирантурасини ўтади. 1977 йилда «Ҳосиласи каварик функцияларни рационал функциялар билан яқинлаштиришлар» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1976-1980 йилларда СамДУ функционал анализ кафедраси ассистенти лавозимида ишлади. 1981-1989 йилларда ТошДУ математик анализ кафедраси докторанти сифатида МДУнинг функциялар назарияси ва функционал анализ кафедрасига юборилди. 1995 йилда «Функцияларни яқинлаштириш назариясининг тўғри ва тескари теоремалари» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади.

А.Ҳотамов 1992 йилдан СамДУ функциялар назарияси ва функционал анализ кафедраси профессори, 1997-2003 йилларда шу кафедра мудири ва 2003 йилдан функциялар назарияси кафедраси мудири бўлиб ишлаб келмоқда.

А.Ҳотамов талабаларга «Комплекс ўзгарувчининг функциялар назарияси», «Функционал анализ ва интеграл тенгламалар», «Ҳақиқий ўзгарувчининг функциялар назарияси», «Анализнинг танланган боблари», «Кўп қийматли аналитик функциялар назарияси ва конформ акслантиришлар», «Функционал фазолар ва уларда яқинлаштириш назарияси» фанлари ва махсус курслардан маъруза ва семинар машғулотларини ўтади. У 10 дан зиёд илмий-услубий ишлар, 80 га яқин илмий мақолалар муаллифидир. Шулардан 35 таси халқаро ва марказий журналларда chop этилган.

А.Ҳотамов 1977-1982 йилларда СамДУ механика-математика факультети «Ёш олимлар» кенгашининг раиси, 1980-1985 йилларда «Ёш олимлар» кенгашининг аъзоси, 1998-2002 йиллар ЎзФА Математика институти қошидаги Ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси сифатида фаолият кўрсатган.

А.Ҳотамов 1983 йилда Ўзбекистон ёш олимларнинг «Фан ва техника соҳасидаги мукофоти» лауреати, 1998 йилда «Устоз» республика жамғармаси совриндори бўлди. У қатор фахрий ёрлиқлар билан ҳам тақдирланган.

**Ш.Ермухамедов**

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши (Т.Ширинов).....	3
--------------------------	---

### I БЎЛИМ

Ахмеджонов Рустам Ахмеджонович (С.Х.Қурбониязов).....	5
Бегиев Боқи (Ҳ.Аминов).....	6
Вафоев Ато Ниёзович (Ҳ.Аминов).....	7
Вяткин Василий Лаврентьевич (Н.Х.Тошкенбоев).....	8
Зулфиқоров Али Юсупович (З.Муқимов).....	10
Ибадуллин Рашид (Ж.Х.Хўжаев).....	11
Ибрагимов Очил (Р.Х.Ҳалимов).....	13
Каримов Ҳамид (Х.Аминов).....	14
Маматқулов Усмон Қобулович (З.И.Иззатуллаев).....	15
Набиев Абдухалил Набиевич (Ф.С.Алиева).....	16
Носиров Абдуҳаким (Э.У.Арзиқулов).....	17
Раҳимов Аҳрор Алиевич (Н.Эшқобилов).....	18
Раҳматуллаев Эргаш Раҳматуллаевич (С.Ф.Файзуллаев).....	19
Розиқов Баҳром Аҳмедович (Н.Б.Толлибоев).....	20
Рўзиев Жўра (Қ.Ҳамроев).....	21
Тоғаев Зубайдулла Иргашевич (А.Раҳматуллаев).....	22
Тўлаганов Аҳрор Тўлаганович (Н.Х.Ҳакимов).....	23
Умняков Иван Иванович (Ҳ.Аминов, Н.Тошкенбоев).....	24
Файзиев Асад Файзиевич (С.М.Аминов).....	26
Эргашев Раббим (Н.Низомов, С. Қурбаниязов).....	27
Юсупов Абдурашид Мустафаевич (О.Дўсматов).....	28
Юсупов Карим Юсупович (М.Журақулов).....	29
Қосимов Камариддин (Н.Эшқобилов).....	31
Ҳалимов Мавлон Ҳалимович (Р.Х.Ҳалимов).....	32
Ҳошимов Жўраҳон Абдурахмонович (Н.Тошкенбоев).....	33

### II БЎЛИМ

Абдувоҳидов Сафар Ниязматович (Н.Шодиев).....	35
Абдуллаев Жоникул Ибрагимович (М.Х.Шерматов).....	36
Абдусаидова Гулчеҳра (Ш.Қўшоқов).....	37
Айтматов Қудрат (А.Ҳозиев).....	38
Алиева Фотима Саттаровна (С.И.Шарипов).....	39
Алиқулов Зариф (С.А.Каримов).....	40

Аминов Хасан Аминович ( <i>М.Жўрақулов, Р.Юсупов</i> ) .....	41
Асроров Ядон ( <i>А.У.Ариқулов</i> ) .....	43
Аҳмедова Гулжаҳон ( <i>Ш.Х.Хушмуродов</i> ) .....	44
Баҳрисев Фахри Баҳриевич ( <i>М.Р.Усмонов</i> ) .....	45
Валихўжасев Нодир ( <i>С.Каримов</i> ) .....	46
Восеев Ошир Восеевич ( <i>М.Ж.Жўрақулов</i> ) .....	47
Жабборов Абдурашид Раїимович ( <i>Ж.Л.Лаханов</i> ) .....	48
Жумабоев Абдувоҳид ( <i>Ф.Х.Тухватуллин</i> ) .....	49
Жумабоев Тошпўлат Жумабоевич ( <i>С. Аббосов</i> ).....	50
Жўрасев Бобокул Сулаймонович ( <i>Р.М.Эшбўриев</i> ) .....	51
Жўрасев Ўрал Бойирович ( <i>М.Қодиров</i> ) .....	53
Зиётов Ойдин ( <i>Қ.Усмонов</i> ) .....	54
Зиядуллаев Худойберди ( <i>Х.Раббанақулов</i> ) .....	54
Злоцкий Георгий Вениаминович ( <i>Қ.Останов</i> ) .....	55
Ибадов Рустам Мустафоевич ( <i>О.Кувондиқов</i> ).....	56
Исаев Ҳамид Ҳожи ( <i>М.Жўрақулов</i> ).....	57
Исмоилов Зафар Файзуллаевич ( <i>Ж.Лаханов</i> ).....	58
Исроилов Исмоил ( <i>А.Ғозиев</i> ).....	59
Йўлдошев Муса ( <i>Р.К.Юсупов</i> ) .....	60
Кабулова Адолат Джабборовна ( <i>Х.Зиёдуллаев</i> ) .....	61
Лукашенко Раиса Ефимовна ( <i>И.Исроилов</i> ).....	62
Малиновский Евгений Андреевич ( <i>Р.А.Ряснянская</i> ).....	62
Мамиров Улуғбек Эшимович ( <i>А.Ғозиев</i> ).....	63
Матвиенко Анатолий Михайлович ( <i>А.К.Мамаюсупов</i> ).....	65
Маткаримов Ўктам ( <i>Ж.Лаханов</i> ).....	66
Маҳмудов Баҳром Маҳмудович ( <i>Ш.М.Мавлонов</i> ).....	67
Мукашева Роза Рашидовна ( <i>А.Ульянова</i> ).....	68
Муродов Субҳон Очилович ( <i>Р.Юсупов</i> ) .....	69
Муқимов Зиёдулла ( <i>М.Қўлдошев</i> ) .....	70
Мўминов Толиб Мусаевич ( <i>Ш.Х.Хушмуродов</i> ) .....	71
Назаров Карим Маҳмудович ( <i>Х.Маматов</i> ).....	73
Насруллаев Даврон ( <i>Ж.Хўжаев</i> ).....	75
Неъматов Исоқжон ( <i>И.Қўшоқов</i> ).....	76
Нормуродов Холмўмин ( <i>Д.Насруллаев</i> ).....	77
Нуримов Тоштемир ( <i>Х.Зиёдуллаев</i> ) .....	78
Нурмухамедов Абдурахмон ( <i>Б.Турсупов</i> ) .....	79
Оманов Шавкат ( <i>Ш.Х.Хушмуродов</i> ) .....	80
Орзибеков Раҳмонкул ( <i>А.Худойбердиев</i> ) .....	81

Ортиков Акмал Раббимович ( <i>Д.Қаюмов</i> ) .....	82
Очилов Дўсан ( <i>А.Ғозиев</i> ).....	83
Пардаев Ортиқ Пардаевич ( <i>А.Қувватов</i> ) .....	84
Раҳматуллаев Орзимурод ( <i>Х.Жўрақулов</i> ).....	85
Раҳматуллаев Мустафо Раҳматуллаевич ( <i>М.З.Ортиқов</i> ).....	86
Рустамов Ҳасан Шарипович ( <i>Р.Ражабов</i> ) .....	87
Саидов Илҳомжон Муҳиддинович ( <i>Ш.С.Ғаффоров</i> ).....	88
Сатторов Ғотех Ҳалимович ( <i>А.Мамаюсупов</i> ) .....	89
Сафин Марс Ғабулхакович ( <i>М.Ўролов</i> ) .....	89
Солеев Аҳмаджон Солеевич ( <i>С.Каримов</i> ) .....	90
Солиев Алибек ( <i>И.Исроилов</i> ).....	91
Тиллаева Хуршеда ( <i>Ш.Хушмуродов</i> ) .....	92
Толлибоев Норбой Муродуллаевич ( <i>А.Эргашев</i> ) .....	93
Тошкенобев Неъмат Холмуродович ( <i>Ш.С.Ғаффоров</i> ).....	94
Тошкенобев Улуғбек Неъматович ( <i>Х.Хушвақтов</i> ) .....	95
Тошпўлатов Аҳмаджон ( <i>А.Солеев</i> ).....	96
Турсунов Бердикул ( <i>А.Нурмухаммедов</i> ) .....	97
Турсунов Кўчқор Норқулович ( <i>Х.Раббанақулов</i> ) .....	98
Тухватуллин Фарид Хайруллоевич ( <i>М.К.Қодиров</i> ) .....	99
Тўрақулов Беҳзод ( <i>С.Шарипов</i> ) .....	100
Тўрақулов Ҳамид ( <i>М.Қ.Қодиров</i> ) .....	101
Тўхлиева Шарофат Бектошевна ( <i>М.Юлдашев</i> ).....	102
Холиқулов Амритдин Бобобекович ( <i>Ш.Хушмуродов</i> ) .....	103
Холмуродов Рустам Иброҳимович ( <i>М.Жўрақулов,</i> <i>С.Каримов</i> ) .....	104
Худойназаров Хайрулла ( <i>М.Қодиров</i> ).....	105
Шарипов Саъдулло Ибодуллаевич ( <i>Н.Х.Тошкенобев</i> ) .....	107
Шарипова Саодат Атамуродовна ( <i>Ш.Тўхлиева</i> ).....	108
Шодиев Нарзикул Эшбоевич ( <i>Ш.Ғайзуллаев</i> ) .....	109
Эргашев Абдурашид ( <i>И. Мирзаев</i> ) .....	110
Эшқобилов Напас Бекназарович ( <i>О.Қувондиқов</i> ).....	111
Юсупов Амин Абдурашидович ( <i>Ф.С.Ғаниев</i> ) .....	113
Якубов Ачил Абдурахимович ( <i>Б.Махмудов</i> ).....	114
Ўролов Мухтор ( <i>М.Ғ.Сафин</i> ).....	115
Қасмов Жўрақул Ҳамрақулович ( <i>Ф.Х.Сатторов</i> ) .....	116
Қосимова Раъно Аҳмедовна ( <i>Х.Раббанақулов</i> ) .....	117
Қувондиқов Облокул ( <i>О.Х.Шакарров</i> ) .....	118
Кўшоқов Шухрат Солиевич ( <i>С.Каримов</i> ) .....	119

Ғашиев Сайфулло Сайфиевич ( <i>М.Қодиров</i> ) .....	121
Ғаффоров Шокир Сафарович ( <i>М.Ж.Жўрақулов</i> ) .....	122
Ғошиев Абдурауф ( <i>Н.Исроқлов</i> ).....	123
Ҳайдарова Фотима Ҳайдаровна ( <i>К.Саидов</i> ) .....	124
Ҳакимов Назмидин ( <i>М.Ў.Ўролов</i> ) .....	125
Ҳалимов Раббим Ҳалимович ( <i>А.Раҳматуллаев</i> ) .....	126
Ҳамрақулов Муртозақул ( <i>Ф.Х.Тухватулин</i> ) .....	127
Ҳамроев Қаҳрамон ( <i>А.Ғошиев</i> ).....	128
Ҳотамов Аҳтам ( <i>Ш.Ёрмухамедов</i> ).....	128

Ҳаққон  
 Ҳаққон  
 Ҳаққон

Ҳаққон Ҳаққон Ҳаққон  
 Ҳаққон Ҳаққон Ҳаққон  
 Ҳаққон Ҳаққон Ҳаққон

Ҳаққон Ҳаққон Ҳаққон  
 Ҳаққон Ҳаққон Ҳаққон  
 Ҳаққон Ҳаққон Ҳаққон

## ДОРИЛФУНУН ФИДОЙИЛАРИ

Қисқача тарихий биографик маълумотнома

Муҳаррир: К.Мелиев

Мусахҳих: Э.Кулаҳмедов

Техник муҳаррир: О.Б.Маматқулов

Босишга 11.07.2006 йилда рухсат этилди.

Қоғоз бичими 60x84 1/16. Ҳажми 8,4 б.т.

Буюртма №225. Адади 250 нусха.

Баҳоси шартнома асосида

Самарқанд давлат университетининг кичик босмахонасида  
компьютерда терилган нусхасидан чоп этилди.

140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15.

1880 11/20/80